

МАНАС

Қирғиз халқ эпоси.
II китоб



ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти
1987

СОҒИМБОИ УРОЗБЕК ўгли
варианти бўйича

Қирғизчадан
СУЛТОН АҚБАРИЙ
таржимаси

Манас: Қирғиз халқ эпоси: [II китоб] С. Урозбек ўғли варианти бўйича; Қирғ. С. Акбарий тарж.; Қириш сўзи Ч. Айтматовники].—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти., 1987.— 200 б.

«Манас»нинг биринчи китоби устоз Миртемир томонидан таржима қилиниб, 1964 йили нашр этилган эди.

Эпоснинг қўлингиздаги иккинчи китоби таржимаси Султон Акбарий қаламига мансубдир.

Асар юксак гуманизм руҳи билан суғорилган бўлиб, қирғиз халқи ҳаёти, тарихида кечган воқеалар, элатларнинг яшаш тарзи билан таништиради. Ундаги бетакрор қаҳрамонлар образи шиддаткорлиги, хотин-қизлар жасорати кишини ҳайратда қолдиради.

Манас: Киргизский народный эпос. Кн. 2.

ББК 82.3Кп—6

С $\frac{4702280100-30}{М 352(04)-87}$ 139—87

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.

БУЮК ЧУҚҚИ

Қирғизлар Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири эканлиги тарихдан аён. Усиш ва юксалиш жараёнида олис, мураккаб йўлни босиб ўтган элимиз эпик маданиятнинг юксак намуналарини яратди. Бошқа қардош халқлар ўз тарихини, адабиёти, санъати ва архитектурасини ёзма адабиётлар орқали қолдирган бўлса, қирғизлар тарихий воқеаларни оғзаки эпик дostonларда асрлардан-асрларга сақлаб келди.

Тил ҳамда эпосларни ўрганиш бўйича йирик мутахассислардан бири, ўтган асрда яшаган атоқли немис филологи Якоб Гримм: «Бизнинг тилимиз — бу бизнинг тарихимиздир» деб бежиз айтмаган. Шунга кўра миллий тилимиз ва эпик дostonларимиз бизнинг тарихимиз деб айтишга тўла ҳақимиз бор. Бу ўз навбатида турли типдаги, ранг-баранг йўналишдаги оғзаки асарларни яратишга туртки бўлди. Масалан, «кичик» эпослардан аталмиш инсоннинг куч-қудрати, табиатнинг сеҳри ҳақидаги «Эртўштук», олам ва одам тўғрисидаги «Қожожаш», социал ҳаёт ифода этилган «Кедейхон», ишқ-муҳаббатга бағишланган «Ўлжабой билан Қишимжон» каби қатор халқ дostonларини биз шартли равишда «Манас»га қиёсан «кичик» эпослар деймиз.

«Манас» эпоси юксак гуманизм руҳи билан сўғорилган. Бундай қараганда парадоксал, эҳтимол туюлган бу мулоҳаза асослидир. Сабаби, эпос бошидан охирига қадар жангу жадаллар негизига қурилган. Манаснинг бутун умри урушда ўтади. У севимли ёри Хоникейнинг қаршиликларига қарамай ўз юртининг озодлиги учун курашиб жангда ҳалок бўлади. Эпос ўзининг ана шундай фожиавий якунига қарамай, инсонни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатни улуғлаш ва имонни мустаҳкам сақлашни ўргатувчи жаҳондаги геннал асарлар қаторига кирди.

Эпосда айниқса хотин-қизлар образи шу қадар маҳорат билан берилганки, ўқиб лол қоласан. Буюк боболаримиз хотин кишига нисбатан ҳамиша яхши муомалада бўлганлар, уларни биринчи навбатда меҳрибон она, доно маслаҳатгўй, садоқатли ёр, хонадонимизнинг қут ва барақаси деб билганлар. Буни Хоникей мисолида яққол кўришимиз мумкин. Мен ёзувчи сифатида шуни қайд этмоқчиманки, жангчиларнинг тулпорлари, қурол-яроғлари, кийим-кечаклари обдан қойиллатиб тасвирланишидан ташқари асарда иштирок этувчи хотин-қизларнинг ҳусни-малоҳатидан ташқари уларнинг хизмати, тўқиган гиламлари, пазандалиги тугал акс этирилган.

Улуғ манасчи Саёқбой Қоралаевнинг асарини ёддан айтганини бир неча бор кўриб қойил қолганман. С. Қоралаев қаҳрамонларнинг ҳолатига тез кира оладиган машҳур оқинларимиздан эди. У

эпосни айтган кезде кўз ўнгиндан Манаснинг барча жўралари, Хоникей қандай қилиб Тойтўриқни миниб чопиши, Алмамбетнинг армони, Бақай оқсоқолдан тортиб Қўнғурбойгача барчаси кинодагидек бирма-бир ўтади.

Вақт тақозоси билан қирғиз китобхонлари яна бир улугъ манасчи Соғимбой Урозбек варианты билан нашр этилган кўп томликни ўқимоқдалар. С. Урозбек С. Қоралаевдан аввалроқ яшаган. Қирғизистон Фанлар академиясининг Манас сектори ходимлари 1920 йилларда Соғимбой Урозбекнинг оғзидан «Манас»ни тўла ёзиб олишган бўлиб, эндиликда ана шу ўлмас асар бешта улкан китобга жамланди.


Мазкур монументал эпос ўта мураккаб ва буюқдир. Ҳозирги замоннинг билимдон китобхони эса «Манас»га ижодий ёндошиб ўқимоғи зарур.

май, у элик асарларимизнинг чўққиси — байроғидир. Ундаги бетакрор ўхшатишлар, фалсафий мушоҳадалар, ибратли сўзлар, элатларнинг яшаш тарзи, оилавий ҳаёти, қирғинбаротлар инсоният бошига қандай касофатларни олиб келиши шу қадар маҳорат билан баён этилганини ўқиб, халқ даҳосига тасанно айтасан.

«Манас» эпоси реал ҳаёт, тарихий воқеалар замирига (қирғиз элининг тақдири билан бевосита боғлиқ) асосланиб яратилган. Чуқур гуманизм билан суғорилган бу асарни қаҳрамонлик эпоси десак янглишмаймиз. Зотан, боболаримизнинг ана шу буюк мероси фақат Улуғ Октябрнинг шарофати туфайлигина ўзининг иккинчи умрини — босма сўзда яшаш ҳуқуқини олиб, жаҳон маданиятининг олтин хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилди.

Халқимизнинг бу улкан маданий мероси ўзбек элининг ардоқли фарзанди, бетакрор шоир, етук манасшунос устоз Миртемир томонидан таржима қилиниб, 1964 йили биринчи китоби нашр этилган эди. Ўзбекистон Езувчилар союзи ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бу ташаббусни давом эттириб, «Манас»нинг иккинчи китобини босишга киришганлиги диққатга сазовордир. Вақти келиб, эпоснинг Семетей, Сейтек ҳақидаги қолган қисмлари ҳам таржима этилиб, ўзбек китобхонларининг жонларидан муносиб ўрин олишига ишончимиз комил.

Чингиз Айтматов,
Ленин мукофоти лауреати,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,
академик.



! БУЛИМ

КҰКАТОЙ МАЪРАҚАСИ

МАЪРАҚАГА ТАЙЕРГАРЛИК

Тошкентнинг берги ёғида, Чирчиқ тоғида тургувчи қирғизлар ичида Қўкатој деган таниғлик қария бўлар эди. Манас лашкари билан Олтойдан келиб, ота-бобо юрти — Олатовни мўғул, қалмоқ ва қорахитойлар панжасидан бўшата бошлаганида, Қўкатој ўз қўшини билан Манасга мададчи бўлиб, ёвни енгишда кўп иш кўрсатган эди.

Кўкатой шу хизмати важдан қирғизлар орасида таниғлиқ ва обрўлик бўлди. Манас бошлиқ ботирлар ҳам шу важдан Кўкатой чолни доим ҳурматлашиб келди.

Уша Кўкатой қария куни битиб, муҳлати етиб, дунёдан ўтганда, ўғли Бўкмурун олис-яқиндан одам айтиб, эл йиғиб, маърака ўтказиш ҳаракатига тушди.

БҲКМУРУННИНГ МАЪРАКАГА УРИНИШИ

Жанадил ўғли Кўкатой
Узоқ даврон сурганмиш,
Етмиш бешга келгунча
На бир фарзанд кўрганмиш,
Етмиш йигит йўлдоши,
Қулон отиб, ов қувлаб,
Зўр шикорга борибди.
Дунё кезиб юрганда,
Ғойиб эран белида,
Қайноқ сўнгсиз чўлида
Бўкмурун деган болани
Даладан топиб олибди.
Боласининг бошига
Баргаклаб уқпар тақибди.
Етти аёл болани
Етаклашиб боқибди.
Биров қасдлик қилар деб,
Ухласа қоровул тураркан.
Омон чиқса ўша тун,
Олти така, тўрт улоқ
Садақага бераркан.
Аста-секин чўнг бўлиб,
Чол иши ҳам ўнг бўлиб,
Кўкатой ўғли Бўкмурун
Ун иккига келганда,
Ёниб турган чўқ чиқиб,
Оламда тенги йўқ чиқиб,
Уринмоққа тов топмай,
Урушмоққа ёв топмай,
Сорбонни саватганмиш,
Карвонни қаматганмиш.
Йилқининг қисир тойин еб,
Эчкининг тўнг мойин еб,

Қутурди чоғи Бўкмурун, Шўхлигини бир кўринг!¹

Уркачларга юк орттириб, арқонин маҳкам торттириб, оч норларни ғалтайтиб, тийиқсиз ўсган Бўкмурун Маникерни минволиб, дунёга ғалва солиб, совуқ елдай сидириб турган экан, қиз қидириб юрган экан. Бўкмурун шаталоқ отганда хон Кўкатой ўлиб қолибди, Кўкатой ўлиб ётганда Бўкмуруни келиб қолибди. Ҳайрон отам ўлди деб, уввос-чуввос бақириб, халойиқнинг барисин аза ошига чақириб, сара отни бойлатиб, ҳамма-ни дувиллатибди, бўталарин чувиллатибди. Бўзқай-мални сўйдириб, бияларни қириб уйдириб, қулунин етим қўйдириб, полвонларни тўйдириб, худойига тўқсон сур² бойлатибди, отасининг суюгин олтмиш алпга ювғизиб жойлатибди. Жаназа ўқитиб, жон отам миниб юрсин деб, қилдай қора от ўрнига буроқни эгарлатибди, кенг Тошкентнинг қирғизин вой отамлаб жигарлатибди.

Қари Кўкатой ўлганин элу юртга билгизиб, Кўканинг хотинига мунғайтиб қора кийгизиб, «Отажоним дунёдан ўтгач, ошни қандай бераман, отни қандай чопаман? Гапни ўртага солиб, қандай тадбир топаман!»—дебди. Қалмоқ, қирғиз демасдан, айирмай йиғиб олибди, энг яқин кўрган Манас эсдан чиқиб қолибди. Кўкатойнинг қора ошига Манас келмаса бўлурми, ошдан кўнгил тўлурми!

Оққуласин даст миниб, оқ қалпоғин рост кийиб, арслон Манас қўлига оқпўлатни олибди, Бўкмурунни чопаман деганда доно Бақай кўкёлинг ўртага тушиб қолибди. «Кўкатой ўғли Бўкмурун сидирға ола тов эмас, салмоқлашар ёв эмас, етимни чопган бўлмас, чопганнинг иши ўнгмас!» деб, ойкўл тўра Манасни инсоф йўлига солибди.

Хон Кўкатой ўлганда, халқ ёпишиб кўмганда аздорлар ичида оқ соқолин чайнаган, ақлининг туби қайнаган мотамсаро Қўшой ҳам бор эди. Бўкмурун унинг кенгаши, маслаҳатига зор эди.

«Оға Қўшой, уқ,—дебди,—қўй ичида кўзғолмас табаррук бир серка бор, отадан қолган ёлғиз, ўз эркича эрка бор. Не қилса экан энди, ярашиқли бўйи бор, ўзининг қора бошини совринга қўйиш ўйи бор».

¹ Шу ергача Миртемир таржимаси (шоир архивидан).

² С у р — от.

Ушанда эр Қўшой нетибди, ўрнидан ирғиб кетибди: «Болам-ов,— дебди,— ош берган киши гуноҳкор, бўйни эгик — хам бўлар, бизнинг қирғиз кам бўлар. Қўкатойга ош берсанг, жарчи юбор Таласга, хабар бергин қулуним, қора кўкел Манасга! Бўкмурун, бир ўйлаб кўр, бел боғлаган бел ўша, Қўкатойга ош берсанг, белингга қувват эл ўша! Манасга хабар бермасанг, хитой, қалмоқ, манжу тўзмасми, тўрингда қудуқ қазмасми! Молга ийган боласан, гапимни танингга оласан, ошга айтма ҳаммани, бир балога қоласан. Қора хитой кўп, манжу ош ейдиган эл эмас, ўшаларга тенг бўлиб, аралашар сен эмас! Қўкатойнинг ўлган хабари хон Қўнғурбойга етмасин, қоплон Манас бўлмаса, қалин юртингни тагин кунпаякун қилиб кетмасин!»

Қўшойнинг гапи ёқмабди, Бўкмурун қулоғига зирак қилиб тақмабди: «Қўшой оға, гапим уқ, мол-мулкин ҳисоби йўқ, Қўкатойдан қолган дунё кўп, ғазнани энди очаман, халойиққа ҳаммасин битта қўймай сочаман. Бугун чопаман Гўр пойга, эртан қиламан зўр пойга. Айрилиб қолган ўлар, расми қанақа бўлар, ошин қандай берамиз, отин қандай сўямиз, Қўшой оға, ақл топ, семизини ўзинг чоп. Манасингга бормайман, унга кенгаш солмайман, ўзингдан бошқасининг гапин қулоққа олмайман».

Оқсоқоли ярқиллаб, бола ғоздай барқиллаб, Қўшой турибди тин айтиб, ёлғони йўқ, чин айтиб: «Олойга қўниб ош берсак, чақмоқтошни чақтирсак, улкан гулхан ёқтирсак, олтита чопқир от билан, бир энликча хат билан, Қўкатойнинг ошига қуртдай қайнаган элни ялпи чақирсак, билмаса-да бизнинг урф билан тилни, ош пишириб беролмай, Олойдан ўтин теролмай, шармандамиз чиқмасми, ўтин ўрнига хизматчи нуқул тезак йиғмасми?»

Олойда ортиқ ўтин йўқ, ўтинида оқ тутун йўқ. Шунини ўйлаб Қўшой оға атоқли ерни санабди, Сари-Орқани танлабди. «Сари-Орқа сувсиз чўл экан, яланғоч ётган ер экан», дебди. «Оти ёқимтой Қарқира, сой-сувлари шарқирар, мингбулоғи ярқирар, ундан созроқ жойи йўқ, Бўкмурун, гапимни уқ, кўчиб кетайлик, Қарқирага етайлик», дебди.

Қўкатой ўғли Бўкмурунга бу гап маъқул тушибди, ўтлаган моли семиз яйлов — Қарқирага шошибди. Ош берар ерим ўша деб, Тошкентнинг қирғизини кўчақол деб, кўч-а деб, ёққан ўчоғин ўчирибди, тумонатни кўчирибди. Керага, увуғин буклатиб, қизил норга юкла-

тиб, Кўкатойнинг дунёсин сон минг тевага орттириб, ҳаммага сарпо торттириб, қилтиллаган қизларга қизил чопон кийгизиб, қизил чопоннинг этагин қийқиртиб ерга тегизиб, кўча қолибди Бўкмурун, Тошкентга қорасин кўрсатмай, ўча қолибди Бўкмурун, ҳилоли олтин кўк туғни ҳаволатиб, Қарқирага йўл солибди Бўкмурун.

Олган ёри Гулойим, кўч олдида мулойим, қора кийиб олибди, олтмиш хотин гўянда, йиғлатиб қийиб қолибди...

Йўл-йўлакай Бўкмурун Авлиёота, Таласни сидирга босиб олибди, Қўзибошга, Кўпага, қўй семирган тепага қилт этиб қарамасдан, от ёлин тарамасдан, кенг Қарқира тузига Бўкмурун этиб қолибди. Кўкатой отам тўйи деб, Қарқиранинг бўйи деб, зўр ўчоқ қаздирибди, йилқини ёйдирибди. Олтин ҳилолли туғни Қўшой чолга ушлатибди, олтин сопли ойболтани бойлатиб хушлатибди.

Эломон арзандаси, бир худойнинг бандаси эр Тўштуқ келиб қолибди, алпим келди, армон йўқ деб, Бўкмурун қучи олибди, тагин доно Қўшойга бир маслаҳат солибди: «Чақмоқтошни чақтириб, гурр-гурр гулхан ёқтириб, қора хитой, манжу қуруғин, қайнаган қалмоқ уруғин чақирсам, тўгаракдан тугал келиб турсин деймикан, келмай қолса қўққисдан, Кўкатойнинг кўк туғин томда кўрсин деймикин! Тенг кўрмаса ўзимни, тескари олса сўзимни, қора туғини эгарман, туёқни шикиллат деярман».

Бўкмурун эшилибди, Боймирза гапга қўшилибди: «Тўрт тарафни чақириб, тўралик қилмай қол,— дебди,— қора хитой, манжу феълин мандан билиб ол,— дебди.— Жўлойин ўйи бузуқ, жуда ўчкаш Қўнғурбой, қопоғон итдай узук. Тўйиб олгач ошинга, қутуриб етар бошинга. Эс-ҳушингдан айрилма, тўғри сўзга қайрилма. Ун икки ёшда Бўкмурун ўйлаб иш қилсанг-чи бир, ўён Манас куф деса, дошқозон илсанг-чи бир!»

Боймирза айтиб олибди, Бўкмурун туриб қолибди: «Қақшамай қол, Мирза қоқбош, тегишинг ол, Мирза қоқбош, қўнишинг — лойқа сой, Мирза қоқбош, миншинг — ёлғиз той, Мирза қоқбош, ичишинг — қора чой, Мирза қоқбош!» Қошимда турма, кет, дебди, ошимга келма, кет, дебди, Маникерни қайириб, йилқи ичидан айириб, босган ерин текислаб, Бўкмурун қувиб қолибди, Боймирза ура қочиб, тўзон чувиб қолибди.

ХАБАРЛАШ

Кўкатой Маникери қорабайир, асл зот, ғалвир ўпка, жез қанот, кийикдан кам жойи йўқ, биқинида мойи йўқ, қирқ кунчалик чўл бўлса, қилт этиб сув ичмасди, эсганига ел етмас, босганига мол етмас, сиёқи молдан бошқа, қийин жонни бичмасди.

Ана шу Маникер Бўкмурунни тақир чўлга олиб борибди, ёйма кокил Ҳайдарни Бўкмурун гапга солибди. «Олти тулпор от олгин, бир энлик мана хат олгин, юртни хабарлаб чиқ, дебди, бери кел, дема миқ!» дебди.

Қизил қамчи, кўк найза, қирғиздан бўлак феъли бор, атоқли Нўйғут эли бор, ошимга бир келсин де, қизиқни бир кўрсин де. Ошимга келмаса гар, назарга илмаса гар, Кўкатойнинг ой нуха кўк туғин томда кўрсин де! Қизларининг сочини беш кокилдай ўрсин де!

Ундан нари борганда, кун ботишда ҳорганда Қўтон деган шаҳри бор, Қўтонда чўнг полвони — Жўхорининг маҳри бор, сувини ичиб бўшашма, сувсираганга қаҳри бор. Отажоним ошига полвонин йиғиб келсин, белини сиқиб келсин, Жўхорига салом айт, чатоқ қилмай, бўлақол де, айна келадиган пайт!

Сўл кўл ёғи бетида, қуриган кўлнинг четида атоқли Ёркан ери бор, ўша Ёрканни ерлаган Йўртилчихон деганнинг полвони бор, эри бор. Унга бориб айтгинки, Иссиқ чўлни ёқалаб, шиғаб келсин ошимга тулпорларин тақалаб.

Ундан нари йўл юрсанг, терлатиб мўл юрсанг, келсан Урганч ёнига, Афғоннинг Охун хонига Кўкатой ўғли Бўкмурун Қарқирага қўнди де, Кўкатойнинг чўнг оши, давлат тўкиб қўйди де! Охунхонга салом айт, нари юрмай изга қайт.

Ундан тўғри от қўйсанг, Чамбил-Бел деган бел келар, Чамбил-Белни ерлаган Жонали, Қорач эр келар. Уларни ҳам хабарлаб, Кўкатойнинг оши де, нафаси ўткир Қўшой савоб ишнинг боши де. Бу ошимга келмаса, назарига илмаса, эл ёйилиб қолганда, от қоратил бўлганда тепасидан босаман, тўрт тулугин сочман.

Урумхондан Кўкбўри бу ошимга келсин де, бу ошимга келмаса, ўтакаси ёрилиб ўлсин де! Тағин довон ошганда, бўзарган чўлни босганда, Қўқондаги Қўзибек, Марғилондан Маллабек, Андижондан айри со-

қол Синчибек, Олтишаҳардан Олабек, Самарқандда Санжибек — ҳаммасига салом айт, бирови қолмай келсин де, бу қизиқни кўрмаса, тил тортмасдан ўлсин де, қоракўз қизлар барисин бизга ўлжа берсин де!

Унда нари юрганда атоқли Бухоро томи бор, Бухорони сўраган Темурхон деган хони бор, пишган тўғарак нони бор. Темурхонга салом бер, Кўкатоёнинг оши де, халқ отаси эр Қўшой йиғиннинг бош-қоши де! Айт, келсин, келмаса биғиллатиб сўяман эгасин, қоқиб оламан Бухоронинг қопқасидан чегасин!

Бухоронинг нарғи бетида Етти-Ўзан деган ери бор, Етти-Ўзани ерлаган жодугар деган эли бор. Ўша жодугар ичида Боғиш деган эри бор. Айт, тулпорин бойласин, азаматин шайласин, келсин Кўкатоё ошига, қизиқ йиғиннинг қошига. Келсин кўкёл Боғиш де, қандай бўлар қоқиш де!

Ундан қайтаётганда Қора чўлда қамиш бор, ўрда қиз билан ўйнаган, қизли уйда қиёқчи, қимизли уйда аёқчи, қиздан ёлчиган Оғиш бор. Ботир туққан эр ўша, ботирлик қилган ер ўша. Кўкатоёнинг Бўкмуруни Қарқирани бет қилиб, Олатовдай эт қилиб, ош беряпкан кези де, кела қолсин ўзи де! Мабодо эламаса, яхшилиқ тиламаса, Кўкатоёнинг кўк туғин уй устида кўрсин де, ўрда қизнинг барини бизга ўлжа берсин де!

Бухоронинг нарёғи, чўнг ўзанинг берёғи, ғадирғудир ерларда, сув ичмас адирларда Буғдойиқ хони Музбурчак бор, яроғи бир қучоқ бор. Музбурчакка салом айт, пойламасин бошқа пайт, келмаса ўзидан кўрсин, солишаман олти ой, Кўкатоёнинг қизил қуйруқ қора норига ўқ-дори юклаб, олишаман олти ой.

Ундан берироқ юрганда икки Кеминни жой қилган, эгиз қора от бойлаб, қора тўқайни мол қилган Эйбит тоз ўғли Урбу бор, етмиш уруғнинг тилини биладиган қурби бор. Қурамани йиғиб юрт қилган, қарчиғайни йиғиб бургут қилган эр Урбуга салом айт, ризолигин олиб қайт! Гапимга агар юрмаса, бу қизиқни кўрмаса, қайрилиб бориб чопаман, қайда бўлса топаман!

Унинг берги ёғида Такачихон, Шиғойхон, эштеклардан Ёмғирчи — уч хон эли қатор бор. Қирғизнинг чин уруғи уч хонга текис салом айт, Кўкатоёнинг оши де, расм-русум қилар пайт. Гапимга кўнса кўнди, кўнмаса Кўкатоёнинг полвони тескари кияр тўнни!

Тағин борсанг кўрарсан Кенг Сари-Орқа ўзанин. Тариғин тошдай оқлаган, хотинин қиздай мақтаган, нақ кўк этикнинг ўкчаси, Ҳайдархоннинг Кўкчаси, қо-

зоқнинг миқтисига, келишган иқтисига мендан кўп салом топшир, хон Кўкатой оши деб, йўлга чиқишга шошир! Ушал ошга келмаса, юз-хотир қилмаса, тўс-тўполон солар де, йилқиси тугул, уйини таппа босиб олар де!

Ундан нари ўтганда, йўл бурилиб кетганда, Хоқончига етганда манжу, қалмоқ эл ўша, сен айтувчи эр ўша. Хитойнинг хони Жўлой бўркини тез кийсин де, Очбудонни минсин де, Қарқиранинг бўйига, хон Кўкатой тўйига эл-юртин ҳайдасин де, билсин ўз фойдасин де! Кўкатойнинг ошига гурлатиб гулхан ёқаман, хон Жўлой келмаса гар, қутирган жинин қоқаман!

Ундан нари қуйида, терс оққан сув бўйида туман ичра буржланган, қирралари учланган хитойларнинг қизиқ жойи бор — Тош-Кўприк дер экан, Тош-Кўприкни ерлаган атоғи шибе эл экан, шибенинг зўр полвонин чўнг Илама дер экан. Иламага етиб айт, Кўкатойнинг қизиғин шибе кўрадиган пайт. Назарига илмаса, бу ошимга келмаса, халқин қириб талқонлаб, қашқирга ташлаб кетаман, қолган-қутганин қувалаб, ақлини ҳайрон этаман.

Ундан нари яна йўл, жимирлаб ётган бир кўл. Уша кўлнинг бетида Солон деган эли бор, Солоннинг улуғ хони Уроққир деган эри бор. Уроққирга хабар бер, Кўкатойга қизиқ ош беряпти де, Қарқира, Солон юртининг ботири келиб кетсин бир сира. Қарқирани кўрмаса, ошимга келиб турмаса, юртини битталаб тиламан, ҳолини вой қиламан!

Ундан нари ўтилса олтин тоғнинг кони бор. Бакбурчун деган шаҳрида Несқорадай манжу хони бор. Ориқ ботир оти бор, чўнг дангада хати бор. Бари синчи, жўмард Несқорага тайинлаб айт, тутун қайтармай «хўб» десин, тош қадаган манжунинг тозалари бир келсин. Бу ошимни емаса, бу қизиқни демаса, Бўкмурун сочар қаҳрини, яксон қилар шаҳрини.

Ундан нари борганда Хоқончин деган шаҳри бор, Хоқончинда хўб улуғ, қайнаб ётган кўп уруғ, тоғлар билан ўроғлиқ чой эккан даласи бор, тирғовит эл галаси бор. Ул тирғовит халқининг хотиндан қўйган хони бор, от қўйишиб олишса, тўққиз минг жонлиқ ҳоли бор. Музкиндик дер эрин отини, Музкиндининг қолган хотини, хотин хонга тайинла, остига гилам соламан, ўжарлик қилиб келмаса, хонлигин тортиб оламан.

Ундан нари Сари-Сув, олтин қазган конида, Сари-Сувнинг ёнида қаққайган бутхона бор, бутхонага бор-

ганда Кечил роҳиби тайёр. Кечилнинг хони Қўнғурбой, Қўнғурбойга айт бундай: «Ботир бўлса Қўнғурбой, бул ошимдан қолмасин, келмай яна бошига қаттиқ савдо солмасин».

Шуларни айтиб Бўкмурун Маникерга мингизиб, ба- дана тўнни кийгизиб, ёш Ҳайдарни чоптирди, чақмоқ- тошни топтирди, чақиб улкан ўт ёқтирди, Қўкатойнинг ошига тўрт тарафни чақирди.

ЭЛНИНГ ОШГА КЕЛИШИ

Жорукар минган Йўртилчи, Қўтон хони Жўхори, Афғон хони Охун хон келаверибди ҳарсиллаб, аргумо- ги тарсиллаб. Ҳиндистондан ҳам келибди, минг-минг- ли Қўқон, Марғилон, тўрт томондан ҳам келибди. Анди- жондан айри соқол Синчибек, Самарқанддан Санжи- бек, Қўқон хондан Қўзибек, Марғилондан Маллабек, Олтишаҳардан Олабек, Бухоро хони Темурхон, тиниз- тигиз қўл келди, тўрт хонлик эли аралаш меҳмон-қўноқ мўл келди. Тўртови тўртга бўлинган, тўралик туси кў- ринган.

Чанг ҳавога бурилиб, найзага найза урилиб, Чам- бил-Белнинг белидан Жонали, Қорач шер келди, қил қуйруқ аргумоқда Кўк бўридай эр келди.

Довулбошни қарс қўйиб, от сағрига тарс қўйиб, Буғдойиқ ўғли Музбурчак Телқизилда шоша келди, Бухоронинг нарги белидан, бузилган Чамбил элидан ўру қир оша келди. Бўз ола туғ кўтариб, «вой-вой»лаб чув кўтариб, тулпордан сара от олиб, Ёш Ҳайдардан хат олиб, Қарқиранинг бўйига, қарт Қўкатой тўйига Қорача келди йўл билан, ёжиллаган қўл билан. Эй- битхондан эр Урбу келди турфа тил билан, қалин қу- рама эл билан.

Сари-Орқани ерлаган, салмоқланса терлаган Ҳай- дархондан кўп қозоқ, чанг бурқитган тўп қозоқ кўк темирдан тўн кийиб, кўк ола тулпорни қийиб, кўк ола байроқ баланд, келди Кўкчаси билан.

Учоқлар кенг ўйилиб, қўноқларга сўйилиб сут бўта тойлоқ, қисир той, деганда оғзига мой, келган юрт бор — босилмай, найзани қўлга олишди, юзга оёқ ти- рагандай урушни ўйлаб қолишди. Қутиришнинг сабаби хон Қўшой бошлиқ қари бор, ҳайрон Тўштуқ нори бор, бир Манасдан бўлак, ўша ошда бари бор. Қора хитой, манжунинг ўнг келиб қолган чоғи бор, таппа

босган қалмоғи бор. Ер ёрилиб, чағ-чуг келар, еттита улкан туғ келар. Тоғ бўлиниб мўл келса, тўлқинланиб қўл келса, тоғдай Манас мунда йўқ, қийин-қисток кунда йўқ. Хитойлар хони Жўлой Олатовдай кўринар, кўрганнинг кўнгли бўлинар. Қора хитой тўраси кириб келган кез экан, оз-озгина қирғизлар қоқ ёрилган кез экан. Кўкатойнинг полвони «Келдингизми, меҳмон,— деб, от жиловин олибди, тоғдай Жўлой дев отдан қаппайиб туша қолибди. Чўнг Жўлойнинг устига Бўкмурун от солибди. Тараб турса от ёлин, кўргудакмас юрт ҳолин, қайнатган қирғиз шўрини. Кўкатой Бўкмуруни ошланган чўнг теридан қизил ёмби олибди, Кўкатойнинг олтинин «Улжадан тегиш шу» деб, Жўлойнинг этагига солибди. Хитойлар хони Жўлой қараб боланинг тарзига, рози бўлиб қолибди.

Бунисин ташлаб турайлик, нарёғдан бошлаб турайлик. Қизиқ шибе деган юрт, қайнагандай қора қурт, одам зоти тушунмас тили оғзига тикилиб, хон Кўкатой ошига келиб қопти йиғилиб. Шибе хони Уроққир, ҳайбатидан қирғиз зир, белгили Манас шери йўқ, қочишга Талас ери йўқ. Хизматкорлар минг отнинг жиловини олибди, Уроққир ҳам қаппайиб отдан туша қолибди, Кўкатой Бўкмуруни олдига кўтарганча олтин тўкиб солибди, Уроққир тортиғидан мамнун бўлиб қолибди. Олтмиш жайсан иниси, қайнаган қалмоқ жинниси, Кечилнинг хони Қўнғурбой Ханжаркўлдай полвондан нақ ўн мингини олиб, отига қамчи солиб, дувуллаб келиб қолибди, бурутнинг Манаси ҳам ошга келса ажабмас, ош устида таппа боссам деб, гувуллаб келиб қолибди.

Кўкатойнинг оши деб, кўп йиғиннинг боши деб, хон Қўнғурбой зўр келди, қаҳрига олган қирғизга қазилган чуқур ўр келди. Кўкатой Бўкмуруни олтинни тортиқ қилди, хон Қўнғурбой кўкелнинг кўнглини ортиқ қилди.

Бунисин нари ташлайлик, берги ёқдан бошлайлик. Манжунинг хони Несқора Олтойнинг нарги четида менсмай айил тепмай деб, минг туясин Манасга олдириб қўйган ери бор, эр Манасга ичида кири бор. Қизиталоқ Несқора ўчимни олай деган, Кўкатойнинг ошида қирғизга чув солай деган ўйда келиб қолибди, қаҳрланиб бақириб, Бўкмурунни чақириб, қаттиқ ғавғо солибди.

**НЕСҚОРАНИНГ МАНИКЕРНИ СУРАБ
ҒАВҒО СОЛГАНИ**

Бўкмурун келса юкиниб, тиззаси ерга букилиб, Несқора туриб айтибди, қақшаб-қуриб айтибди:

«Ошингга тўйиб оларман, бурут,
Бошингга қўйиб қоларман, бурут,
Тўйингга заҳар соларман, бурут.
Кенг Таласдан кўчарсан, бурут,
Гармсел тегса, ўчарсан, бурут».

Несқора бурутлаб-бурутлаб, «бошингга савдо соламан, молингни талаб оламан, карамингни кўрсат» деб, «бор-будингни ҳозирлаб қўядиган фурсат» деб, «йўқ десанг, феълинг айт» деб, «олишадирган еринг айт» деб, жезли сивизга чалиб, кенгашмоққа кетибди, Қўнғурбой билан Жўлойнинг ҳузурига етибди. «Э-эй, Қўнғурбой, чўнг Жўлой, қирғиз бурутнинг ошига қараб турмайлик», дебди, «алплари қанча, кучини синаб кўрайлик», дебди, «алпининг мазаси бўлмаса, ошига найза тикайлик, ош пишириб ўтирган хизматчисин сиқайлик, бедовини олайлик, бир бузуқлик солайлик», дебди.

Хони шундай деганда қора юрт қараб турарми, тек турса худой урарми! Кўкатоёга эт пиширган ўчоққа ёпишиб қолди-ку, хизматчисин мазаҳлаб, ортидан чопишиб қолди-ку, Бўкмуруннинг эна-отасин ёмонлаб қопишиб қолди-ку!

Манжунинг хони Несқора чўнг Қўронда елганча, қиличин қинсиз тақиб, беренжи тўнин илганча қилдай отни ошда йиғиб олибди, озиқларин юклатиб, чуватиб йўлга солибди, ошда юрган қирғизнинг алпин шошириб қолибди, Қатағон хони Қўшойни синчков синаб олибди.

От-Бошини Чоч-тепа, эпи билан ер қилган, эси кетган қирғизни эплаб юриб эл қилган Қатағон хони Қўшой саксон бешга етипти, ўн ғайратдан бири йўқ, танидан қочиб кетибди. Бўйни қилтиллаб қолган, кўзи нариги ёқда йилтиллаб қолган чол экан. «Бурутнинг Қўшойида не чора, не ҳол экан?— деб ўйлар Несқора.— Қаҳрлансам қўймайман, бунақанги чолларнинг саксонтасига тўймайман».

Эломоннинг Тўштуғин тусини кўриб дебди: «Ўнг кураги кенг экан, билаги йўғон, тош юрак, сиртлонга

тенг экан. Олишса қонга тўймайман, бу Тўштуқни қўймайман».

Буғдойиқ хони Музбурчакка синчков қараб дебди: «Тўқсон эрнинг кучи бор экан. Шибенинг хони Уроқ-кирга баробар экан».

Тирсақдайин Оғишин бир оз ёқтириб қолибди, бошқасини эламай, қуруқ назар солибди. Шунда тўпнинг олдига Кўкбўри чиқиб олибди. — «Урумнинг ўғли Кўкбўри жон аямас эр экан, кўкраги кенг, ёйиқ тўш, ёлдор қари шер экан». Олтмиш айёр, минг полвонга арслон ўзи бош бўлиб, Қорасувдан йўл топмоқчи, уни чопмоқчи бўлибди.

Хўб талтайган Несқора халқ оралаб юрибди, келган элнинг алпларин тақир синаб турибди. Қўқон хони Қўзибекни «ўпоқ» деб қўйди, марғилонлик Маллабекни «сўпоқ» деб қўйди, Андижоннинг айри соқол Синчибегин «эркак қора қаргадай тўпоқ» деб қўйди, қалин қирғизни тўда деб қўйди, қоплон Манас йўқлигин билиб қўйди. Қора товнинг бошидай хон Жўлойнинг ҳайбати, сафи қизил темирдай Қўнғурбойнинг ғайрати. «Чинмочиннинг халқига ош бераман деганда, қирилиб кетмай десанг тош тераман деганда айтганимга кўн, бурут, бера қолгин жўн, бурут!» — деб турибди. Кўкатойнинг Маникер деган отини сўраб, «Қуйруқ, ёли бўлинар, бизга лойиқ кўринар, айтганимга кўнмасанг, тортган этингни емайман, киши-пишингни демайман, киши-шингни емайман», деб дўқлаб нафас урибди. Устига олтин, кумуш ортиқ, Эсенхонга заб тортиқ, Бежиннинг қари хонига муносиб бир мол эмиш, бермаса ўзга ҳол эмиш. «Жинингни қоқаман» дейди, «уйингни ёқаман» дейди.

«Маникерни бер, бурут,
Йўқса қаро ер, бурут!
Уқ ўтмовчи тўним бор,
Ун икки туман қўлим бор,
Қўнғурбойдай зўрим бор.
Маникерни бермасанг,
Рост қоқишиб қоламан.
Қирқ арқон бўй зиндонга
Олиб бориб соламан.
Отангни гўри, ит бурут,
Уч-кекимни оламан!»

ТАЛАСГА КЕТДИ ЧОПАР

Несқора айтиб турганда, Кўкатой ўгли Бўкмурунни таппа худой урганда, юлгунзор Кенг-Кўл, Таласдай ер эсига бир тушди, соҳибқирон Манасдай эр эсига бир тушди. Билагидан сир кетиб, юрагидан жир кетиб, эл ичидан суғрилиб Бўкмурун қоча қолибди, эл отаси Қўшойга етиб кенгаш солибди:

«Кўкатойнинг мўл дунёсин
Сочгани келган эканман.
Қазилган ўрни пайқамай,
Босгани келган эканман.
Тириклай гўрга бош солиб,
Ётгани келган эканман.
Ит кўрмаган хўрликни
Тотгани келган эканман.
Қора хитой, манжудан
Беш кун ажалдан бурун
Ўлгани келган эканман.
Ош бераман деб элни
Бўлгани келган эканман.
Қалмоқдан қаттиқ куч келди, оға,
Манжуси бут, ўч келди, оға!
Ўнгиб кетсам ёним бўл, оға,
Армонли кез жоним бўл, оға!
Несқора сифат хон чиқди, оға,
Қаҳридан нақ жон чиқди, оға!
Қамалиб қирғиз ўлмасми, оға,
Халқимни қалмоқ бўлмасми, оға?!
Турқи совуқ қора хитой
Этни гажиб қолмасми, оға,
Бошга савдо солмасми, оға?»

Қўшой буни эшитиб, ўйдагисин пишитиб, сир-амолни билибди, шундай бир гап қилибди:

«Қалмоқнинг халқи кўп экан, болам,
Энкаймас терс тўп экан, болам.
Қирғиз оз, баланд-паст экан, болам,
Қора хитой, қалмоқ қасд экан, болам.
Олтойдан Манас кўчканда, болам,
Тош қадаган қалмоқнинг
Тозасин сўйган ери бор, болам,
Ўшандан ичда кири бор, болам»

Овулингда дим ётмай,
Араққа тўйиб қутурдинг, болам.
Отанг ошин бераман деб,
Бошинг билан тутулдинг, болам».

«Қоплон Манас ботирнинг гашига тегдинг», дебди,
«Ўзингга ўзинг хос бўлиб, ахир бош эгдинг», дебди.
«Тилимни олсанг, болам, Манасга кенгаш сол», дебди.
«Маникерни берсанг унга бер, бир амаллаб кўнглин ол», дебди.
«Баслашар эр ўша», дебди, «Қасдлашар эр ўша», дебди.
«Зуд хабар юбор Таласга, тўра Манас келсин де, қилтайиб турган қирғизни қора хитой, манжудан тез ажратиб олсин де! Ботир Қўшой қарисин қалмоқ бойлаб олди де, қолган алпнинг барисин қийқиратиб солди де! Кўк силовсин бўрк кийган, гап деганни зап қийган билгич Бақай қарига айт, беранларнинг барига айт! Олтин кокил, попук белбоғ Алмамнинг топ ўзига айт, кўкёл Чубақнинг кўзига айт! Хон Манаснинг тираги Сирғақдай ўтига айт, узук қалпоқли Шувутига айт! Қирғилчолдай қарига айт, қирқ жўранинг барига айт!»

Армонин айтиб Қўшой эр, Бўкмуруни қаро ер, кун қилқиллаб ботганда, қалмоқ замбарак отганда, кокилдор Ёш Ҳайдарга олти тулпор от бериб, тумордаин хат бериб, чопарга кўндирибди, Маникерга миндирибди.

Ёйма кокил Ёш Ҳайдар отни қичаб йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ернинг устин сидириб, тўрт айланиб қидириб, силласи қуриб тургани, бир йўлини топар деб, Хоникейга боргани. Тек Хоникей гап уқиб, жонга жонини суқиб, босар йўлинг билдинг деб, менсиз борсанг ўлдинг деб, тоза қотириб бошни, бошлаб кетибди ёшни.

Хон Манас олдига босиб борди. Ёш Ҳайдар шошиб борди Ёш Ҳайдар олти тулпор от бериб, тумордаин хат бериб. Бор гапни айтгач бола, Манас қарабди ола.

«Отангни гўри, Ёш Ҳайдар,
Бўкмурун икков маст Ҳайдар,
Эллашмаган нас Ҳайдар!»

Қаҳри келиб қоплоннинг, Манас ёмон айнабди, оғзидан чиққан ёлни қашқа тиши чайнабди.

«Орага ўзим тушмасам,
Сўйиб қўйса ажабмас.
Ҳайдарнинг қора кўзин
Ўйиб қўйса ажабмас».

Тўрасига ялиниб, қиличига ёпишиб, йиғлаб турибди Хоникей, биғлаб турибди Хоникей. «Ёлғизни сўйсанг — чўнг иснод, ботирнинг шаънига ёт, хотин бўлсам-да сўрайман, инсофга кел, тўрамиз!»

Кўк силовсин бўрк кийган, гап деганни заб кийган оғаси Бақай ҳадаҳа орага тушиб қолибди, Хоникей икков Ҳайдарни омон айириб олибди.

ОШГА ОТЛАНУВ

Қоплон Манас гупуллаб, қаҳридан бир дупуллаб, қа-бариб турган кез экан, қирқ жўраси лаб тишлаб, кўз қисиб, қизиқчиликка тез экан. Эр Сирғақ билан Шувути ёйдай учиб қолибди. Оқсаройнинг ичинда ўттиз қизил фили бор, фил ичига борибди. Оғиз танобин йиғунча кўзни очиб юмгунча Манас пайдо бўлибди. Кўкёлни худой урибди, Хоникей, Бақай буларга кўз қирин ташлаб турибди. Қон ичкиси келгандай қоплон зулфиқорини даст кўтариб солибди, олдиндаги қизил фил бўлак-ла-ниб қолибди, қилични қонга суғориб, қайта қинга солибди.

Довулбошни бир солиб, қўлга чўқморни олиб, пол-вонлари чопибди, ёвдан-чи хабар топибди.

Билган сингари эппи, шунда Алмамбет депти: «Қора-хон қизи Хоникей ўрдасига кирсак-чи, сўнгра нари юр-сак-чи. Тилаб айтар сўз келди, сафар қилар кез келди. Тўғри отга минайлик, тўхтамай йўлга энайлик, қамра-ган қалин ёв бўлса, толени бир синайлик!»

Бу гап маъқул келибди, Хоникей уйига йўл олибди, ойкўл йўлга солибди, қирқ ботир шивирлашиб, ҳиринг-лаб ғивирлашиб, қопқаси олтин қўрғонга, Хоникей ўр-дасига яқинлашиб қолибди.

Ботирлар бора турсин
Уларни қўя қолинг.
Хоникейда нима гап,
Бу ёғин туя қолинг.

«Полвоним кетар бўлди,— деб,
Қайрилмаса ўлдим»,— деб,
Овулга хабар солибди,
Оқ рўмолли қизларни
Ўбдон йиғиб олибди.
Асалдан ширин нақли,

Жойида, тўқис ақли,
Қизил кўйлак, солма бел,
Қилтиллаган толма бел,
Чилвир-ла бўлган белин,—
Хоникейга қирқ келин.
Ипор анқиб, гуркираб,
Ойнакдай кўз ярқираб,
Этагин йиғиб олибди.
Бошлаб янганг Хоникей
Ботирни бетлаб қолибди.

Ой томоғи қилқ этиб, оқ билаги билқ этиб, ҳалиги келган янгангиз арслон эрга дебди, бўлайлик бирга, дебди. Қирқ канизак югуриб, қирқ жиловни олгани, Оққуладан гуп этиб ботир тушиб қолгани, янганг отини бойлаб, хизматида бўлгани, оқ бўз бия сўйдириб, у-бу ошаб кетсин деб, норин тортиб толгани.

Қимиз ичиб қизишиб, чаккадан тери сизишиб, ҳангома бошлашибди, бошларин қашлашибди.

Азза-базза Хоникей орага келиб қолибди, Алмамбетни бет олиб, ширин гапга солибди: «Аяшим, тингла!—дебди,— қирқ тўрамас, қирқ жўра, қирқ уруғ қирғиз боласи, эс-ҳуши, кўзин қораси, қиронингга йўлдошдир, сир-синоқда қўлдошдир. «Кўкатойнинг оши» деб, «кўп жанжалнинг боши» деб бораётган қирқ ботир саройга кирсин ҳозир, йўғи бўлса топайин, кировка совут ёпайин!»

Соллона-соллона Хоникей эшикка чиқиб борибди, бора туриб ипакли чўнтакка қўл солибди, бир боғлам олтин очқич, барин санамай олибди. Хазинани очтириб, полвонларни шоштириб, олиб чиқибди бир хуржун, ичи тўла сир хуржун. Хоникей туриб гап айтар: «Ў, аяшим,—деб айтар,— сари олтин худди чўқ, бу хуржуннинг ичинда нима бору нима йўқ».

Қирқ жўрага қирқ қалпоқ, найза солса тешилмас, қилич чопса кесилмас. Сирти сидирға атлас, ёқаси зар, енги жез, келин тўн ҳам муҳайё. Қирқ ботир учун махсус ёпиштирган хати бор, ёқасининг ичинда жўраларнинг оти бор. Таканинг терисидан тикилган шим лоплоийқ, қимматбаҳо, асил мол. Яна қўнжи кенг этик, кийган бўлакча тетик.

Хоникейнинг ори бор, хуржунга қўлни тиқса уялмасин деб солган саксон чакса дори бор. Дудама ханжар билан эр бошига сўқтирган эллик қулоч пилтагача.

Айтиб бўлди Хоникей,
 Андишали, юз-хотир.
 Ҳалиги турган ботир
 Орқаворатдан сўз қотар:
 «Қуруқмасми, гап сотар!»
 Қоплон Манас кўп ўйлаб,
 Сўнг қасам ичди сўйлаб:
 «Хоникей дерлар отини,
 Ясан-тусан хотинин
 Ушбу сўзи чин бўлса,
 Урғочидан тин бўлса,
 Ортига қамчи солсам,
 Устига тўқол олсам,
 Оққалтанинг ўқи урсин,
 Кўк пилтанинг чўғи урсин!»
 Қоплонга инсоф инибди,
 Хотиндан кўнгли тинибди.
 «Ҳей қаққайган қирқ ботир,
 Жўнанглар!» дебди охир.
 Фармонни уқиб олибди,
 Ёйдаи учиб Тозбаймат
 Эшикни тортиб қолибди.
 Қирқ ботирнинг бариси,
 Бошлаб Қирғил қариси,
 Тишга чиқиб қараса,
 Қирқ жўрага қирқ тулпэр,
 Йилтиллатиб боқтирган.
 Сағрида йўлбарс жули,
 Олтин узанги тақтирган.
 Бир-бир кўриб олишди,
 Қирқ ботир ҳайрон қолишди.

«Қарқирада қирғизни қалмоқ талаб кетди деб, Ёш
 Ҳайдардан тил олгач, «Шўри қуриб нетди» деб, қоплон
 Манас бош бўлиб, қирғиз йўлга шайланди. Хоникей жаб-
 дуқ кийгизиб, Оққуладан айланди. Байтал бия қулунин,
 қора йилқи дулдулин устига мингизиб қўйди Манас-
 дайин ойкўлин. Кўрганнинг кўнгли бўлинди, кўкел тўра
 қоплони Уполтоғдай кўринди. Қора қашқа аргумоқ мин-
 маса қандоқ кўнади, ош тақсимлаб бергали Хоникей
 ҳам жўнади.

Ҳожибой, Бақайни эран дер, Алмамбет, Чубақ —
 эгиз эр, Серек, Сирғак — текис эр. Найза солар иқтиси,
 ойболта чопар миқтиси. Манас чайқалиб олибди, ошга
 жўнаб қолибди.

Қоплон Алманг бош бўлиб, ўнг ёқда йигирмаси, сўл ўқда йигирмаси. Кўколача от минган, кўк нафис тўн кийган Оқболтанинг Чубағи; уйқуси йўқ, йўлга чоқ Улоқжоннинг Сирғағи; Иромоннинг Ирчиўғили, узук қалпоқ эр Шувут, қирқнинг боши Қирғилчол, ойчиғи олтин туғ тутиб оғаси Бақай бошида, Қарткуранни ўй-натиб эр Ҳожибой қошида.

Ош берган ерга етсак деб,
Қирқ жўра бош қилқиллаб,
Кенг Қарқира қайда деб,
Қўл отланди билқиллаб.

МАНАС БОТИРНИНГ КҶКАТОЙНИНГ ОШИГА КЕЛИШИ

Қизил-Қия дарадан қимматли Манас қимпайиб кўриниб қолган кез экан, қийновни кўриб қирғизлар бўлиниб қолган кез экан. Қийнаган қалин хитойга қаматиб қўйган кез экан, Кўкатойнинг ўчоғин қора қалмоқ, манжуга талатиб қўйган кез экан. Ошиб-шошиб отига югуриб қолган экан, қора жондан буткул юз ўгириб қолган экан.

Эр Манаслаб чув тортиб қирқ жўра кириб борганда Қўшой оғанг ўрнидан жилмаганин қара-чи! Арслон Манас борганда отасин кўрган боладай жилмайганин қара-чи! «Қани, Манас, қани?»— деб, шошган ерин қара-чи! Қора қалмоқ, манжунинг Несқора, Жўлой бош бўлиб қочган ерин қара-чи! Фижиллаган қалмоқнинг чувуллашин қара-чи, манжунинг хони Несқора дувуллашин қара-чи: «Қозондай қора бўрки бор, қалмоқ, хитой қопласа, қилча кўрмай бурутни тутиб ерлик эрки бор».

Қалмоқ хони Қўнғурбой қаҳрланиб ҳуйланар, Несқорага сўйланар: «Айтганимга кирмаса, Маникерни бермаса, қалмоқдан йиғаман қўл, ҳайрон жоним борида қонин оқизаман мўл!» Ошига заққум солғум деб, отини тортиб олғум деб, Жўлой ҳам ўдағайлар, депсиниб ғўдағайлар.

Қоплон Манас келди деб, суюниб қирғиз юрти, Қўшой қария кепти янги чиққандай мурти:

«Кўкатойнинг тўйи деб,
Ошга келган эканмиз.
Чатоқ бўлса қолғувчи
Бошга келган эканмиз.

Соқолимнинг оқидай
 Чалқайиб ётган ғалча бор.
 Чамаси келса қалмоқнинг
 Чопишадиган қанча бор.
 Тортишмай Маникерни
 Тортиқ қила қолайлик.
 Бир йўлини топгандай,
 От билан алдаб солайлик!»
 Қўшой оғанг ўртага
 Шундай гапни солгани.
 Орқасидан Бўкмурун
 Қўшилиб сўйлаб қолгани:
 «Ёприлиб келди ошима,
 Чўқмор тушди бошима.
 Босиб келди уйима,
 Зўрлик қилди тўйима.
 Отамдан қолган молни
 Сўраб ётар бу қалмоқ.
 Маникерни бермасам,
 Довлаб қилади чатоқ».

Тикан чиқиб этига, қаҳри тепчиб бетига, Манас чай-қалиб олибди, Қўшойга айтиб қалибди: «Асил бўлганда умринг, нолиб қолган экансан, ғайрат кетиб бўйингдан, толиб қолган экансан. Қалмоққа тортар молим йўқ, Маникердай уволим йўқ. Қўнғур билганин қилмасми, баринг найзага илмасми? Биқиндан туйнук очмасми, бор дунёинг сочмасми? Уровда қолган халқ учун не-тиб жоним аяйин! Зуғум ўтқазса қалмоқлар, қонларига чаййин! Сўгин кўрсин сўқишни, тубини қириб солайин, «қўноққа келдинг, қўй-чи» деб, илиқ сўз айтиб олайин. Айтмади бир йўл демасин, олдига ўзим борайин, жўяли гапга кўнмаса тилкалашиб ёрайин!»

Жўлой-ла Несқорага от бошини бурди-ку, оралаб бориб эр Манас ёнида терс турди-ку: «Ёприлганинг қалин юрт, Қўкатоёнинг оши экан, боши йўқ бурут эл эмас, қария Қўшой боши экан. Олувчи душман сен эмас, олдирувчи қирғиз мен эмас, чоптирувчи қирғиз мен эмас, чопувчи душман сен эмас. Кучни қўйиб, ошинг е, қаъдани бузмай қалмоқ, қўноқ деб қўйган бошинг е!»

Несқора билан Жўлой яхшиликка кўнмади, қўй деганда қўймади. Шунда қоплон эр Манас қора сопли қамчини шиг этиб Несқоранинг бошига тортиб юборди. Қора хитой, манжуни қамаб кирди эр Манас, қарсиллатиб, қамчилаб саваб кирди эр Манас. Ойқўлининг орти-

дан қария Бақай солгани, тупроқ учиб, кун қизиб тўполон бўлиб қолгани. Ортиқ туққан Алмамбет, Оқболтанинг Чубағи — Манас тенгги полвони, Улоқжоннинг Сирғағи оралаб ғавғо солгани. Оққалта уни варанглаб, оч қийқириқ жаранглаб, ўртакайин эр Манас саваб ўйиб кирди-ку, теварагин эр Бақай саваб сўйиб кирди-ку, икки четин эр Алманг эшиб ҳайдаб кирди-ку, ён-верисин эр Чубақ тешиб ҳайдаб кирди-ку. Қийрашиб ётган қирқ жўра, қараса кўзга илинмас, қайнаган қалин элнинг қайсилиги билинмас. Укинига тушгани, ўкиргани ундан кўп, бошдан айри, кўз чиқиб, бўкиргани ундан кўп. Қора хитойни урганда, кун битиб турганда, Уроққир билан Музкиндик, эр Қўнғурбой, Несқора отдан тушиб қолгани, отларни қайириб олгани. Ҳайрон Қўнғурбой гапни бошқа ёққа солгани:

«Хон Кўкатой оши деб,
Тўйига келиб қолибмиз.
Тўйига тўйиб олгач,
Тўс-тўполон солибмиз.
Ур-йиқит қила туриб,
Илинибмиз тузоққа.
Ошига зўрлик қилиб,
Ботдик азим гуноҳга.
Айбимизни кечингиз,
Кечмас бўлсалар айбни,
Мана, бошни кесингиз!»
Тош қадаган қалмоқнинг
Тўралари шундоқ деб,
Енгсиз кийган манжунинг
Зўрлари ич-этин еб,
Эсенхонни кўргандай
Тиззалари букилиб,
Эр Манаснинг олдига
Келишибди юкуниб.
«Қора хитой, манжуга,
Тўрам, кенглик қилайлик,
Муросага келайлик!»
Қўшой, Бақай — яшагур,
Орага тушиб турибди.
Заҳар ичкандай Манас
Топ бўшашиб турибди.
Қалин уруғ боши деб,
Хон Кўкатой оши деб,
Қалмоқ, қирғиз тенглашиб,

Қайта бошдан эллашиб,
Қарсиллашлар тийилиб,
Саруполар кийилиб,
Юрт шодумон тураркан,
Ўйин-кулги кўраркан,
Кўкатоё Бўкмурунин
Жони кириб қолибдир.
«Чув!» дегандай Маникер
Бир ирғишлаб олибдир.
Карнай-сурнай чалдириб,
Жарчиларни толдириб,
Хитой, қирғиз демасдан,
Бир-бирсиз ош емасдан,
Ялпи йиғиб олдириб,
Халқ билан довруқ солибдир.



ОШНИНГ ДАБДАБАЛАРИ

ПОЙГА

Ушал кун шуйтиб ўтган сўнг,
Эртаси тонг отган сўнг,
Кўкатойнинг кўк туғи
Кўтарилди ярқиллаб.
Отланиб олди қалин юрт
Азза-базза шарқиллаб.
Бир учига кўз етмай,
Айтган билан сўз етмай,
Олтмиш қатор қўл бўлди,
Ораси кўча, йўл бўлди.
Қараб турсанг кўпчилик

Қорақуртдан мўл бўлди.
Кўкатоининг ўлгани
Тўпга қизиқ тўй бўлди.

Совриннинг охири тўққиз қора, тўқсон қўй, тилагига етганга шунинг ўзи ҳам бир тўй. Совринга тикилгани олтмиш битта от бўлди, «от чуватсак, ўлжа кўп» — анчалари шод бўлди. Қуйма олтиндан санаб ўнни олиб, ёмбидан тўққиз чўнгни олиб, халққа бир сўз айтмоққа ҳақини санаб дол олиб тўққиз мол олиб, Иромоннинг Ирчиўғли отга минди бор бўлгир. Ёнига олган йўлдоши — ёйма кокил Ёш Ҳайдар жар чақириб гап айтар: «Отларга жул ёпинглар, кўндалангга чопинглар! Хос будон бўлса биласан, қора чўбир минасан!» — хабар солди жарчиси, шайланди юртнинг бариси, ёши билан қариси.

Хоникейдай янганг қилган ишин қарагин, эшитиб қолди ошга от чопиш дарагин. Кўрсаки, чўнг Жўлойнинг Очбудони бошқа тур, ичдан зил кетди бир қур. «Алманим кунни жойласа, мен боёқиш Қулани сиртга бойласа, ел бўрон сўққунчалик от ҳолидан толар-ку, Қуласидан муз ўтиб, тери қстиб қолар-ку!» Хоникей шуйтиб ўтовнинг кигизин сидириб олибди:

Ёйма кокил Ёш Ҳайдар
Тўпланганга гап айтар,
«Ёлғон дема» деб айтар.
Отга ёпқич ёпинглар,
Нари-бери чопинглар,
Кўмигудан минасан,
Ўзгирлигин биласан.
Лайлатул қадр деганни
Ана шунда биласан...
Хабар берди қариси,
Чоғланди элнинг бариси.

Сағрини кенг, эгари паст, диринглагани бир қанча, тўқсон кун минса толиқмас, хиринглагани бир қанча, адирли ерда мункимас, олисга минса энкимас қорабайир, асил бедов, галвир ўлка, жез қанот, қамиш қулоқ, мих туёқ хоса тулпор ундан кўп. Ипакдан жул ёптирган, тўққизта тумор тақтирган, терлагунча чоптирган, хўб авайлаб боқтирган мисли шунқор ундан кўп.

Қалдирғочлар учгандай, от чуватиб бўлибди, талабгор отни санаса икки мингта тўлибди: «Қизиталоқ сайислар, емга бойлаб боқибдир, тулпорнинг барин қирғудак

туёғини қоқибдир». Ойкўл Манас заб айтар, Алмамбетга гап айтар: «Хоса тулпор Оққула, қовурғаси қоқ Қула, ўркачи буюк, кўр Қула, ўзи ҳайвондан зўр Қула, умуртқаси ўнг Қула, ўқдай бўлган чўнг Қула. Ботир, кунни жойлагин, от йўлини бойлагин. Қарқира бўйи буюк ўр, қаттиқ совуқ ҳайдай кўр. Отнинг семизи диккайсин, этдан қолгани чиккайсин».

Алмамбет кунни авради, қалмоқча ўқиб жавради. Алман сурланиб қолгани, сувга қора тош солгани. Кўз-ни очиб юмгунча, отларни совутиб бўлгунча, тоғ ёқаси томчилаб, дўл ёғди-ку қамчилаб. Ориқ-тирриқ молларни аёз билан ўлдирди, одам, отни сув босиб, ичин музга тўлдирди. Чўбирларни ўша тун эгаси тополмади, яхшилаб чополмади. Ботирнинг оти Оққула этига келиб қолибди, тобига етиб олибди.

Ул куни шуйтиб ётганда, аёз билан, ҳор билан эртаси тонг отганда чивин учиб пириллаб, чумчуқ учиб чириллаб, ер юзидан ел тўзиб, ернинг буғи париллаб, ошга келган юрт кулди. Кун қизиган чошгоҳда Кўкатоё туғи кўринди. «Отинг бўлса чиқар!»— деб, Ҳайдар бақириб уринди.

«От чуватгин!» деганда одамнинг бари «чуҳ» деди. Қалмоқ юрти бир туркум, дастёр юрти бир туркум: ҳаммаси дуркун-дуркун, найзанинг боши йилтиллаб, одамнинг боши қилтиллаб, сонсиз қора қўл бўлди, ўртаси кўча, йўл бўлди. «Рухсат борми, бурут,— дер,— отлар тайёр, чувут,— дер,— урғочи йўли тўриғ,— дер,— қанғай ўзи уруғ!»— дер.

Қула бия, келишган тўла бия чуватиб юборди отни. Унинг орқа ёғидан Жулойнинг оти Очбудон сағрига шип саватди. Очбудоннинг ортидан Бойтўранинг Бўзкертиги оломонни чуватди. Эр Тўштуқнинг Чалқуйруғи, Муродилнинг Қилжайрони, Музбурчакнинг Телгурони, эр Қўшойнинг Қоплони. Урбу чопган Қора от, Кўкчанинг оти Кўкола, от чуватган ер-дала.

От чуватиб бўлганда, сони мингга тўлганда, «От қайга йўл олсин?— деб,— қайси ердан келсин?— деб,— Манас жавоб берсин»— деб, қалмоқ, қирғиз — бариси, каттаси Қўшой қариси, от ёлин тараб турибди, холисга қараб турибди.

Манас жавобни тез қилди,

Уқиб олар кез келди:

«Туб-туб қирғиз халқимиз,

Отадан қолган фарқимиз.

Олтмиш киши от ҳайдаб,

Ҳайдаса ҳам бот ҳайдаб,
Чопқирнинг белни ошириб,
Илоннинг бўйин бостириб,
Олти кун нари боринглар,
Отларни йўлга солинглар.
Оқ байроқ тутиб қўлга,
Олти минг одам боринглар.
Икки кунда, бир тунда
Омон қайта қолинглар!»

Манас айтиб олибди, қийқиртиб йўлга солибди, тўзон
ўйнаб қолибди...

ЁМБИ ОТИШ

Саккиз кунда от келар, эл зерикиб қолар деб, бекор
ёнбошлаб олар деб, Бўкмурун Қарқира қарағайин, пас-
тига қарамайин, узунидан қирқтирди, бир минг устун
йиғдирди. Тубига лангарчўл буратиб, олти юзин осмонга
қарата эгди улатиб. Темирни сямга торттириб, ҳашамин
хўб орттириб, ёмбини уйиб ташлади, олтинни қўйиб
ташлади. Дунёсини қайнатди, ёш сарвлар учига гавҳар
ёмби бойлатди.

Ёмбини отиб олгудак ҳамманинг суқи тушар, ёмби
осиғлиқ олтмиш чилвирга кимнинг ўқи тушар.

Ипак белбоғ, кенг этик,
Кечил хони Қўнғурбой,
Ул чиқарди минг мерган.
Хитойлар хони Жўлой,
Бул чиқарди минг мерган.
Хотин полвон Уронгу,
Ул чиқарди минг мерган.
Шибелардан Музкиндик,
Бул чиқарди минг мерган.
Манжу хони Несқора,
Ул чиқарди минг мерган.
Тенгсиз полвон Уроққир,
Бул чиқарди минг мерган.
Эштеклардан Ёмғирчи,
Ул чиқарди минг мерган.
Буғдойиқдан Музбурчак,
Бул чиқарди минг мерган.
Эломондан эр Тўштук,
Ул чиқарди минг мерган.

Қозоқлар хони Кўкча,
Бул чиқарди минг мерган.
Қўқон хондан Қўзибек,
Ул чиқарди минг мерган.
Олти шаҳардан Олабек,
Бул чиқарди минг мерган.
Афғон хони Охунхон,
Ул чиқарди минг мерган.
Жонали, Қарач бирикиб,
Бул чиқарди минг мерган.
Урумхон ўғли Кўкбўри,
Ул чиқарди минг мерган.

Минг-мингги ўраб отишиб, отолмагани чаптишиб, хато кетган ўқидан ўлиб ётган анча бор, қудратдан кўргулигин кўриб ётган қанча бор. Баранги уни зирқираб, калтанинг уни чирқираб, кўкка тутун урибди, ёмби қилт этмай турибди.

Кечилнинг хони Қўнғурбой керилиб ёй тортса ҳам тебранмабди бу ёмби. Манжу хони Несқора босиб отгани билан ўқи кўзга илинмас, қайга кетди — билинмас. Қора хитой бурқираб, қайта отса чурқираб, қийшайган йўқ у ёмби.

Ҳаммаси отиб кўрди, тескари ўйин экан деб, жон заҳмин тотиб кўрди. Қанча отса ҳам тинг этмади, чилвири узилиб кетмади.

Талай оғизни қаратган, омадли қилиб яратган ойқўл Манас етгани, ёмбига жазм этгани. Арслон эгилиб бир отди, чилвирин қия тортди, ёмбини уриб қулатди. Дунёда энг қимматли ёмбини олиб кетибди, қоплоннинг қирқ жўраси муродига етибди.

ҚУШОЙ ДЕВ БИЛАН ЖУЛОЙ ДЕВНИНГ КУРАШИ

Кўкатойнинг кўк туғи кўтарилди ярқиллаб. Иромоннинг ўғли Ирчиўғил жар чақирар барқиллаб. Ёнида бир Ёш Ҳайдар, икков ялпи гап айтар: «Қалмоқ, манжу, қирғиз юрт, қайнаганинг — қора қурт. Кўкатойнинг ошинда кўкёл Манас сўзи бу, қалмоқ билан қирғиздан икков полвон ўртага чиқсин деган ўзи бу. Йиққани соврин олсин, йиқмаган қуруқ қолсин».

Ўртадан ер очилди, тўзон учиб босилди.

Унглагур Жўлой ботир майдонда бўлди ҳозир. Кўрган ортига бекиниб, савлатидан чекиниб, босиб чиқди ечини. Олти ботмон буғдойга тўйиб, дон ҳиди келган чўнг

Жўлой, олтмиш алпни бир сўйиб, қон ҳиди келган чўнг
Жўлой! Муртларини қараса, тегирмон гупчагига текис
қўйган парракдай, тирноқлари тарракдай. Бўйни йўғон,
бўйи паст, ялпоқ юзига ўзи маст. Чўзилиб ётган йўл-
барсдай манглайида қоши бор, чўнг қозондай боши бор,
ортига тушган кокили, қил чилвирдай сочи бор, қирқ-
элликда ёши бор, бул жаҳоннинг полвонин қўймай деган
доши бор. Кипригига қараса, ўсган қичитқи ўтдай, қуло-
гин кўрки совутдай. Болдири ҳўкиз белидай, оғзидан
чиққан дами улкан тоғнинг елидай.

Синчилар синаб айтар,
«Бир чиқиб қопти дунёдан»—
Йўсинида гап айтар.

Қозоқ, қирғиз ё бўлак, талабгори чиқмабди, оғанг
Кўшой жон ҳалак, «биринг чиқ!» деб сиқтабди.

Тўп бошқарган эрларга, тоғ кўтарган шерларга бет-
бетлашиб айтмоққа, жавоб олиб қайтмоққа қари Кў-
шойинг борибди оқ соқолин елпитиб, Оқсур йўрғани сил-
китиб. Жавдаридан эр Чебиш олдида тўхтаб қолибди.
«Бора қол!» деган Кўшойга: «Йўламайман Жўлойга,
йўлаган ўнгмас»,— дебди, енгмоқлик жўнмас, дебди.

Оғанг ундан ўтибди, Саятнинг Абдурахмонин мўл-
жаллаб юз тутибди. «Полвонга Жўлой чиқди,— деб,—
Жўлойимиз миқти!»— деб, қувонар экан қалмоқ, Кў-
шой ташлади қармоқ: «Жўлойга йўламайман, жонимни
тўламайман», деган жавоб қилди-ку, оғанг нари жилди-
ку. Оқ соқолин тўзитиб, Оқсур отиб чўзитиб, Керкокулга
келди-ку. «Сен қандайсан?— деса қарт, бетига айтибди
шарт: «Йўламайман Жўлойга, тегишмайман ундайга!»

Эр Ёмғирчи кўнмабди, Тознинг ўғли Урбу ҳам уна-
мабди, унмабди. Қарт улардан ўтгани, эр Кўкчага ет-
гани. Норғул Кўкча Кўшойдан қутулишни кўзлабди,
йўламасман, ёмон отли бўлгим йўқ, деб сўзлабди: «Олти
ботмон дон еган, тўйинмадим дев деган».

Кўшойнинг жаҳли чиқибди, Кўкчани гўрга тиқибди:
«Одам бўлмай кет, Кўкча, безрайган сурбет, Кўкча!»

Кўшой ўтиб кетибди, тўққиз ўғил кенжаси, Эломон-
нинг эркаси Тўштуққа сўзлаб етибди: «Номуси йўқ қан-
гайга тушасанми, эр Тўштуқ, соврин олмоқлик учун жў-
шасанми, эр Тўштуқ?»

Оғаси сўзин қайтармай, гап айтибди пайдар-пай: «Ме-
нинг уруш қилганим дев-пари билан жин,— деди. Ушани
енган Тўштуқни юзтубан қилар ким?— деди. Ой қочар-

ми юлдуздан, алахлаб кетиб қирғиздан, Кўҳи Қофда кўп йил юрдим-ку, пари билан бетлашиб, қанча йиллар четлашиб, жиқиллашиб турдим-ку. Ёғ қолмасдан ёғимда, жудаб қолган чоғимда юзингни кўрдим — армон йўқ, хўб дердиму дармон йўқ!»

Қўшой бошин чайқади, син кўзин солиб пайқади: «Болам, Тўштуқ, гап тингла, тингласанг ҳам зап тингла! Алвон дарё, зўр дарё, элсиз теран шўр дарё. Етти йиллик сел дарё, етмиш йиллик бел дарё. Етмиш йиллик йўл босиб, етти йил этдан озиб, устухонинг қолибди, бир қошиқ қонинг қолибди. Қўй, бўлмасга бўлишма, хитой билан олишма!»

Шул сўзни айтиб эр Қўшой нари жўнаб қолгани, Кўкбўри ўгли Кўкқуён қаршисига боргани: «Эй, қулуним Кўкқуён, чиқди Жўлойдай ўён, қалайсан ул полвонга?» Аланглаб ҳар томонга: «Йиқилиб қолсам ўламан,— дер,— хитойга майна бўламан»,— дер.

Қўшой ич-эттини еб, «Бўлмади Қуён бола»,— деб Оқбойни кўзлаб боргани, қуруқ жавоб олгани: «Таваккал қилсам қилай, не бўлар, қайдин билай».

Оғанг ундан ўтгани, Буғдойиқ ўгли Музбурчакка чоғи навбат етгани. «Сен қалайсан?»— деса чол, «Ёзим кетган-ку,— дебди,— ёшим ўтган-ку!»— дебди.

Қўшой қичаб ўтгани, армон қилиб кетгани, Манасга яқин етгани.

«Қарисам-да жаланглаб,
Қари нордай лапанглаб,
Мен тушмасам полвонга,
Терисига сигмас эр —
Сен тушмасанг полвонга,
Қандай одам ботинар
Ғўдайган Жўлой ҳайвонга!»

Қўшой бетга солгандай, сўзин уққан эр Манас гап тополмай қолгандай. «Хўп дердиму мазам йўқ қўл-оёқдан олишга, қўйиб беравер менга от устида солишга. Онда тақимлашмас-чи, икковни ҳам оларман, беллашувга эпсизман, қарғишингга қоларман».

«Қалин қирғиз халқидан эр чиқмади балқиган, қуруқ оғзингга қум тўлгур, эрта кунда гум бўлгур!»— ҳар не келиб ўйига, ғайрати тўлиб бўйига, эгардаги чол Қўшой халқасини қоқибди, қора ерга боқибди.

Жайдари Қўшой ботир Манасни уқаётир: «Қарисанг-да жаланглаб, қари нордай лапанглаб сен тушмасанг полвонга, халқ ичида синофинг, қадимги Манас чинофинг,

мен тушмасам полвонга, Жўлойга йўлларми киши, орқага кетмасми иши! Узингиз кекрак керингиз, йўқса совринин берингиз!»

«Қошки бобонг ёш бўлса, ботирсинган Жўлойга мана шундай ош бўлса. Боши тошдан бўлса-да қўлимдан чиқмасди соғ, қанийди сўлқиллаган йигирма беш яшар чоғ. Қайда юрган ўшал кез қизиталоқ хон Жўлой, ўттиз бешда йўлиқса қилардим бўлай-бўлай! Қирқ бешга чиқиб олишса, курашиб жиқ-жиқ солишса, қийиб қора бошини, қисиб чиқарардим нақ оғзидан ичган ошини! Эллик беш ёшда рост келса, бас келардим — эплардим, қўл-оёғин жуфтлардим. Оғангни кучи битганда, саксон бешга етганда, орадан ўттиз йили армонли ўтиб кетганда, халқ талабгор бўлибди, қонлон ихтиёр қилибди. Жоним қилтиллаб қолган, кўзим йилтиллаб қолган, саксон беш деган кўр экан, пешанага шўр экан. Қарисам-да таваккал, борсам бора қолайин, ўлсам ўла қолайин! Қора соқол оқ бўлгач, қартайиб қолган чоғ бўлгач, элсиз хотиним тушкур бутимга қирқ эчкининг қотган терисин ўлчаб, ошлаб, кўклаб берган шим мазаси кетиб қолибди. Арвоҳ урган дов Жўлой, от кўтармас ёв Жўлой чот орасидан олмасин, иккига бўлиб солмасин, топ шунда номусидан оғанг айрилиб қолмасин! Тортиб кўрса чўзилган, одамнинг бели узилган шунақаси борми?» деб, Қўшой қараб турибди, Санжидан келган Кўкча сариқ тери шим билан Қўшойга юз бурибди. «Товон тегиши билан тириллаб кетади-ку, тўғри келмас!»— деб Қўшой тиззага бир урибди. Унг тарафига қараб, қозоқ Кўкчасин кўрибди. «Эмиш: заифанг Оқэркач, ишли-тишли бир бекач, тикканин узат,— дебди,— устимни тузат»,— дебди. «Қўшой оға, мана!»— деб, така терисин ёйиб, шолворига олайиб, Қўшойга кўрипти эп.

Уён Қўшой шолворга ўнг бутини солибди, болдири ботмай қолибди. Сўл бутини солибди, товони ўтмай қолибди. Қарт Қўшойнинг нетарди, Манас ора кирмаса, армонда-ку кетарди. «Хоникей экан миқти,— деб,— Хоникейнинг қўлидан аломат шим чиқди»,— деб, бекорга гап йўймади, хотинин мақтаб қўймади.

Ҳожибой билан Чолибой ялпоқ эгар устидан тери шимни олибди, хон Қўшойнинг қўлига икки қўллаб солибди. Унг бутин солган экан, болдири ботмай қолибди, сўл бутин солган экан, товони ўтмай қолибди.

Ушанда Манас: «Бошқатдан шохим синди,— деб,— душманам кўнгли тинди»,— деб, ёзғирган чоғи экан, олқордайин ярқ этиб, Қорахон қизи Хоникей, қаватида

қирқ канизи, қуллуқ қилиб турганмиш, кўкёлга дам урганмиш: «Қайнаган қирғиз эл мана, хонимни тепсанг мен мана! Хотин бўлсак-да тийрак, қоплоним, эпим бор, айтадиган гапим бор. Ичини ипакдан ишладим, олти йил ёзлаб қишладим. Канизлар тикиб ётганда ёқмаганин сўктирдим, ўртасига пўлатни товоқ-товоқ тўктирдим. Бир худойга рост, бошда оғамга атаганман, кўзимни қадаганман. Кенг келиб қолмасин деб, қоплон жонни олмасин деб, ҳадиксираб юрганман, четин буклаб турганман. Олти қарич тўрт энли, мўйнасининг ичидан, мол қуйруқнинг учидан чашиб қўйган ерим бор. Алмамбет, Чубақ — икки шер тортсин-чи, букланган жойин йиртсин-чи!»

Қоплон кўрсатди ҳунарни, қора сопли қамчисин ўртага тортиб юборди. Тар этиб шолвор айрилди, буклангани ечилиб, Хоникейинг қайрилди. Халқ оғаси Қўшойи кийиб кўрса лоп-лойиқ, худди ўлчаб тиккандай, мўйнасида мўйнаси, мой қуйруққа мой қуйруқ, чама тўғри чиққандай.

Ботир заифаси Хоникей тиззаси ерга букилиб, турган экан Қўшойининг қаршисида юкуниб. Қўшой синар келини: «Ҳей Хоникей, тўлиним, танлаганинг тенг экан, ўн икки мучанг кенг экан... Қидирганга қирчин тол бўлсин, қирга чиқавергунча Семетейга ўр қазган майиб бўлсин, шол бўлсин. Оқ пўлатин мойласин, жиғига тегса душман, икки буклаб жойласин. Бу Семетей эр бўлсин, қора қулоқ шер бўлсин, ойкўл Манас зурёди отасидай зўр бўлсин!»

Белигача яланғоч Қўшой чиқди долонга, буқанинг бели дегудай, бўлишгани егудай, қамти келди полвонга. Оқ ола соқол таралиб, эркак нордай чайқалиб Қўшой босиб боргани. Оғзидан ўти бурқираб, кўздан олови тирқираб, арвоқ урган Жўлой дев Қўшойга шошиб боргани, гап билан мазах қилиб, қора ерга қоргани: «Қора соқол оқида, силла қуриган чоғида ажалингми етгани, номусингми кетгани! Жўлойга киши йўларми, йўлагани одам бўларми, минг жонинг бўлса қўймасман, ичиб қонга тўймасман!»

Аччиғланиб дер Қўшой: «Отангни гўри, чўнг Жўлой, олишганда қараб тур, охири вой бўлгур!»

Қўшой солди билагин, Жўлой тиради тирсагин. Бир тортганда Жўлойдан билагин суғуриб олгани, қўл терисин сидириб Жўлой олиб қолгани. Эр Қўшой ҳам қўлини оч билакка солгани, икки силтаб эр Жўлой эплаб суғуриб олгани, сидирилиб териси, Қўшой қўлида қолгани. Бир-бирин тортиб уришди, осмонга отиб уришди.

Бирин бири йиқолмай, бир-бирдан устун чиқолмай, кеч кирди, кун кетди, бобонг Қўшойга нетди? Жимирлаб юлдуз тўлганда, тун ўртаси бўлганда Жўлойнинг уни гуркураб, товушини уққан бор — жон териси дуркураб, тонг отса, офтоб чиқар, деб хитой Жўлой йиқар, дер. Қани садо чиқса-чи Қўшойидан ўшанда, умидин узиб қўйган юрти пири бўшангдан.

Эгарда бутни толдириб, неча минг чироқ ёндириб, фонуснинг барин олдириб, ойни далага солдириб, қурт қайнаган юрт турар, полвон Жўлой, эр Қўшой шақ-шақ солишиб юрар. Тун ўртаси оғганда, кўкдан юлдуз ёганда Қўшойнинг товшин сезибди, орқасин Жўлой эзипти.

Тонг сўкилиб қолганда, сабо елиб олганда Қўшойнинг уни гуркураб, қалмоқнинг бўйи дуркураб, рост ғайрат қилибди чол, ажабтовур ўзга ҳол.

Чошгоҳгача беллашгач, бўйлашгач ва энлашгач, Қўшойнинг кўнгли суст кетиб, кўз илиниб, тус кетиб, оғанг уйқуга кирибдир, Жўлой мазза қилибдир, олачиқ уйдаи бир тошга тарс обориб урай деб, турганини кўрай деб, кўк ола соқол Қўшойни даст кўтариб олибдир.

Кўра солиб эр Манас айҳай солиб чақирди, «Ота-жон!» лаб бақирди. «Қўшой оға, нетди,— деб,— номусим қўлдан кетди,— деб,— нафсинг тупга кетди,— деб,— қоқ-бош Қўшой, кўзинг оч! Қай қора босиб кетди?» деб, товуши жаранглаб кетибди, кўзи юмуқ Қўшойнинг жон қулоғига етибди.

Кўзини чарақ очсамиш, ақли келиб шошсамиш, Жўлой ботирни кўрибди, тошга уришга тайёр, аzza-баzza турибди. Уйқули кўз очилиб, юлқуниб Қўшой, ечилиб, ғайрати тўлиб кеткани, бир силкинса-қўлда йўқ, оёғи ерга еткани. Аччиғланган эр Қўшой залварли қўлин солибдир, шимининг нарғи ёғи белидан қисиб олибдир. Тоғдай Жўлой полвонни ердан тўнкариб турибди, ерга ўнгариб урибди. Бошидан ҳатлаб олганда, Қўшой босиб қолганда, «Оёқни тушаб олдинг,— деб,— бутимни бўғиб солдинг,— деб,— юлқиб ётиб қолдинг,— деб,— бугим чиқмай қолди»— деб, қолаверибди Жўлой қовурғаси сўкилиб, қони ерга тўкилиб.

Тикилган молни Қўшой элга улашиб турар, хитойлардан Иламаса қанғай номусин сўрар: «Қизиталоқ бурутнинг бу қанақа қилиғи, шуми ошга чақириб, қилган иззат, қуллуғи. Полвонни хўрлади-ку, орини зўрлади-ку! Босиб олмай бор деган, бошдан ҳатлаш йўқ деган, кўтариб уриш бор деган, устан ҳатлаш йўқ деган, йиқиб олиш бор деган, остдан ҳатлаш йўқ деган!»

Қорахитой, манжу юрт, қалмоқ қайнаб чиққан қурт,
алжиса алжигудак, қирғизни ғажигудак.
Ушанда Манас ғайратидан бўлиниб, аждар турли кў-
риниб кетган экан, Бақай оғанг зўр-базўр тутиб қопти
юлқиниб, қалмоқ, хитой, манжуга гап айтипти уриниб:
«Одам деб ошга чақирсак, ўнгмай қолган экансан, ўнгма-
ганинг ўнгмагур, бўлмай қолган экансан! Олишар бўл-
санг чининг айт, бўлишар бўлсанг сининг айт! Қўноқ
бўлсанг бунинг айт, чатоқ, бўлсанг унинг айт!»

Қўявер деб Бақайга, Олатовдай кўриниб, қирқ жўра
икки бўлиниб, Манас турар юлқиниб. Сарик тери шим
кийиб, Сорола тга миниб, қинсиз қилич бойланиб, Ал-
мамбет турар айланиб. Кўк йўл-йўл тўн кийиб, Кўкола
отни миниб, Чубақнинг жойи шунда, Оқболтанинг арс-
лони Чиноқнинг жойи шунда. Қалмоқнинг кўнгли бўли-
ниб, қимматинг Чубақ кўриниб, қанғайнинг кўнгли бўли-
ниб, ҳайронинг Чубақ кўриниб, оч ҳайқириқ, дув сурон
айҳайлаб кириб борди-ку. «Қўноқни майли, ғалвир
қил!»— тош қадаган қалмоқнинг тўралари ғуж бўлиб,
қорахитой, манжуси дўппайиб тушиб қолди-ку, Уч Қар-
қира бўйига уюлиб жой солди-ку.

ТУКУБОЙ БИЛАН ЭР ОҒИШНИНГ ЖАНЖАЛИ

Хоқончин шаҳридан, шаҳарнинг нақ бағридан, чиқиб
келган бир полвон, олғир давангир полвон, қалмоқлар-
нинг ишончи — номи кетган Тукубой, кўксида ёл — ту-
ки бор. Ёви учун ёмони — ерга ботар товони, ўрдакдай
бўйин тўлғаб, олисдан олар илғаб, озиқ тишин ирмай-
тиб, депсиниб қайтиб-қайтиб дуч келганин ейман дер.
Буни кўриб эр Манас, ўша ёвқур шер Манас йигитларин
эслади. Унгачайин бир маҳал, келиб қолди ғалма-ғал.
Бақай Авлиёотадан, Арғинхондан Ҳожибой, Оқболта-
нинг Чубағи, Алмамбету Ёмғирчи, Эломон ўғли эр
Тўштуқ, қипчоқлардан Урбуси, Буғдойиқ ўғли Музбур-
чак, яроғи белда бир қучоқ қозоқлардан Кўкчаси, Ан-
дижондан Синчибек, афғонлардан Охунхон, Чамбилбел-
ни юрт қилган Қорач билан Жонали, Манасни кўзлаб
жўнади. Полвон деса дегудай, дуч келганин егудай,
тўқнашувга тов топмай, урушгани ёв топмай турган
кезда сўзлар айтиб муносиб, Хоникей аста босиб, ҳолу
аҳвол сўради. Бир йигитда ўн марднинг ғайратини кў-
ради. Алқисса Хоникей Манаснинг номидан мактуб
битиб Қирғилчолга беради. Қирғилчол ўн икки йигити
билан эр Оғишни излаб йўлга чиқади. Эр Оғиш йигит

деса дегудай, бир ўзи юз душманни егудай, мард деса мард, элу юртига ҳамдард эди. Эр Оғишнинг бир одати шу эди: қизи бор уйда қиёқчи, қимизли уйда аёқчи — косагул бўлар эди: қиз кўрса эти жимирлаб, хотин кўрса қимирлаб қолар эди: бир ўрда қизлар, шўх-шаддот қирмизлар билан сайр қуриб юрган чоғида Қирғилчол Оғишга Манаснинг бир энлик хатини топширди. Эр Оғиш «қўзи кўлнинг ўрнидай қалмоқ полвони Тукубой» билан олишувини билиб, қилич ва совутни бўйнига илиб йўлга равона бўлди.

Қўнғурбойда салмоқ бор,
Қора кўртдай қалмоқ бор,
Эҳтиёт бўл, эр Оғиш.
Ишонгани Тукубой,
Юзта девнинг туки бор
Ҳушёр бўлгин, шер Оғиш.

Эр Оғишни бошлаб Қирғилчол Манаснинг ўрдасига олиб келди. Хоникей Оғишга ўқ ўтмас уст-бошларни кийинтириб жангга ҳозирлади. Оғиш полвон ол деб, қалмоқларга қора кунни сол деб Манас оқ фотиҳа берди.

Тукубойи тушмагур,
Олишгани қўймаган.
Бир тўнғизнинг гўштига
Ҳадеганда тўймаган.
Эпин топса Оғишни,
Арқондек ўриб қўйгудай.
Бир зарб билан зулукдай
Қонин сўриб қўйгудай.

Жанг-жадал қизигандан қизиб элу халқ оғир маломат бўлганини сезиб, қалмоқ билан қирғиз олишиб, бири-бирига қилич солишиб еру осмон тўзонга тўлди. Эр Оғиш билан Тукубой роса икки кун курашди. «Оғиш полвон ол-ҳа, ол, Тукубойнинг бошига қаро кунни сол-ҳа, сол!» деб Манас руҳлантириб сўз айтар экан, эр Оғишнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб, йўлбарсдай жўш уриб Тукубойни боши узра айлантириб ерга урди. Бундан Манас хабар топди. Тукубойнинг ўлими қалмоқлар учун қаро кун бўлди. Оғишнинг ғалабаси бу жангга яқун бўлди. Манас бош бўлиб, Хоникей кўзу қош бўлиб, ўлжаларни ортиб, ўрдага сафар тортиб турганида Оғиш полвон эр Манасга узр айтиб, қизларнинг ўрдасига қайтиб боришга изн сўради...



ЖАНЖАЛНИНГ БОШЛАНИШИ

МАНАС БИЛАН ҚУНҒУРБОЙНИНГ ОЛИШУВИ

Тукубойнинг ўлими қалмоқ элатини оёққа турғизди, ҳар кими ўзига қасдлашганга чуқур қазди. Жарчи бўлиб қариси отга миниб, қалмоқ, манжу бариси, қирғиз юртига мўр-малаҳдай бостириб кела бошлади. Бу кезде алп Манаснинг ватани Талас ёқдаги элу элатлар бирлашиб, қатағон уруғи бош бўлиб сирлашиб, бўлажак жангга тадорик кўришар эди, не жумбоқ бўлса бўлишар эди.

Қалмоқ билан Хитой ўз номуси учун курашиб, қурол-яроғини улашиб, Қўнғурбойга суяниб, калималар ўқилиб, бутхонага чўқиниб, ботирин филга миндириб, бўзасини тиндириб, мингги келса қиргин деб, адабини бергин

деб, юзи келса сўйгин деб, кўзларини ўйгин деб, тайинлайди Несқораси. Қўнғурбойнинг мақсади Талас сари етишдир, Манасни банд этишдир. «Хўш, энди нетамиз, қандай тадбир этамиз?» деб Қўшой қария Манасга юзланди. Алп Манаснинг қиличи яловланиб, кўзи оловланиб, мўйлови қамишдай тиккайиб, нор туядай хезланиб, сапчиб туриб тезланиб, тизлари ғижирлаб, ўзича пичирлаб, қарашлари тун бўлиб, бетига чиққан туклари бешта пайпоққа етгудай жун бўлиб, олтин билан кумушнинг нақ ўзидан битгандай, аждаҳо бўлса тутгандай, ғайрати қайнаб, остидаги тулпори ўйнаб, ўзини бўлажак тўқнашуга тайёрлар эди. Уддабурон Хоникей эса, ҳозир у нозир бўлиб, нимаки деса Уратепа билан Марғилонда Манас учун атай тиктирилган жанг учун хос, алпнинг қаддибастига мос кийимларни саралаб, элу халққа ўзининг кимлигини билдирди. Алмамбет билан Қўшой оқсоқол Қўнғурбой ҳақида Манасга тугал маълумотларни айтиб, ўзлари ҳам шайланиб, йигитларга ўғит айтиб айланаб, жангга тайёр эканликларини баён этди, лашкар урро-ур деб олға қараб кетди. Манас билан Қўнғурбойнинг олишуви қизигандан қизиб кетди, бу орада қанча марднинг манглайдан қонлар сизиб кетди. Алмамбет, Чубақ, Бақай билан манжуларга қирон келтирди. Қалмоқ хони Қўнғурбой билан қирғизнинг хони Манаснинг тўқнашуви ҳамон давом этар, отган найзалари бир-бирига тегиб кетар, қалмоқларнинг куни битар эди.

ҚУНҒУРБОЙНИНГ ҲУЖУМИ

Ҳар бир ишнинг чегараси-чеки бор, Қўнғурбойнинг эса қирғизларда беадад кеки бор. Хон Жўлойнинг инқироzi, Тукубойнинг ўлими қалмоқларнинг ғазабини қайнатиб юборди.

Ўтган гапни ташлайлик,
 Бўлар гапдан бошлайлик.
 Отнинг югуриги белдор,
 Олиб қочар бўз тулпор.
 Қалмоқ, манжу, қирғизлар
 Олишгандан олишди.
 Денгиздайин чайқалиб,
 Ҳолдан тойиб қолишди.
 Оқсоқоллар сўз бошлар:
 «Уқиб олинг, тенгдошлар,
 Минг кишидан биринг кел,
 Уддабурон ва чаптаст

Қирон мерган, эринг кел!»
Холдан тойиб душманнинг,
Ори келди қалмоқлар.
Енгамиз деб қирғизни,
Бари келди қалмоқлар.

Қирғизлар дастлабки ғалабадан сўнг бир оз тин олиб, отларига дам бериб, яна жанговар урушга шай бўлиб туришди ва қалмоқларнинг жанггоҳи сари юришди.

Қалмоқлар ҳам отларини тобига келтириб, қурол-аслаҳаларини созлаб, лашкарбошиларни эъзозлаб юзмаюз чиқишмоқда. Қалмоқларнинг ман-ман деган полвонлари Қўнғурбойга йўл бериб, элатимизнинг фахри дея қўл бериб турган чоғи. Бу кезде Қўнғурбой Жўлойнинг Очбудон деган тулпорини миниб Таласни кўзлаб от сурди. Бундан хабар топган эр Манас душманга қарши тайёр эканини билдириб, туғларни илдириб, қўшинни жилдириб Бақай эмакдош, Чубақни эса кўплаб қўшинга бош қилди.



II БЎЛИМ

УЛУҒ САФАР

ЧУБАҚ БИЛАН АЛМАМБЕТНИНГ ҒАЛВАСИ

Энкайган сариқ дала,
Эзилган қора тупроқ.
Ҳилпираган туғ тутиб,
Йўл бошлаган Алмамбет.
Зинкайган қора дала,
Қазилган қора тупроқ.
Елпираган туғ тутиб,
Йўл бошлаган Алмамбет.
Алманинг турфа сири бор,

Англайдиган сини бор.
Дов Алманг чамасими,
Сонсиз қўлга тикилиб,
Зўр Манаснинг олдида
Иzzат қилиб букилиб,
Ўтирмай туриб гап айтар,
Ўйдагин чуваб айтар:
«Тўрам, қаттиқ йўлдамиз,
Гапимга хафа бўлмангиз.
Ер босиб, сағри қайишиб,
От синалар навбати.
Девлар билан олишиб,
Эр қийналар навбати.
Тўрам, чиндан чининг ким?
Олишувчи ининг ким?
Бетлашган ёвга довинг ким?
Соладиган човинг ким?
Қайраб турган тилинг ким?
Ўлимга терс жининг ким?
Қўзга отар мерганинг ким?
Қизғанмай бош берганинг ким?
Қўнгли бузуқ қасдинг ким?
Қўнгли тўлмас бастинг ким?
Мўл давлатга мастинг ким?
Кўрмас йўлга борар ким?
Хоқондан сир олар ким?
Чўчиб турмай, душманга
Қиёматни солар ким?»
Алмамбет айтиб тинди.
Ойкўлдан ўтолмай биров,
Гинг дегани йўқ энди.

Ойкўли туриб гап айтар,
«Алмакем, уқ! — деб айтар. —
Қанғайни билган ўзинг бор.
Ғайрат қилиб шайланиб,
Қоплон Алмам, йўлни сол!
Қалин қўшинни айланиб,
Хоҳлаганинг йўлдош ол!
Сирғақни ол — синоқ эр,
Отишган ёвни кўрганда
Ажали етган қайда дер.
Ўлимга чап ўзи бор,
Ўт-ёлқиндай кўзи бор.
Қотишган ёвни кўрганда

Хукми ўткир сўзи бор.
Сукқан найзасин тортмаган,
Сурланиб ёвдан қайтмаган,
Қўлида олмос яроғи.
Бир ўзин мингга сийлайман,
Сиртлонзода Сирғақни
Йўлдошликка бийлайман».

«Сирғақ бўлса бўлсин-ов,
Қанғайга йўл бўлсин-ов.
Душман эришиб кетмаса,
Ишонарим — бир Сирғақ,
Ишлатарим — эр Сирғақ.
Ёпишса душманнинг зўри,
Жон қизганмай шер Сирғақ
Қалмоққа бора билар,
Йўлда сир ола билар.
Хўш энди, хўш деркансиз,
Қўлдан ўзингиз бизга
Қўш от танлаб берсангиз!
Эшитсангиз додимни,
Билганимча таърифлай
Минадиган отимни.

«Мақтаб айтсам — рости шу,
Бор йилқининг хоси шу.
Айҳай солса сурони,
Ҳожибойнинг Курани.
Ҳар қандай йўлга минса-да,
Оздирмас устдан қиронни.
Тикка найза санчишса
Довлашган-ла янчишса,
Ўксиб кейин қолмаган,
Ирғишласа эгасин.
Ерга уриб солмаган
Бўктаргили мол экан.
Бўлакча тимсол экан,
Қуюшқонсиз минса-да,
Қуюлма қум қияни
Қуюнлатиб энса-да,
Умуртқадан ўтмаган,
Қил ёлига етмаган
Сағри ёйиқ мол экан,
Ҳар ҳунари бор экан.
Мия қайнаган иссиқда,

Бел синашган қисқда.
Қирқ кун йилтиллаб чопса
Сувсиз, айни қизиқда.
Сувсамаган мол экан,
Тулпорлиги бор экан.

«Бигиз қирра пичоқ йўл,
Юриб борса қалин қўл.
Туёғи метин мол экан,
Тулпорлик жойи бор экан,
Олислаб кетса озмаган,
Олти ойлаб йўл юрса
Бир изин қинғир босмаган,
Ҳазор-туман йилқини
Уюрга босиб, бош силтаб,
Эс оғмасдан бошлаган,
Айҳайласа шошмаган,
Ёл-қуйруғин сочмаган.
Қийқайтиб чўпни чалдирмай,
Оғзидан сувлуқ олдирмай.
Қирқ кун ясов тортса-да,
Ориқлаб қорни очмаган,
Ҳазор-туман йилқи олиб,
Остига ҳайдаб солиб,
Ёмон йўлга босмаган,
Ҳар ҳунари бор экан,
Олқор сиёқ мол экан.
Олиб бер ботир,— дебди,—
Қарткуранни бермасанг,
Аҳволим оғир»,— дебди,
Алмамбет ичин ебди.

Уни уққан эр Манас
Шоша-пиша гап айтар:
«Ирчиўғил, Бўзўғил,
Отланинглар!— деб айтар.—
Ҳожакамга боринглар,
Дардимизни ёринглар!
Мен бийлаган гап бўлса,
Яхшиларга эп бўлса,
Жўяли айтиб Ҳожига,
Қарткуранни олинглар,
Алманг остига солинглар!»

Бу сўзни айтиб қолгани;
Уққан бўйи шодланиб,

Ирчиўғил, Бўзўғил отланиб,
Ҳожининг қошига боргани.
Салом айтиб букчайиб,
Омонлиқ сўраб чўқчайиб,
Бўсагадан киргани.
«Лом» дегизмай Ҳожаканг,
Ўсмоқчилаб кўргани.
«Келинлар-ов ботир!— деб,
Гапларинг борми ҳозир?»— деб,
Ҳожибойнинг сўргани.

Шунда Бўзўғил гап айтар,
Гап айтса ҳам зап айтар:
«Ҳожакам, гапнинг сираси,
Биз билмаган мол экан,
Йилқининг югрук тўраси
Қоратўриқ бор экан.
Пайқамабмиз бошида
Уюрдаги молни,— деб,—
Арслоннинг қошида
Атоғи зўр Алмамбет
Мақтовин роса олди,— деб,
Қалмоққа сир олгали,
Савашга миниб боргали
Алманг йўлга солди,— деб,
Қифтини хўб келтирди
Қарткурандай молни,— деб,
Охири бизни кўрсин,— деб,
Назаркарда йўллади
Қарткуранни берсин»,— деб,
Ирчиўғил, Бўзўғил сўзлади.
Ҳожаканг Қарткураннинг
Мойин олишни кўзлади!¹
«Беран Алманг сўраса,
Савил қолсин Қуран от,
Берарлик кез-кезаги.
Топилмасми йилқининг
Бундан ортиқ безаги?!
Қўлдан чиқса қўққисдан,
Нима бўпти Қарткуран,
Бир байталнинг тезаги!
Чилвири тутам, бови йўқ,
Чин дунёга борганда

¹ Отининг мойи — отнинг ҳаққи дегани.

Чақачалик дови йўқ.
Айланайин ўзингдан,
Арслонга айтган сўзингдан,
Ичингдаги сирингдан,
Отимни билган сурингдан.
Эр қадрини эр билар,
Эр билмаса, ер билар?
Ҳаром ўлгур Қарткураан,
Аяб-маяб нетаман!
Бошимни деса Алмамбет,
Садағага назр этаман».

Бу сўзни айтиб хушлатиб,
Юганин олиб бўшатиб,
Нўхтасин солиб ушлатиб,
Ҳаром ўлгур Куранни
Оч моролга ўхшатиб,
Хожаканг отин бергани.
Кузатиб қўш хизматкор
Манасининг остига
Ҳаялламай келгани.
Алмамбетнинг қўлига
Қоратўриқ киргани.
Бедов теккач, Алмаканг
Кўнгли тинчиб-тингани.
Ҳожибойнинг сўзи деб,
Алжиганин ўзи деб,
Қулоқ осиб энгани.
Кўрган дилдан суюниб,
Кўк темир тўн кийиниб,
Қирғиз йўлбарс қўлдоши
Қирон Сирғақ йўлдоши
Муз совутга қуйилиб,
Ғайратига ийилиб,
Телқизил миниб бурқираб,
Пўлат найза қирқираб,
Жез узанги сирқираб,
Сиртлон Сирғақ гурқираб,
Сир найза қўлда тирқираб,
Қалмоқни чалишни чўтлашиб,
От-яроғни бутлашиб,
Найза ўтмас тўн устда,
Уқ тешмас қалқон бойланиб,
Қайта ёғган булутдай
Қаҳр юзига айланиб,

Ғазот чопиб тулпорни,
Ҳайвондан чиққан шунқорни,
Эгар, жабдуқни солиб,
Элдан фотиҳа олиб,
Алмамбет, Сирғақ кетгани.
Ҳангомасин уқинглар,
Орт ёғида нетганин.
Алмамбет сир чалганмиш,
Дараги қачон чиқар деб,
Тўс оломон қора юрт
Йўлини пойлаб қолганмиш.
Оқсоқол Қирғилни қаранглар
Ўрдадан ўйин солганмиш.
Ўёнларни юртидан
Чақириб, йиғиб олганмиш.
Алмамбет, Сирғақ ортидан
Эр Бақай кетиб қолганмиш.
Озигин қилиб кийикдан,
Қоровулда буюкдан
Қоронғига кўз солганмиш.
Буларни қўя туринглар,
Ортда қолган қўшиндан
Хабар олгали юринглар!
Ўрдани ўйнаб ётар,
Оқсоқол Қирғилни кўринглар.
Ҳожибой тўдабоши,
Яхшининг қолган кўз-қоши.
Манас боққан қирқ ботир,
Ҳунари қизиқ ботир,
Йигирматадан бўлиниб,
Хуморидай кўриниб,
Тўрт байтал тикар Қирғилчол,
Қолганига қулоқ сол.
Қирғилчол паст кетдими,
Майдалашиб ўтириб,
Ҳожибойнинг шериги
Отқич экан, қутириб,
«Олдик,— деди,— байтални,
Кетмас,— деди,— қутилиб».
Қирғилчолнинг жўраси
Ўрданинг бўлди тўраси.
Бир, иккидан чўқонлаб,
Ингичкадан йўғонлаб,
Ҳожибойнинг бўтаси,
Қий-чув қилиб тўдаси,

Кўрмаганига танг қолди.

Чизиқ четига яқин,

Бир панада хон қолди.

Қоронғида ҳам чопагон,

Қорсоқнинг изин топагон

Қодир, Жайнақ, Шувути бор.

Қирғилнинг қараб тургани,

Икки кўзида ўти бор.

Ҳожибойнинг нафари

Гардкамчи экан бари.

«Қирғилга йўлиққан бири

Аталмас қиморнинг пири.

Тўзиган бўлса ўйнинглар,

Тўмпойни ерга қўйинглар!

Тўпилламай қолинглар,

Ташлашни билиб олинглар,

Отилмай қолди хонинглар.

Хонларингни мен отай,

Отгандаям чин отай,

Бера кўр,— деб,— динг отай»

Бу сўзни айта солгани.

Мазахни оғир олгани

Туман, Қодир деган бор,

Ўйиндан туриб қолгани.

«Гўлмидингни билмайсан

Бошда юрган йўлингни.

Боятдан бери, Жайнағим,

Бойладикми қўлингни?!

Келиб-келиб энди сен

Отқич бўла қўйдингми?

Авваллар ҳам кўрганмиз

Отиб юрган ўйнингни!

Ориятли эр бўлсанг,

Хон отувчи сен бўлсанг,

Отиб ола қўйгин,— деб,

Ютган бўлсанг бизларни

Лақиллатмай рўйи рост,

Тўрт байталга тўйдим»,— деб,

Қўлига тутди тўмпойди.

Иза бўлган эр Жайнақ

Чизиқни босиб тўнқайди,

Пойлаб отиш ўнғайми.

Номусланиб жон чиқди,

Отган ердан хон чиқди.

Хонга тўмпой етипти,
Шақиллаб тегиб тўмпойи,
Хон олисга кетипти.
Хон бўлипти отган ўқ,
Қай бири фаҳм этипти.
Ғалча биров кўрган йўқ,
Қўрмаганлар ликиллаб.
Хандон уриб қолишди,
Роҳатланиб олишди.
Ҳожибой тарафдан Серек
Номус учун солишди,
«Қариллама қув томонлар,
Ғужуллаган ёмонлар!
Отиб кетди-ку хонингни,
Суғуриб олди-ку жонингни!»—
Айтиб гапнинг дангалин,
Серек юзга солгани.
«Қайда? Қайда? Қайда?» деб,
Жиззаки, чатоқ Бўзўғил
Хонга «ҳай»лаб боргани.
Яшшамагур ўртага,
Хонни қайта солгани.
Бу ёқдан туриб Қирғилчол
Қийқириб сўйлаб қолгани.
Қўл, боши титраб-қақшаб,
Ўрдадан Ирчи тургани.
«Чиқаринглар чўқонни,
Тўрвага тўплаб қолдинглар.
Ёлғиз хонни биз олсак,
Қай йўсинда Бўзўғил,
Ўртага хон солдинглар?!
Ағдардик деган ўйнинглар,
Шартга мувофиқ бўлса,
Ғижиллашмай қўйинглар!»
Ирчиўғил айтиб буни,
Хўб энтикиб қолгани.
Ирғиб туриб ўрдадан,
Бўзўғил етиб боргани.
«Тузук» демай туз ургур,
Қийшайтиб отдинг хонингни.
«Тузукми?»— дедим бир оғиз,
«Чирқилламай, Ирчиўғил,
Беравер,— деб,— жонингни»,
Бўзўғил гапни олгани.

Оқсоқол Қирғил зап айтар,
Аччиғланиб гап айтар:
«Ҳожибойнинг тарафи,
Отганда чиқди хонинглар.
Охири ўшал хон билан
Эшилиб чиқди жонинглар.
Ўрдага тиккан биянинг
Бари сийлов, олинглар,
Ғалвани қўя қолинглар».
Бу сўзни Қирғил сўзлади,
Бу сўзга тўхтаб бермай,
Бўзўғил ҳам тузлади:
«Қўй, қўй деса қўймайсан,
Оқсоқоллик бошингда,
Олтмишга келган ёшингда
Ҳаром-ҳариш сўйлайсан!
Тумонат элни ялпи
Аҳмоқдан баттар ўйлайсан».
Айтганин айтиб Бўзўғил
Қирғилга кўз қирин солгани.
«Оқ соқолли одамга
Осилма!— деб бу ёқдан
Ирчиўғил хезлаб қолгани,—
Ешига етмай ейилгур,
Қирчинингдан қийилгур,
Қовогингни уясан,
Қачон энди Бўзўғил
Қариллаб юришни қўясан.
Аччиғланса не бўпти,
Оқсоқол Қирғил турмасми,
Қасам сени урмасми?!
Уриб қўйган Бўзўғил,
Урушиб ётган Қирғилинг
Улуғланиб юрмасми,
Назари сени урмасми!
Алп Манас паноҳида
Ўзга юртни гоҳида
Ўзлаштириб оласан.
Ўзимизга тағин сен
Ўнганмасдан қоласан!
Бошимизда Манас турар,
Ҳаммамизни тенг кўрар
Сен бўлсанг-чи, бидирлаб,
Ботирликни оласан!»

Ирчиўғил айтиб олар,
Ирчиўғил сўзин уққан
Бўзўғил шайтонлаб қолар:
«Отангни гўри, Ирчиўғил,
Қаттиқ сўз демай соласан.
Қасри теккан одамсан,
Қачон қарама кибр,
Кеккайиб ҳам қоласан.
Чувулатиб чув сўзни,
Қачон қарама — такаббур,
Юртга айтасан қув сўзни.
Қув сўзинг бўлса сеники,
Ғаши келган меники.
Ғирромлик билан ишим йўқ.
Ҳозирги турган қўшинда
Алмамбет сиёқ киши йўқ.
Овулингни яқин қўндирмай,
«Нарироқ кет!» деган-ку.
Ажраб кетар кезингда
Эплаган Бақай экан-ку.
«Ушал Ирчи сенми» — деб,
«Уйротга борган менми» — деб,
Ушандан сўнг сен бординг
Нўйғут ўёни Чубаққа,
Ушал элнинг тентаги —
Удағайлаган чиноққа.
Узим авло ўзингдан,
Сўзим авло сўзингдан,
Алмамбет-ла турқим бир,
Овул қўнсам, қирқим бир.
Чубақ сенинг йўлдошинг,
Синаб билиб олди юрт,
Чувдан чиқмасин бошинг».

Бўлали эр Бўзўғил
Бу сўзни юзга солгани.
Мағзин чақиб Ирчиўғил,
Узиб-узиб олгани:
«Ҳой қалин юрт, қулоқ ос,
Нима дейди бу васвос!
«Бузуқ» деди бизларни,
Йўлимиздан кўрармиз,
Гувоҳ қилдим сизларни,
Ёмонга яхши бўлармиз.
«Ботирим Чубақ экан» — деб,

«Бошқангда юриб нетдим» — деб,
«Томирим Чубақ экан» — деб,
«Қаршингда туриб нетдим» — деб,
«Ўрданг-ла қўшмозор бўл,
Жон ғанимат, кетдим» — деб,
Ошиқ сочилиб кетди.
Ер қапишган қай ботир
Отига осилиб кетди.
Ирамон ўғли Ирчиўғил,
Телпаги қил-попукли,
Оғзи ботир, кўпикли,
Айқириб борди қаёққа,
Оролда ётган Чубаққа:
«Айтишга келса, отанг тенг,
Панжасин ёзса, каттанг тенг.
Қипчоқнинг юрти қўш уруғ,
Хива тарафда беш уруғ.
Нўйғут билан тейит бор,
Чарков билан ғалча бор,
Қирдаги қирғиз қанча бор.
Оқбаран отса, туз-да бор,
Олти ота ўғли, юз-да бор.
Нўйғутнинг қирони сен бўлсанг.
Тейитнинг ҳайрони мен бўлсам,
Сени ҳам онт урмасми,
Қалмоқдан келган қизталоқ
Алмамбет қулдан кам бўлсанг.
Хукмингни олди-ку қўлингдан,
Йўриғинг олди-ку йўлингдан,
Ҳисобин олди-ку элингдан,
Қутуриб кетган қув қалмоқ
Белбоғинг олди-ку белингдан!
Етмагандай буниси,
Чалғинни қалмоқ чалгани.
Ақл — кенгаш, гапда йўқ,
Оқболтанинг Чубағи,
Отнинг кейинги оёғи,
Чалғиннинг чангида қолгани.
Ҳе, ҳаммангни деб қўйсам,
Ич-этимни еб ўйсам,
Бўзўғил деган расвосин
Демагани қолмади.
Қошингда юриб қоралаш.
Ташингда юриб аралаш,
Мени худой олмади!

Асли тубинг тенг туққан,
Тенг туққандан кам туққан,
Сени худой олмади!
Алмамбетни кўтариб,
Арвоҳларни итариб.
Бўз йигитнинг айтмаган
Аччиқ гаши қолмади».

Оқболтанинг Чубағи,
Арслоннинг бири тағин.
Уқиб-суқиб бу сўзни,
Аччиғланиб тургани.
Ҳар кимнинг келиб чоғи,
Тўш-тўшига ургани...
Уккидай кўзин олайтган,
Уч кун бўлган бойлатган,
Ёлини артиб боқтирган,
Туёғин ерга қоқтирган.
Бўйнига тумор тақтирган
Кўрикнинг кўрки Кўк тулпор.
Ойчалик йўлга чидамли.
Унча-мунчаси пўк тулпор,
Эгар, тўқими ҳашамли,
Сулув Чубақ қотириб,
Чоройнасин торттириб.
Совут, қалқон, қиёғи,
Қимга ўхшар сиёғи,
Унқай темир орттириб.
«Ҳа, омон қўяман, — деб. —
Ортидан етиб охир,
Алмамбетни сўяман! — деб,
Вайрон бўлган қалмоқни
Унгатмасни бил-чи!» — деб
Ёйилса гижинг бўлган,
Ясов тортса минг бўлган,
Таблни қоқиб, қарс қўйиб,
Қизигандан қизиган,
Оқболтанинг Чубағи
Тушди Алмамбет изидан.

Қўшиннинг орқа-олди
Ошиқиб дувлаб қолди.
Апил-тапил от эгарлаб,
Бўшроғин бот эгарлаб.
Нўйғутнинг чанги бурқираб,

«Оқболта» ўрони қирқираб,
Қиядан тоққа чурқираб,
Пўлатни қайраб тўнига,
Қарамай орқа-ўнгига,
Милтиқни осиб бўйнига,
Отиб ётган ўрдага
Ҳалиги Чубақнинг боргани,
Келатуриб ошиқни
Ердан таппа олгани.
Жазаваси тутган Қирғилнинг
Қони қайнаб қолгани.
Ютқизиб қўйиб урганда,
Ютаман деб турганда,
Чубақ ўйинни қуритиб,
Олчи ошиқни олгани,
Тўда тарқаб қолгани.

Қийқириб Қирғил гап айтар,
«Қизиғар Чубақ»лаб айтар:
«Ўрдага қилмай зўрликни,
Даф бўл»ни қақшаб айтар.

Чубақнинг гапи тўнг бўлди:
«Отангни гўри, қирқ жўра,
Қирқ жўра десам, фирт гўра,
Худой урсин барингни,
Қирғил бошлик қарингни.
Илигим қирғиз нўйғутдан,
Ўқиним тоғдан чўнг бўлди.
Одам ўлмас иш-пишдан,
Хорлик-хўрлик юмушдан!
Қалмоқдан келган бой топмай,
Қозоқдан келган жой топмай,
Таг-туби бир белгисиз,
Тентиган қул сой топмай,
Хитойдан чиқиб қийилган,
Озган тўғри йўриқдан,
Тўраласа не чиқар
Қирғизни босган уруғдан!
Қандай тизгин, бўй берай
Туғишмай қора босганга,
Тўрва-халтасин осганга,
Бўлишмай қора босганга,
Тўпимни қандай билдирай
Тўпидан ўзи озганга!»

Шуни айтиб Чубағи,
Қўшинига кўшилиб,
Жўнаб қолди бу ёғи.
Шўр Чубақ орқасидан,
Тўқатой тўдасидан
Тўполонглаб жўнади.
Эломоннинг эридан,
Атоғи чиққан элидан
Не-не симбатли ботир
Дувуллаб бораётир.
Ёмғирчи, Тўштуқ тўпидан,
Кўкча, Урбунинг кўпидан,
Санжибекнинг элидан,
Яроғин ечмай белидан,
Оқ ола соқол Музбурчак
Қўшинига эгасиз,
Қолибди жони ҳалак.

Қолганлари бақрайиб,
Тепага чиқиб ағрайиб,
Дов юракли Чубақнинг
Ғайратига сарғайиб,
Қир-қиймат солибди.
Қоровулга чиққан эр Бақай
Қорани илғаб олибди.
«Кўл бузилган экан-ку,
Эл бузилган экан-ку,
Бостирмасам бўлмас» — деб,
Энкайишда эпкинлаб,
Оч биқинга тепкилаб,
Оқ соқолни чимчилаб,
Бўз бедовни қамчилаб,
Оқ соқоли пирпираб,
Оққуба тўни парпираб,
Алп Манаснинг қўшига,
Ойкўл эрнинг қошига
Бақириб Бақай келгани.
«Қўшинингдан айрилиб,
Армонда ўлдинг» — дегани.
«Хой, беклигинг бе бўлди,
Арслон Манас, не бўлди?»
Кўпчиликда нима йўқ,
Кўп оғиздан гина йўқ.
Бузғунчилар борибди,
Бузиб айтиб солибди.

Тўзғинчилар борибди,
Тўзиб айтиб солибди.
«Эли йўқ эркин қул» эмиш,
«Нега қутиради бул» эмиш,
Дов-жанжал чиқиб қолибди.
Нўйғутнинг ўёни Чубақ
Ҳайрондан ҳайрон чатоқ,
Гап-кенгашни кўрмай эп,
Алмамбетнинг кетидан,
Айғоқда олар бетидан,
«Жўнаб қолди охир,— деб,—
Йўлни топмасанг оғир» — деб,
Оғаси Бақай айтди хўб.
Не қиларни билолмай,
Эзилиб тоқат қилолмай,
Манас кўзи лўқ бўлди.
Қариллаган қирқ ботирнинг
Ғинг дегани йўқ бўлди.
Куйиб-куйиб гап айтар,
Оғаси Бақай зап айтар:
«Оқ сарғил отни етаклаб,
Ашир додҳо деган бор,
Унга борсин,— деб айтар,—
Қопқадори сариқ кал
Ашир додҳо қўшилиб,
Оқ сарғил билан йўлни сол!
Ақл-насихат айтсин.
Қўшинни бузмай дарҳол
Оқболтанинг Чубағи
Бад феълидан қайтсин!»

Олти жайсан йўлдоши,
Бақай айтган от боши
Оқ сарғил от етаклаб,
Ошиқишиб, этаклаб,
Оқболтанинг Чубағин
Остидан тўсиб қолгани.
Олисдан кўриб арслон,
Тенг-тўшим Ашир додҳо деб,
Етмай юрган эканман-да
Оқ сарғил симбат отга деб,
Аччиғин юзга олгани.
Дарвозабон сариқ кални
Жиға аралаш солгани.
Оқ сарғил отин олмасдан,

Айхайни қаттиқ солгани.
Ҳалигидан беш баттар,
Бу ерда қалмоқ тургандай,
Оломон қалқиб қолгани.

Қоплон Манас гап айтар.
Танига ўйлаб айтар:
«Оға Бақай, юзингиз,
Ақл деҳқони ўзингиз.
Ҳар замондан бир замон
Насиҳат бизга сўзингиз.
Қўшиндаги бузуқни
Кўриб турар кўзингиз.
Оққулани етаклаб,
Оқболтанинг ўғлини,
Қошига боринг ўзингиз.
Шунақа қийин тор ерда,
Қаттиқчилик бор ерда
Малҳам бўлган сўзингиз.
Қўшиним тўзиб турганда
Қаҳрим қўзиб турганда,
От минмасам — минмадим,
Оққуладан кечайин,
Тўн киймасам — киймадим,
Энди уни ечайин,
Чубаққа бўла қолсин,
Елчимай ўла қолсин.
Соғинмаса ажалин,
Йиғиштирсин жанжалин».
Бирин-бирин дер Манас,
Ич-этини ер Манас.

Тусини кўриб ботирнинг,
Оғангиз у эр Бақай
Оққулада қинқаймай,
Жўнаб қолди охири.
Жўнини билган Чубаққа
Жўяли гап айтмоқчи,
Йўлга солиб қайтмоқчи.
Бўз йўргасин балқитиб,
Оқ соқолин қалқитиб,
Оғанг Бақай боргани.
Оқболтанинг Чубағи,
Арслоннинг бири тағин,
Бақай полвон оғасин
Олизданоқ кўргани.

Оқкулани кўрк қилиб.
Оғаси келгач тўсатдан,
Оқболтанинг Чубағи
Иzza бўлди уятдан.
Қизармаган юзмиди?

Улуғинг Бақай келганда
Тўхтамайдиган кезмиди?
Оломон чопган дув бўлди,
Қўшин тўс, қий-чув бўлди.
Оқболтанинг Чубағи
Қайирди арғумоқни.

Ғайратланиб қай бири
Тўсиб кетиб боради.
Қалин қўшин гулдури
Усиб кетиб боради.
Боради дупур-дупур,
Қулоқ осган қайрилиб,
Қулоқ солмаган йўлдошин
«Кетавер!» деб, айрилиб.

Бақай олдида Чубақ
Минг қилса-да бир увоқ:
«Чуватиб юргандинг қўлни,
Оға, сенга не бўлди?
Манасинг катта оғиз
Қирғиз эли бўлганга.
Отамиз бир бўлган сўнг,
Қарамай тирилган-ўлганга,
Орланмадим туришдан,
Ҳайдовига юришдан!
Нўғайдан Манас, нўйғут мен,
Уйлаб кўрдингми буни сен!
Қорақалпоқ, думара,
Чатишгандай дубора.
Бир экан деб отамиз,
Қаторингда овора.
Қариямиз эр Бақай,
Туққанам демадинг-ку,
Ғамини емадинг-ку!
Қанди, тейит, мунгушни
Қаторингдан қўймасдан,
Талатдинг боёқишни!

«Найзани илар учига,
«Оталашим экан»,— деб,
Кириб қўшин ичига.
Ҳар ким хумор экан-ов
Ҳоким бўлган тушига!
Шибе билан жодугар,
«Туб отам бирга экан» деб,
Соб бўлганига қарамай,
Еб ташладинглар-ку, еб.
Чарков билан қатағон
Баримиз бир отадан.
Бари қирғиз боласи,
Манасинг чатиб-матаган.
Ўсаллик шунданмикин,
Не савдолар бошимда?
Онт ургурга қўшилдим
Айни ўн уч ёшимда.
Чиландидан қуйида,
Чила суви бўйида,
Қалмоқ, қирғиз қисилиб
Қилганда ўйин тушида,
Айрилди хус-хушидан.
Қалмоқ турди кўпсиниб,
Қийирин қийди депсиниб,
Қалмоқдан қирғиз хўб чиқди.
Қинғайиш қайда бўшангга,
Қирғиздан қочди кўп миқти.

«Бобонг Нўғай бош бўлиб,
Қалмоққа саваш солди-ку,
Қарсиллашиб қолди-ку.
Қошида турган Чубақ қул
Чуғуллашган қалмоқдан
Олти отин сўқиб олди-ку.
Тўрамижоз қасамхўр
Ўтакаси ёрилиб,
Қўшой оғам тўпига
Ура кетиб қолди-ку.
Елгонми — чин, ким билар?
Чубақнинг ёвқурлигин
Манасинг қайдин билар?!
Нўғайдан нўйгут каммиди!
Бақай, қилмай ғиди-биди,
Ўлтирмасдан тирқилиб,
Беллаша кўр-чи қирқилиб!

Уроқ-машоқ ўйинда,
Тейиш хоннинг тўйинда,
От чопишиб келганда
Қатқалоқнинг Сайқали
(Қаллоб гапни айтмайлик),
Отидан санчиб ўнгариб
Оладиган бўлганда,
Охир замонни бошига
Соладиган бўлганда,
Сўйлоқ тишли қобондай
Чаладиган бўлганда,
Хотиндан найзаланиб,
Бу гапдан иззаланиб,
Қиз боладан йнқилиб,
Оғзига суяк тиқилиб
Қоладиган бўлганда,
Қиёматни бошига
Соладиган бўлганда,
Орланиб кетган мен-ку,
Орага етган мен-ку,
Ёлғонмиди, чинмиди,
Олдирмасдан Сайқалга,
Айриб кетган мен-ку,
Кимга ёлғон, кимга рост,
Ақл ишлатмай бир оз,
Оға Бақай, нетганинг?
Ярашмас таҳқир этганинг!
«Хитойдан келган Алмамбет,
Чинми, эр Бақай, ё миш-миш,
Чалғинга жўнаб кетганмиш?
Чамбилда бўлиб қалъаси,
Ойчак девнинг боласи
Довдиратиб Манасни
Оладиган бўлганда,
Армонда ўлиб орада
Қоладиган бўлганда,
Кўриб турган ўз кўзинг,
Айриб чиққан мен ўзим,
Киши қолса ақл топмай,
Ўласан отмай-чопмай.
Оққула сийлов деб турган
Оға, ҳозир сен ўзинг.
«Яна бир қирғиз уруғи,
Билсанг Қидиршо оти,
Андижоннинг улуғи.

Эпчил полвон дегани
Манасни сўз-ла йиққанда
Ғинг этолмай қолди-ку.
Коптолдан Чубақ чиққанда
Кўриб юрган кўзинг бу,
Кўрмаган-билмаган йўсин,
Тайсаллаган Бақай, ўзинг бу.
Ақл, кенгашни олмай,
«Кўр» деб турган сўзинг бу.

«Аловка хонни олганда,
Қашқарнинг хони Алохун
Ураб уруш солганда,
Олтовин санчиб қалмоқнинг
Олиб келган мен-ку, мен.
Ақл айтиб, йўл бошлаб
Юрган Бақай, сен-ку, сен.
Қўшиндан чиқмай қуршалиб,
Қолганди-ку Манасинг.
Ахир нега хўрлайсан
Қалин қирғиз боласин!
Қоплон Манас инингдан
Қайси ерим кам экан?
Сир билгани Алманг кетиб,
Нега бўйним хам экан?
Қалмоқдан келган жой топмай,
Қозоқдан келган бой топмай,
Тентиган қул сой топмай,
Хитойдан келган каззоб
Қирғизга берса азоб!
Нўйғут ўени Чубақ
Гап-кенгашдан қолгани!
Шунчалик бўладими
Номард дунёнинг ёлғони?!
Хосиятли қарисан,
Тўсма, Бақай, йўлимни,
Тутма очиқ қўлимни!
Қиларимдан айнитиб,
Қайнатмагин шўримни!
Ажалим етса ўлайин,
Кўргулик бўлса кўрайин,
Қўявергин қўлимни!
Йўявергин йўлимни!
Эл оғаси эр Бақай,

Эркачдай¹ саман етаклаб,
Шўрва тўкдинг-ку шўримга!
Майли, кирай гўримга,
Айтганим келсин ўнгидан.
Остимни тўсма, борайин
Алмамбет шумнинг сўнгидан.
Оломон қўйиб жўнайин,
Анжудан қолган қалмоқдан
Ажалим етса, кўнайин!»
Оқболтанинг Чубағи,
Аччиқланган сиёқи,
Номусга дер ўлайин.
«Ҳай-ҳай, болам, тўхта!»— деб,
Бақай турар ичин еб.
Ҳар ким қимирлаб қолар,
Отига қамчи солар.
«Ҳай-ҳай, болам тўхта!»— деб,
Ақлимни ол йўқса!— деб,
Англасанг гапни учи бор,
Олам-жаҳон бетида
Алвон-алвон қуши бор.
Қаноти билан учиб юрар,
Қалқиллаб кўкни қучиб юрар.
Қуйруғи билан қўнмасми,
Икковимиз бўлмасак,
Манасинг Манас бўлмасми!
Тўпни бузиб чиқсамиз,
Бутидан тортиб йиқсамиз,
Фил бўлсак-да сирилдик,
Минг бўлсак-да қирилдик!
Қалмоқдан шохи сингандир.
Қирғизга қуллуқ қилгандир.
Деганга қулоқ осмай,
Отасин қўрқиб қаҳридан,
Озиб-тўзиб келипти
Анжу-манжу шаҳридан.
Қўя тургин бу сўзни,
Қилпанглаган қув сўзни.
Ерга ургин бу сўзни,
Таг-туғи йўқ дув сўзни.

«Қийрингдан нари жилган йўқ,
Қийиқ топма, Чубағим,

¹ А х т а т а к а — поданинг серкаси.

Хитойга хизмат қилган йўқ!
Хизмат қилган ўзинг-ку,
Қирғизни ташвишга қўйган
Телва-тескари сўзинг-ку!
Бошқада йўқ қирқ ботир
Бақрайиб турган кўзинг-ку.
Қўлни бошлаб жўнаган
Болакай сен ўзинг-ку!
Чубақ, чатоқ сўзинг-ку!
Бўлинсанг бўри еб кетар,
«Бўлиниб қолди қирғиз» — деб,
Гап-сўз тарқалиб кетар.
Ерти тушсанг олар ўғри,
Жўяли гапим тўғри.
Қарилик маъниси меники,
Элни бузиб жўнашми —
Қандай юмуш сеники?
Қийиридан озган эр —
Алмамбетни сиртидан
Ким бўлса ҳам қалмоқ дер,
Овулидан тўзган эр —
Алмамбетнинг ортидан
Ҳар ким уни қалмоқ дер.
Жонин қийнаб биз учун,
Хизмат қилди сиз учун.
Қирғизга хизмат қилганга
Қийқириб чолиш нечун?
Хизмат қилди эл учун,
Қиронинг Манас эр учун.
Қўшин бошлаб ортидан
Оломон солиш нечун?!»

Бу сўзни айтиб эр Бақай,
Ақл берди бир талай.
Айтганин уқиб Чубақ
Жиндак босилди ҳар қалай.
Шу гап бўлиб турганда,
Бақай тўлиб турганда,
Айманбўзни дол миниб,
Эр Манас келиб қолибди.
Қаалғадай қашқа тиш
Қаққайиб чиқиб олибди.
Турқини кўриб Чубақнинг
Бир қийқириқ солибди.
«Дайдиб келган қалмоққа

Элим бари тенг бўлмай,
Далада елган қалмоққа
Юртим бағри кенг бўлмай,
Йўлини билган йўл билар,
Қўлини билган қўл билар.
Ўз айбингни билмасдан,
Ўзгани назарга илмасдан,
Не қилганинг, Чубағим,
Чув кўтармай бу кунда,
Билгичлик қилар чоғинг,
Қийин юмуш, ўйлайман,
Бузуқлигинг сўйлайман!»

Арслон Манас сўз билан
Узиб-узиб олгани.
Керилиб турган эр Чубақ
Манасга разм солгани.
«Қирмадим, ботир, ўйингга,
Онти-шартинг бўйинингга!
Сариқ отни даст минингиз,¹
Ёзиқ жонни билингиз!
Тўним берай — кийингиз,
Айтганим чин, билингиз!
Ўполтоғнинг бошинда,
Ўн уч яшар ёшимда,
Олтойнинг Орол кўлида,
Оқ жанғил тошнинг белида
Қўшилишган еримда
Айтишгандаги сўз қани?
Айрилишгандаги бўз қани?
Отлангандаги йўл қани?
Олишгандаги қўл қани?
Қил пўлат дамин ялашдим,
Хизматингни талашдим.
Қийрингдан қайда адашдим?
Оқ пўлат дамин ялашдим,
Номусни бирга талашдим.
Ойкўлим, сенинг дастингдан
Куч етмас ёв-ла олишдим,
Жиққа-жиққа солишдим,
Ориятда қайда қолишдим?
Дедингми ёшлай қўшилдинг,
Инсофданми шу ишинг?

¹ Сариқ отни даст минингиз — оғайниликдан чиқдим, ора очиқ дегани.

Сўрашганда сўзда йўқ,
Кўришганда кўзда йўқ.
Бор қилган яхшилиги
Кўнгилда йўқ, юзда йўқ.
Айқашган бу Чубагинг
Гап-сўзда йўқ, тузда йўқ,
Орқа оёқ бўлиб қолгани,—
Қурсин дунёнинг ёлғони!
Алмамбет сир олгани!

«Қачон кирмадим йўлингга,
Онт ўзингни бўйнингга!
Ўн олти ёшга сен келдинг,
Ўн тўрт ёшга мен келдим.
Ўшандан буён соядай
Судралиб юрдим ёнма-ён,
Тил теккизмай арвоҳга.
Тенгламадинг заррача
Тентиб келган қалмоққа!
Қирғиздан кўрдим кўп фойда,
Хизматим сингди ҳар жойда.
Тенгламасга нима кам
Қийридан озган хитойдан!
Қийин бўлди кўргулик,
Қоришиб ётдим лойда.

«Ойболта, қилч эгишиб,
Алмамбет, Манас энгашиб,
Юмуш қилганда кенгашиб,
Кенгашдан Чубак қолгани,
Тизгинни Алмамбет олгани.
Хизмат қилган қирқ ботир,
Бийлик ўтгач қалмоққа,
Қийин-ку шуйтиб тап-тақир,
Ғинг деёлмай қолгани!
Қуймайманми ишингга,
Зардоб тўлди ичимга.
Чўбир боса оларми
Чўнг бедовнинг изига.
Бедовим, Манас, сен бўлдинг,
Қирчанги чўбир мен бўлдим,
Қуйдириб, Манас, не бўлдинг?»

Бу сўзни айтиб тўлиқиб,
Аза очгандай сўлиқиб,

Украб йиғлар Чубағи.
Зардобини тўксин деб,
Очилмас Манас қовоғи.
Уксиб бўлгач, юз хотири,
Унгига солди ботирни.
«Армонинг бўлса, юра қол,
Чалғин десанг, кўра қол!»
Шуйтиб денг, арслон Манас,
Оқболтанинг Чубағи
Отга босди қамчини,
Йўлда маълум у ёғи.

«Элчилик сўзин айтгум»,— деб,
«Эр Алмамбет, Чубағин
Эллаштириб қайтгум»,— деб,
Кўл бошқарган Алмамбет,
Кўшчи бўлган Сирғаққа
Кўшиб бериб Чубақни,
Йўлдан Манас қайтмоқчи.
Алмамбет билан Чубаққа
Жўяли гап айтмоқчи.
Насиҳат қилиб бир ров,
Йўлига тўрани солибди.
Эргаштириб Чубақ ботирин
Эр Манас жўнаб қолибди.
Бора турсин бу икков,
Қийганлари зар мовут,
Бадана, кировка, совут.

* * *

У ёғин қўя турунлар,
Бу ёғин туя турунлар.
Арслон Алманг, Сирғаққа
Нима бўлди йироқда.
Сиртлон Сирғақ йўлдоши,
Йиқилар ерда қўлдоши,
Айтишганда сирдоши,
Охиратлик қурдоши,
Нолишганда мунгдоши,
Гапингни эгрига бурмовчи,
Жанжаллашган ёвда билинган,
Ажалдан қочиб турмовчи,
Отланиб турган экан,
Жадал юриб кетибди.

Даст мингани ғув этиб.
Бир кунлик ерга етибди.
Оқ қулжа* ётган бели бор,
Қув ўрдак ётган кўли бор.
Арслон Алма, Сирғақда
Ҳангаманинг мўли бор.
Шойинг деган кўл экан,
Кўлдан нари бел экан.
Ошиб тушса у белни,
Қалин қалмоқ эл экан.
Олдиндаги чўнг тоғни
Юрт «Тол Чўққи» дер экан.

Оғзидан сувлуқ олдириб,
Олдига хашак солдириб,
Жониқиб турган Сорола,
Жиловдори эр Сирғақ.
Қўшоғида Қарткуран,
Кўкчебич бир аргумоқ,
Қичаб жўнаб қолгани.
«Белдан ошиб кетар,— деб
Пишиб келган Айманбўз
Уларга қайдан етар,— деб
Ҳайқирмасам бекор»,— деб,
Олтин довулни қарс қўйиб,
Оққалтани тарс қўйиб,
«Алмамбет, тўхтаб тур-чи!— деб,
Манас ботир наъраси
«Элга бир бало бўлди?— деб,
Алмангни ўйга солибди,
Ортига қараб олибди.
Олис экан ораси,
Бир нарсанинг қораси,
Қора деса, қарғадай,
Қарға деса, қарағайдай,
Шарпани илғаб олгани,
Унг кўзга дурбин солгани,
Тарсайиб қараб қолгани.
Олти бор айлантирса,
Ойнаги қизараркан.
Ғилофига солганда,
Ярим газ узаяркан.
Алмамбет чамалаб кўрса
Олти кунлик йўлларни,
Олти қулоч арқондай.

Суғуриб олиб қопидан,
Ушлаб Алманг сопидан,
Унг кўзига солган шу.
Уён Чубақ, эр Манас,
Ушал экан кўринган.
Йўғи топилиб қолган шу.

— Қийратмоққа қалмоқни
Қирғиз йўртиб бўлинди.
Хизматин ҳалол қилсам-да
Хигойлигим билинди.
Юрт чуви чиқди демасми,
Душман деб ўйламасми?
Одамнинг кўп гинаси,
Ишонмаган кишидай
Орқамдан қувиш нимаси!
Бошқа ёқдан ёв чиқиб,
Бошига савдо солганми?
Бошлаб Манас йўдбони,
Оқболтанинг Чубағи
Издан жўнаб қолганми?
Хумор юрти қизишиб,
Қичаб уруш солганми?
Гурпанглашган эр Манаснинг
Қуни қорайиб қолганми?
Тулпоридан айрилиб,
Айманбўз миниб олганми?
Иш тушганин айтмоққа,
Мени олиб қайтмоққа
Қисталанг келиб қолганми?»

Шунисин ўйлаб Алмамбет,
«Энди не бўлдим?»— дебди.
Мунисин ўйлаб Алмамбет,
«Буюрганига кўндим»— дебди.
Еб қўйгудак эр Чубақ
Рўпара келди шу чоқ.
Турқин кўриб Чубақнинг
Элга ғалва солганин,
Чопқин қилиб қалмоққа
Қўлнинг қалқиб қолганин
Энди билди Алмамбет.
Илакишиб юрганин,
Элни бўлиб сурганин

Фаҳм қилди Алмамбет.
Қоқишгани юрганин,
Халқни бўлиб турганин
Пайқаб жилди Алмамбет.
Сиймиқ қуши бошида,
Сиртлон Сирғақ қошида,
Сидирим шамол, сарин ел,
Сиртин елга солибди.
Тушган ери Сари-Бел,
Эсиб турган гармсел.
Бир ўқ отим орқада
Арслон Манас қолибди.
Отнинг феълидан кўриб,
Гуноҳни бўйнига солибди.
Сабил қолган Айманбўз
Ўксиб-ўкиниб қолибди.
Туёқ қоққан Кўкола
Терин қуритиб олибди.
Чаптаст Чубақ бостириб,
Олдин келиб қолибди.
Алмамбет билан Сирғаққа
Салом берган бўлибди,
Эр Сирғақ алик олибди,
Терс ўгрилиб Алмамбет,
Тек ўтириб қолибди.

«Қизиталоқ қув қанғай,
Тил-жағсиз бир нимадай,
Салом берсам, индамай,
Тескари қарар қора,— деб,
Топайин бунга чора!»— деб,
Чубақ шўнғиб ўйига,
Ғайрати тўлиб бўйига,
Алмангга ўгириб орқа,
Биқинин кўрсатиб Сирғаққа,
Тўмсайиб ўтириб олгани.
Ўён Манас ботиринг
Дов-жанжалнинг устидан
Таппа чиқиб қолгани.

Алмамбет, Сирғақ — икки дов,
Отдан тушиб бўш-баёв,
Қўлни қўйиб кўксига,
Эр Манаснинг устига

Салом бериб борибди,
Арслон алик олибди.
Отин бойлаб эр Сирғақ,
Тагига жой солибди.
Белда қилган жойи бор.
Берги ёқдан чиққанда
Қайнатиб қўйган чойи бор.
Мия қайнаб иссиқда,
Берги жойдан қизиқда,
Азза-базза йўл солгандир,
Томоқ қуриб қолгандир.
«Чойни дарров дамла»,— деб,
«Томоғини намла»,— деб,
Сирғақ дарров кўнибди,
Жом косани сунибди.

Арслон Манас икковин
Мижозга хос нақлини
Уқиб туриб нетибди?
Алмабетнинг ақлини
Жаҳли босиб кетибди.
Қаалғадай қашқа тиш,
Халқникидан бошқа тиш
Қаққайиб чиқиб олгани.
Даб-дурустан ботиринг
Бир қийқириқ солгани.
«Икки ботир нетди?— деб,—
Ҳозиргина биз келдик.
Не галва кўпиб кетди?— деб,
Орада не гап ўтди?»— деб,
Тергаб сўраб қолгани.

Оқболтанинг Чубағи
Ундай-мундай сўзи йўқ,
Ерни чизиб турибди.
Дўнгда тўрт ботир қатор,
Ичи қизиб турибди.
Уён Алма мисли нор,
Уша ерга кепти-ку,
«Не бўлдинглар?» депти-ку.
«Ҳой-ҳой, Манас! Ҳўй, Манас!
Анқовсинмай қўй, Манас!
Айтмасанг-да билинди,
Жигар-бағрим тилинди.
Қараб турсам кофир-ай,

Гапимни уқ, ёпир-ай!
Ёзғирган эр шўр экан,
Халқидан озган кўр экан!
Қийишган эр учун хўр экан,
Эллашган эл зўр экан,
Элидан озган дим экан,
Қанча сўкса, эм экан.
Халқидан кетган шўрликка
Улим эп, лозим экан.

«Учакишган қон бўлсин,
Қийналмаган жон ўлсин.
Бошга тушмасайди иш,
Элинг четин ким кўрсин?
Не кўрмадик, миннатнинг
Азобига ким кўнсин?
Эссизни эргаштириб юрасан,
Не турда бўлган тўрасан?
Олтин тахт синсин, хон ўлсин,
Жабрдийдасиз жон ўлсин,
Номуснинг иши бўлмаса,
Овулинг четин ким кўрсин?
Айттириб туриб хўрлаган
Азобига ким кўнсин?
Нега янчмай урасан,
Қандай ақлсиз тўрасан?
Ортиқ хўрлик кўргунча,
Мана шу турган Алмамбет
Охиратга жўнасин!
Жиқиллаштириб хўрласа,
Аламига қандай кўнасан?
Хон қилгин дедим кимингни?
Хонинг икковинг ялакат,
Бошингга солиб фалакат,
Қитмир, ғаламис Чубағим,
Бир қоқайми жинингни?
Улуғ қил дедим кимингни?
Улуғинг икков қўшмағиз,
Бир тана-ю, бир оғиз,
Қақшатайми жинингни?
Қўшинни бузиб юрибсан,
Ёмон ўй тузиб юрибсан,
Энди пайқадим имингни.
Бек қилгин дедим кимингни?
Бел бойлашган эр Чубақ,

Чақирсам чиндан жинимни,
Хитой макри, кинимни,
Ажалим етди деявер,
Кесиб олайми тилингни?!»

«Оқболтанинг Чубағи,
Орланасан ким учун?
Қўшинга хизмат қилдирмай,
Орқамдан чолиш нечун?
Чиранишинг ким учун?
Улусга хизмат қилдирмай,
Эргашиб келган қай кучинг?
Ботирсинган эр Чубақ,
Йирайинми бутингни?
Зардам қайнаб турибди,
Ерайинми ўтингни?
Бир ўлганга тегма деб,
Бир куйганга тегма деб,
Отадан безган қулман,
Синган шохим эгма деб,
Етиғи билан гап айтаман,
Жониқма деб айтаман.
Оға-ини қирқ ботирнинг
Ортиғи сенлаб айтаман.
Сўққа боши лиқиллаб,
Эл тополмай келди деб,
Қора тортиб, инқиллаб,
Тил тополмай келди деб,
Сийлаганинг шуми, Чубақ?
Бийлаганинг шуми, Чубақ?
Қахрланса Алмамбет,
Қонинг сочмасми хуни, Чубақ?
Болта девнинг боласи,
Бастлашувни қўймайсан!
Ҳозир сенга қўл солсам,
Тил тортмасдан ўласан!»

Дебди куйиб димоғи:
Оқболтанинг Чубағи.
«Кеча кенг Талас қўйнида,
Жинғилзор ўзан бўйида,
Қалин арғин, кўп нўғой
Қўниб ётган кезида,
Эрларнинг ўйдагиси
Бўлиб ётган кезида,

Қўш-қўш кийиб сувсар бўрк,
Бош ирғаб турган кезида,
Қўшоқ билиб қирғизни,
Қандини урган кезида,
Ушанда ёзган хат қани?
Уртага қўйган шарт қани?
«Таваккал, йўлдош қилгин», деб,
Мунғайиб, ич-этни еб,
Озмунчами ялиндим?
Писиб ётган душманнинг
Белин букиб турганда,
Қалъасин четин бузиб.
Тутдай тўкиб турганда,
Бошим қуйи солинди.
Феъли қора шум қалмоқ,
Сафар қилганда олис,
Йўлдошинг бўлай холис
Девдим алданиб чалиндим.
Бели қаттиқ қалмоқдан.
Бет олиб йўлинг бошладинг,
Нега мени ўйламай,
Кўчган овулга ташладинг?»

«Отингни бошин бура тур,
Ақли калта қалмоқ қул,
Нарироқда тура тур.
Қалмоқ сенинг белингми?
Лофчи мақтаб ўлтирган
Ғалча сенинг шерингми?
Қизиғар, ўпирайми
Биқиндан бир ерингни?
Туширайми, Алмамбет,
Ичингдаги черингни?
Ун икки туркум боши,
Эровули сенсанми?
Кенгашда йўқ, гапда йўқ,
Пучмоқда қолган менманми?
Алла қайдаги ерингдан
Қилжайрон миниб келгансан.
Қайнаган қалин элингдан
Бузилиб, синиб келгансан!
Бир оғиз айтган сўзимга
Қўнасанми, шум қалмоқ?
Борар йўли беш бўлак.
Мени ҳам шерик қилиб

Жўнайсанми, шум қалмоқ?
Юрмасанг ё йўлимга,
Ҳозир менинг қўлимда
Уласанми, шум қалмоқ!»

Кесилмай туриб уни,
Алмамбет айтар буни:

«Қайнаган қалмоқ қалин эл,
Борсам мени онт урсин!
Қангайнинг йўли беш бўлак,
Елкамнинг чуқури кўрсин!
Чалар йўлим беш тармоқ,
Сийлов, Чубақ, ола қол!
Ҳадеб демасдан «қалмоқ»,
Сир олишга бора қол!
Гапингни айт салмоқлаб,
Жиғга тегма «қалмоқ» лаб,
Кўп койитма жонимни,
Қайнатмагин қонимни!»

Алмангни келди қаҳри,
Бетига тепди заҳри,
Бурнигача қизарди,
Турқи совуқ, бўзарди.
Кўрганда қўрқар киши,
Ғижирлаб озиқ тиши,
Тўрғай кўз бадана тўн
Бўлиниб тўш-тўшидан,
Суяги ажраб гўшидан,
Бурни кетди қўнқайиб,
Кўзи кетди чўнқайиб,
Оғзидан тутун бурқираб,
Кўзидан ўт тирқираб,
Муртлари бир тиккайиб,
Жуволдиздай кўринди,
Алмамбет нари сурилди:
«Бир гап айтай, билиб ол,
Мен ўлганда отимни
Эгари билан миниб ол!»

Эр Алмамбет сўйланиб,
Ирғиб турди хўйланиб.
Ҳаво айниб, турланиб,
Гулдуради сурланиб.

Кўкнинг қати сўкилиб,
Кўзидан ёш тўкилиб.
Осмонда булут бўлиниб,
Алманг аждардай кўриниб,
Осмонга бир қарасанг,
Узоқда довул ўкириб,
Жимирлаб ёгган қор бўлди,
Йилт этган кунга зор бўлди.
Қорайиб булут қор бўлди,
Бир қарашга зор бўлди.
Алмамбет, Чубақ айтишиб,
Айҳайлаган чув бўлди.
Олтин сопли чопқутлар
Жиқ-шалаббо сув бўлди.

Алмамбетнинг амали —
Қадимдан саркаш шамоли
Бир қаҳрига олди-ку.
Кўзи чақнаб қолди-ку,
Булутни ҳайдаб солди-ку,
Куф-суф билан булутнинг
Устига кунни ёйди-ку.
Қибла томон қирқираб,
Қизил бўрон зирқираб,
Кун чиқишдан сирқираб
Гуркураб шамол чирқираб,
Булдуруқ учди тирқираб.
Ағдар-тўнтар қилгандай,
Қизил бетни чилгандай
Алмамбетнинг шамоли,
Ойкўл Манасинг чатоқ.
Пойлаб келган эр Чубақ,
Биқинида эр Сирғақ,
Учов шалпайиб турибди,
Тинка-минкаси қурибди.

Ёғин урди бўйнига,
Булдуруқ кирди қўйнига,
Силагани қош қолмай,
Қашигани бош қолмай,
Кўриш учун кўз қолмай,
Сўриш учун сўз қолмай,
Яланғоч эт қор бўлиб,
Ширин сўзга зор бўлиб,
Кементай ичи қор бўлиб,

Алмамбет, Сирғақ, Чубақ денг,
Қоплон тұра — тұртов тенг,
Турар беқарор бұлиб.

Алмамбет ботир қийса,
Оғзин олови чұқ бұлиб,
Қани ұзини тийса,
Оғир гапга йўқ бұлиб:
Амали кетиб дилдираб,
Ардоқли тұранг қилтираб.
Бетининг музи йилтираб,
Беранинг Чубақ милтираб,
Қоплон тұранг — Манасинг
Тұрда ўтирар қимтиниб,
Келин тушган қиз бұлиб,
Ростми-ёлғон бир чети,
Тұра Манаснинг бети
Тўрт энликча муз бұлиб,
Оғир гап, қора юз бұлиб.

«Отангни ташлаб олисга,
Кўчиб келиб Таласга.
Жўра бўлган Манасга,
Орсиз Чубақ, сен кимсан?
Қалмоқнинг зўри билан,
Эл талашиб бўри билан,
Олишиб юрган мен кимман?
Пайқасанг бўларди Чубақ,
Ангиллаган қизталоқ.
Йиғиштир десам оғзингни,
Кесатиб «қалмоқ!» дея бердинг,
Алжиб қумалоқ ея бердинг,
Ариллаган шер бўлсанг.
Қирон тукқан эр бўлсанг,
Нега юртдан тентиб келдинг?
Сорола миниб елганман.
Хитойхон бўлмай ўлай деб,
Бурутга мирза бўлай деб,
Элимдан тўзиб келганман.
Куюкнинг иши куйдирар!
Мен Қанғайда турганда,
Нағали олтин, қўнжи кенг,
Аловка ўғли Қўнғурбой,
Отажоним Қанғайда
Тўғри ўрнатган қалин том,

Уша эсга тушганда,
Уртанади ҳайрон жон!
Бу ерда дакки едириб,
Унқай «қалмоқ» дедириб,
Эл-юртини куйдириб,
Элимдан нечун келганман?
Таънанг қурсин, қўлингда
Улганим яхши деганман!
Жонинг суғуриб олайми?
Ҳой Чубақ, қалмоқ отим
Қолмаса, тўрт бўлайми?»
Ушандай деб Алмамбет,
Қозиқ бўйин Сорола
Тепки еди биқиндан,
Дудама кўк пўлатни
Суғуриб олиб қиндан,
Қочира кетди Чубақни.
Ер ёрилиб дуркираб,
Ҳайбатланиб гуркираб,
Пойлаб чопди Алманинг.
Кўколасин зирқитиб,
Йўл-йўлакай эр Чубақ
Унг енгин ечиб ирғитиб,
Қалқонни белга олиб,
Оч пўлатни қўлга олиб,
Шиддат-ла кирди бадқовоқ.
Жабдуқлари бир қанча,
Туришар кўтарганча,
Тизгинларни йиғолмай,
Ҳазиллашиб ўсган икки шер,
Бир-бирин кўзи қиёлмай.

Алмамбет, Чубақ — тугалим,
Улиб кетса кимга уволи,
Қўнглидан ўтказиб эр Манас
Тўнғиллаб турган экан,
Босиб бориб устига,
Шанғиллаб турган экан:
«Остимга солсам — оқ йўлим,
Отишга кирса — сонсиз қўлим,
Алмамбет, Чубақ — эгизим,
Текис босган кигизим,
Олмос пора ойболтам,
Ойчалик йўлда чўнг орқам,
Қилич суғуриб қийқириб,

Енашиб туришни қўй!
Икки шер, қовурғани
Санашиб туришни қўй!
Қамчилашма эгиз мард,
Аро йўлда урушни қўй!»

Бу сўзни айтиб кўкёлинг,
Орага тушди арслонинг.
Бир-бирига етар деб,
Бетлашиб қолган икки шер
Қўққис ўлиб кетар деб,
Манас қийқириб тургани,
Ажратгали юргани.
Соролани жиловдан
Унг қўл билан олди-ку.
Кўколани тизгинлаб,
Сўл қўл билан олди-ку,
Арслонзода ботиринг
Орага тушиб қолди-ку.
Икки ёққа айириб,
Орани очиб олди-ку.

Манас тутиб тураркан,
Эр Чубақ дер булқиниб:
«Хап сеними, қанғи қалмоқ!»
Қўлдан чиққудай юлқиниб.
Ушанда Азизхон ўгли —
Алмамбет ҳам қулқиллаб:
«Ҳароми қонин сочайин,
Сўқир кўзин очайин,
Қўйвор, тўрам, бўлди!» — деб,
Унгида турар булқиллаб.
Манасда куч ўсганча,
Тутиб турар тўсганча.

Қолдайни чопар икки шер
Қўққис ўлиб кетар дер,
Ичи тутаб тургандай,
Қувни қушга егизиб,
Бир қориндан тушганмас,
Алмамбет, Чубақ — икковин
Чала туққан дегизиб,
Эси йўқ икки ҳаром
Бўз ола бўлиб чўқишиб,
Бўлмаганин кўрдингми!

Ора йўлда қоқишиб,
Унгмаганин кўрдингми!

Шунда Манас гап айтар:
«Ҳароми икки қайсар,
Жонимни қийиб-қийиб,
Силлам қуритиб турибсан.
Чув чиқариб орадан,
Талас ерингга қайтиб,
Кетайин деб юрибсан!
Йўлдан ёвлашиб ўтай деб,
Биқинни эзиб турибсан.
Йиғилиб келган қўлимни
Чочайин деган экансан.
Қувалашиб қора ер,
Қуриб қолган икки шер,
Қочайин деган экансан?
Қирон бўри қирқ жўра,
Қирқинг қирқ ердан келган,
Қийримга олган мен ҳали.
Отсизни қилиб тўра,
Остига от солган мен ҳали.
Озиб-безиб келганда,
Олқор оёқ, жез билак
Тулпорга даст мингиздим.
Олисни кезиб келганда,
Тўзиб кетган жўрага
Бопта тўнни кийгиздим.
Арғин, нўғой, нўйғутни
Оёғингда кўргуздим!
Орада йўлни талашиб,
Алмамбет, Чубақ, куйгуздинг!

«Кеча кенг Талас ёқаси,
Юлғун дала орқаси,
Сонни кесиб егучийдим,
Ёнимда бўлса Алмамбет.
Рўйи-жаҳоним дегучийдим,
Бўй баробар сир найза,
Бўйинни эгучийдим.
Қолдой ўғли Қўнғурбойга
Отгани — тегучийдим.
Алмамбет, Чубақ дастингдан,
Кечиб бўю бастингдан,
Кенг-Қўлга турдим ер жойлаб,

Қалмоққа келдим шұр қайнаб.
Жоним келди халқумга,
Қалин ётган халқимга
Қайрилиб хабар солмасдан,
Жабр ўтказиб юртимга,
Икковсиз қайтиб бормасдан,
Уша турган Қанғайга
Ўзим якка кетайин.
Ақлсиз икки ҳароми,
Тагига ўзим етайин.
Ажалим чақирса қалмоқ,
Ёлғиз бориб ўлайин.
Ангиллаган икки аҳмоқ,
Ўлишиб кет, кўрайин!»

Унг ёғидан Алманғни
Унгга силтаб юборди,
Сўл ёғидан Чубағни
Сўлга силтаб юборди.
Туйғун Манас кўкёлинг,
Туки чиқиб бетидан.
Тирашиб келган қалмоққа
Ёнашиб бир четидан,
Якка ўзи туйғудек,
Қўнғурнинг қалин қўлини
Бўкиртириб сўйгудек.
Бояги Манас тоқ ўзи,
Саранжомлаб қўйгудек,
Қаҳрин қаттиқ тўлдирди.
Хафа бўлиб буларга,
Қора тошга ўлтирди.
Оқболтанинг Чубағи,
Бўйнига тушиб гуноҳи,
Эсини йиғиб олибди.
Шайтони кетиб феълиннинг,
Юмшоқланиб қолибди.
Оқболтанинг Чубағи
Синиққан бетин бурди-ку.
Улуғ қирон Алмангга
Уятли бўп турди-ку.
Ерга кириб кетгудай,
Гапни ярашга бурди-ку:
«Ботир Алмам, бераним,
Шанғиллаб «қалмоқ» деганним,
Ортидан чопиб келганим,—

Пайқасам буним — хўп уят.
Айғоққа борсанг, йўл мана!
Бойлаб кетсанг, қўл мана!
Ерга киргизсанг, ўр мана!
Қайнатиб кетсанг, шўр мана!
Қонимни тўксанг, ер мана!
Бошимни кессанг, гўр мана!
Алмам, болакай тепишган,
Қайғули кунда ўпишган,
Бирга ўйнаб, сув сепишган,
Бетлашган ёвга ёпишган,
Ўлдирар бўлсанг, қул мана!
Тоғдай гуноҳ бўйнида,
Қасофат Чубақ шул мана!
Ўёним Алмам, кечиргил,
Қора кўзимдан ортиқ,— деб.
Кўкола тугул, оғажон,
Қора бошим тортиқ!»— деб.
Ранг-тусидан айрилиб,
Чилвир хиппа бўғгандай
Бўйни турди қайрилиб,

Отдан тушиб эр Чубақ,
Чок-чокидан сўкилиб.
«Гуноҳимдан кечгин»— деб
Тизи ерга букилиб,
Икки қўли бағрида,
Эр жабдуғи сағрида.
Қўманани бошлаб юкиниб
Қамчини солиб бўйнига,
«Кечир мени!»— деб ўкиниб
Алмамбетга келди-ку.
Ичида қолмай зарра кек,
Алмамбет рози бўлди-ку.
Ўён Алмангдай кўкёл,
Ушанда дебди алҳол:
«Оқболтанинг Чубағи
Ҳалиям жонкаш экан.
Қайга борсанг, сиртлоним,
Қора тортиб бор деган.
Қалмоқни қувиб, бет олиб,
Айғоққа якка кетганим,
Уят бўлти ўйласам
Чубақсиз бу нетганим».
Отдан тушиб туйилиб,

Бетидан тер қўйилиб,
Етагида Сорола.
Қамчини солиб бўйнига,
Чубақни кўзлаб ўқиниб,
«Гуноҳимни кеч!»— деб,
Алмамбет турди юкуниб.
Ўтга тушса куймаган,
Ўлимга қовоқ уймаган,
Эсиз туққан икки эр
Ўлишиб кетарми деб,
Бир-бирин олишиб,
Бўлишиб кетарми деб,
Ҳайбат билан солишиб,
Қора қонга қоришиб,
Бошига етарми деб,
Ботир Манас ёнбошдан
Тик қарамай динқайиб,
Тирсагин тираб қинқайиб,
Кўз қирин солиб қараса,
Осмондаги юлдуздай
Қўшилишиб қолибдир.
Алмамбет, Чубақ — икки шер
Дўст бўлишиб қолибдир.
Оқ сайғоқнинг қилидай
Таралишиб қолибдир.
Оқ бугдойнинг унидай
Аралашиб қолибдир.
Адирдаги булоқдай
Биқирлашиб қолибдир.
От тортишиб икки шер,
Қиқирлашиб қолибдир.
Алмамбет, Чубақ кенгашиб,
Қайфин сурар тенглашиб:
«Қараб турган арслонга
Тил теккизган ўнгмас, ҳа!
Қаҳрланса кишиси
Бири икки бўлмас, ҳа!
Кеча қиядан қирқ қоплон елганда,
Қирқ жўра қирқ ердан бизга келганда,
Таласни бериб ер қилди,
Қийқирган ёвни ўхшатиб,
Қизил қонга бўятиб,
Баримизни эр қилди.
Туш-тушда ётган душманга
Туйғун Манас кўкёлинг

Кучимизни тенг қилди.
Ев-яроғни шайлатиб,
Чопишга чопқир бойлатиб,
Давлатини кенг қилди.
Эр Манасга келдигу
Етилган бўз эр бўлдик,
Эр ўғлига тенг бўлдик.
Садоқни белга бойладик.
Савашга чиққан минг қўлни
Жаҳаннамга жойладик.
Чиккайганни қулатдик,
Тиккайганни сулатдик...»

Айтиб-айтиб Алмамбет,
Рамз билан гапирди.
Бузуқнинг касри ёмон,
Ширин сўзни шопирди.
Чубақни қўйиб бу ёнга,
Манасидай султонга
Бамисли тўн кийдириб,
Чўнг тоғни ҳам ийдириб:
«Арвоҳи буюгим»,— деди,
Ойкўл, суюгим!»— деди.
Буни уққан эр Манас,
Бир-бирига хушнафас,
Қаалгадай қашқа тиш,
Халқникидан бошқа тиш
Қаққайиб чиқиб қолгани.
Қоплон Манас завқланиб,
Бир қийқириқ солгани.

ТОЛ ЧУҚҚИДА

Йўлдош қилиб Сирғақни,
Йўл талашган Чубақни,
Полвонлар отга минишди,
«Чув» лашиб тепинишди.
Қаққайган буюк бел ёққа
Эринмай тўртов энишди.
Кечгачайин йўл юриб,
Тин олмасдан мўл юриб,
Тол чўққига таянса,
Чўққисида қори бор,
Этак ёғи ўнгирда
Туртиб чиққан толи бор.

Усти ясси тош бурчак.
 Тол — Чўққими, бамисли
 Ипорли ёш келинчак.
 Қайнар булоқ суви бор,
 Ут-ўлан парқуви бор,
 Кўз етмаган чек экан,
 Тевараги бек экан.
 Тол — Чўққи дегани бу
 Улиб кетар кўк экан.
 Қора хитой, манжунинг
 Ери, дер, бу, Алмамбет.
 Қора қуртдай қайнаган
 Эли, дер, бу, Алмамбет:
 «Кўринганда кўринган,
 Кўринмаса, кўланка тушиб бўлинган
 Чет-Бежин деган ер ўша,
 Чериги чакалак эл ўша.
 Қора хитой, манжу зич,
 Қайнаган қора сел ўша.
 Ҳар қанча улуғ бўлмасин,
 Халқидан кетса, сабил ўша.
 Кун чиқиш ёғи четида
 Уркачдай турган қора тоғ,
 Олтинқайнар бел ўша,
 Эсенхонга эл ўша.
 Қаршилашиб қолсами,
 Таппа босган сел ўша.
 Хафа бўлса элидан,
 Қайрилиб борар ер ўша.
 Унинг қоқ рўпараси
 Кўз учи етмас ҳойнаҳой,
 Еру кўкин ораси
 Туман чалиб ётган жой —
 Коспон тоғ деган ер ўша.
 Хон Қўнғурбой ғалчанинг
 Йилқиларин қамаган
 Чўқ-Тобилғи яйлови,
 Теграси қарағай ўр ўша.
 Айланиб чиққан йўл ўша.
 Қайнатиб қўйган шўр ўша.
 Қора қалмоқнинг халқи,
 Сочилиб ётган қўр ўша.
 Ҳар қанча улуғ бўлмасин,
 Халқидан кетса, хўр ўша.
 Қиялаб тушган йўл ўша,

Қалқиллаб оққан сел ўша.
Қиррабурун, қизил кўз
Аловка хоннинг Қўнғурбойи —
Дунёни бузган зўр ўша.
Ҳар қанча қимматли бўлмасин,
Уруғидан кетса, хўр ўша.

Кун ботиш ёғин четида
Оқ қулжа ётган бели бор,
Кув ўрдак сузган кўли бор,
Қиримнинг ўғли Мурудил
Қизиталоқ қалмоқнинг
Четки қаровли ери бор.
Шимол тараф ёғида
Қаталнинг қора бели ўша,
Қанғайнинг қалин эли ўша,
Хотиндан чиққан Ўронгу,
Ўронгу хоннинг ери ўша.

Ундан бери ёқдаги
Қумсарининг бели ўша.
Манжиларнинг эли ўша.
Несқоранинг ери ўша.
Ундан яна берироқ
Солондорнинг эли бор.
Борчужоннинг ери бор.
Бери-бери келсангми,
Тирғовут, шибе эли бор
Уроққир билан Бўзкертик,—
Икки хоннинг эли бор.
Қоспон тоғнинг ортида
Қўка Нор деган кўли бор.
Қўка Норни бўйлаган
Чўнг Жўлойнинг эли бор.
Қўка Норнинг нарёғи
Қирқ кунчалик чўли бор.
Вишиллаган илони,
Аждарм бор одамхўр,
Сон-беҳисоб қулони.

Шаму чўлдан ўтганда
Асл хитой эли бор.
Туртишаман деганга
Қутқу солар ери бор.
Туб Бежинда зўри бор.

Қумурсқа хитой элининг
Кулин тўккан қўри бор.
Уламози гап айтган,
Урушганнынг шўри бор.
Бежини маҳкам ер деган,
Баракали бу хитой
Беш юз уруғ эл деган.
Бетлашганнынг бети куйган,
Четлашганнынг чети куйган.
Хоқончини заҳри тоб,
Тур-тур синоқ алпи бор.
Жигга теккан душманнынг
Қонин ичган чапи бор.

Бежиннинг бир эшиги
Кун ботишга очилган,
Қут-барака чочилган.
Туман ётган сузилиб,
Булут ётган чўзилиб,
Хосиятли жой ўша.
Ўнг ёғида ўркач тоғ,
Симу зарга бой ўша.
Давлати хўб зиёда,
Шойиннинг мўли хитойда,
Чўпдай чиққан ердаги
Чойнинг мўли хитойда!
Кен-Тун, Бежин ораси,
Анча-мунча ердан ҳам
Чалинади қораси.
Айтган билан сўз етмас,
Боққан билан кўз етмас.

Бош қалъаси Бакбурчун,
Хоқон шаҳри Чинмочин —
Қалқиллаган чўнг Бежин.
Гурзиси уйдаи-уйдай,
Кучнинг бари ўшанда.
Босқони дўнгдай-дўнгдай,
Қўрнинг бари ўшанда.
Чивини бор тўрвадай,
Беченди деган ўти бор,
Беш сув ичган ғалладай
Ҳайвони еб тўймаган.
Бир еб тўйганда борми,
Ўн кунгача кавшаниб,

Очмас экан меш қорни.
Чарқиллаган чўнг Бежин
Менинг ерим бўлса деб,
Санамайдирган ермикин!
Чувалашиб ётган хитой
Менинг элим бўлса деб,
Танламайдирган элмикин!

Қайнатма қора дориси
Хастанни тинч ухлатар,
Ажални ҳам тўхтатар,
Хоҳлаганнинг хумори бор.
Қирма қизил дори бор,
Қиммат гиёҳнинг бари бор.

Учакишган ёвин жойлаган,
Хунарин ортиқ айлаган
Хитойнинг орти сағирдош,
Хитойнинг юрти бағирдош!
Одамнинг оёғи теккан,
Ҳайвоннинг туёғи теккан
Адир-адир ери бор.
Панасида қулжа бор,
Ғойибдан не ўлжа бор,
Қиясида олқори,
Соясида мороли,
Жондан бўлак бари бор,
Даласида сори бор,
Тўқайида чори бор,
Жон битганнинг бари бор.
Қулон, булон ўйнаган,
Бўри, тулки қўймаган,
Ширин этга тўймаган.
Ола қарға азонлаб,
Қора қарға тўзонлаб,
Туйғун, тунжур болалаб,
Болалагани олалаб,
Аралаш туққан ҳойнаҳой,
Чағ-чағ қилиб ётган жой.

Чивинлари чумчуқдай,
Сичқонлари кучуқдай,
Қўғалари бунчуқдай,
Қамишлари санчиқдай.
Урдак учиб кўл тўлган,

Улгани чириб дўнг бўлган,
Узи чиққан ўрикнинг
Данаги чириб гўнг бўлган.
Малла ғоз учиб кўл тўлган,
Япроқ ётиб дўнг бўлган,
Енғоқ чириб гўнг бўлган,
Қўшоёққа ем бўлган.
Олмаси отнинг бошидай,
Енғоғи сойнинг тошидай,
Дабдабаси шунақа.
Қарқиноғи нақ ғоздай,
Читтаги бобоқ хўроздай,
Хўрози тувалоқдай.
Олақанот деган қуш
Ўқ-ёй солган садоқдай.
Тошбақа деган жонвори
Қазноқдаги товоқдай.
Балтиркан хўкиз белидай.
Жез тумшук юрар ҳилпираб,
Янги тушган келиндай.
Алп қора қуш учганда
Қанотини ғулуси бор
Қора белнинг елидай.
Қора бургут қуши бор,
Белни синдирар тўши бор.
Қаноти ёйма кигиздай,
Тирноғи ўткир бигиздай.
Фил, каркидон йўлиқса,
Тозалаб қўяр суягин.
Унча-мунча жонворни
Кўрдим демас ичаги.

Қора қўйруқ жайрони
Қариб қолган олқордай.
Қумурсқасин қарасанг,
Тўрт яшар тозича бордай.
Чангалдаги буғуси
Қияга ёйган молдай.
Нўхати қўйнинг бошидай.
Олтин, кумуш кони бор
Оқарган сойнинг тошидай.
Бўрисининг улкани
Олтойнинг осий отидай.
Мол-қораси мўл экан,

Қадимги хитой ери
Орол-орол кўл экан.

Кўрган одам ҳайратда,
На боши, на учи бор.
Одамсифат сўйлаган
Алвон турли қуши бор.
Елғиз қанот қушлари
Бирикиб учар жуфт-жуфт.
Айиқ, йўлбарс, қоплон
Шу ерда қўйишган туп.
Жондорларнинг қизиги
Ана шундан топилган.
Шер, арслон деган бор,
Қуйруғи ерга ёпилган.
Ёпилса ерга қуйруғи,
Тўрт оёқли ҳайвондир,
Шуниси экан буйруғи.
Заҳри ерни ўртаган,
Қўндаланг ётган жойидан
Жонзот омон ўтмаган.
Тутган тоши зирқирар,
Аччиғланса ирқирар,
Оғзидан чиққан дамига
Ўрт ёлқини сирқирар.

Сувлоғида нима кўп:
Қамиш, қўға, қайин, тол.
Ер билан битта гиёҳ, чўп,
Қалин-қалин териб ол.
Ҳали хитойга етмадик,
Қанғайни кўзлай бетладик...
Олишгувчи — чўнг Қўнғур
Ҳув тоғда ётар, ўнгмагур!»
Арслонзот Алмамбет,
Енида Сирғақ бўз самбит,
Ўзи кўрган йўл билан,
Чак-чак томган сув билан,
Ҳайбати зўр тов билан,
Қор қоплаган зов билан,
Шитирлаган чўпи йўқ,
Шилдираган суви йўқ,
Устидан кун кетмаган,
Тепасидан айланиб,
Қанотли учиб ўтмаган

Қийир-қийиқ ер билан,
Тепа-тепа қир билан
Қийшаймай йўл солгани.
«Алман, берсин йўлинг!— деб,
Урдадан чиқсин ўйнинг!»— деб,
Арслон Манас, эр Чубақ
Хўшлашиб ва қучишиб,
От белида учишиб,
Изга қайтиб қолгани.

АЙҒОҚДА

Кўнгилга олар кез бўлди,
Кўп ўйланиб без бўлди.
Жангиллаган жар қия,
Аждар юрмас дейди-я.
Тешик тошнинг пастига,
Оқарган дала остига
Жуда яқин борганда,
(Кўрмаганлар армонда)
Ортидаги эр Сирғақ
Теграга зир қараса,
Мергани турар бир ерда
Икки кўзингдан шақ отгани.
Аждари турар бир ерда
Танангни сўриб тортгани.
Яна бир топқир қараса,
Сиртлони турар йиртгани.
Йўлбарси турар шерингни
Ямламасдан ютгани.

Сирғақ, кўзи пишмаган эмасми, жонзотларни кўриб, ичида демасми: «Алманга эргашиб келганим — ажалимдан бурун ўлганим. Чўлпондай ҳайрон кўзимни ўйдиргани шумасми? Аждар билан илонга сўрдиргани шумасми? Домига тортса аждар, томоғидан сўяйин, панжасин урса йўлбарс, супрадай тахлаб қўяйин. Тош қўрғонин, шинагин талқон қилиб ўтай ҳов, Алманнинг қонин сочиб, ҳаялламай қайтиб кетай ҳов!»

Эгар-жабдуқни шайлаб, ёнига пўлат бойлаб, минганини шоштирди, олдинга Сороланинг туёғини бостирди.

Кўрса Алмамбет сиртлон, Сирғағи бир сур илон. «Илғаб қолсами қоровул, қалмоқ босиб кетар,— деб,— Сирғағимнинг бу қилиғи тағ-тағима етар»,— деб Сороланинг сонига ўрма қамчини бир қўйди, зикр халтасин

ечиб, ажабовур сир қўйди¹. Қалмоқчаси тинғиллаб, қанғайчаси минғиллаб тилсимини очтирди, инсу жинсни қочтирди. Аждар деган оқ тоққа, қоплон деган янтоққа, йўлбарс деган дўнғирга, соқчи деган ўнғирга — тумта-рақай ҳаммаси, гумдон ошди чамаси.

Сирғақ денг, бир сарғайиб, ағрайгандан ағрайиб, «Оғажон, чинин айтгин» — деб, не бўлганин сўраб турибди, Алмангни ўраб турибди. «Кўрганларим туш қилдинг, одам қилмас иш қилдинг. Сир-пиринг айтмасанг рост, бир-бирин айтмасанг рост, айтган гапингга кирмайман, Бежинингга бормайман!»

«Жонкашим Сирғақ, уқиб тур,
Керагини чўқиб тур:
Иштонсиз, калта кўйлак
Қийиб юрган кезимда,
Қизил чўғни титкилаб,
Куйиб турган кезимда,
Мундай бўлари ўйда йўқ,
Арслон белим эгилган.
Қанғайни чопиб кетар деб,
Тагига бурут етар деб,
Хитойнинг дангзасига
Манас оти ўйилган.
Тож туморли қалмоқлар
Томоғидан сув ўтмай,
Минғирлашиб қийилган.
Ушанда жин парини
Афсун ўқиб чалдирдим,
Жин парининг шаҳридан
Олтмиш айёр олдирдим.
Ойига пудлаб зар бериб,
Бурутга юрмасин деб,
Хоқонни таламасин,
Манаси кўрмасин деб,
Зикр билан мен Алманг,
Аждар, йўлбарс — не ҳайвон,
Йўл қайтариб солдирдим.
Билиб олиб ҳийласин,
Зикрини доғда қолдирдим.

«Энди сирим очайин,
Ҳасратимни сочайин:
Эсенхон қизи Бурулча

¹ Сир кўрсатиш маъносида.

Сиртлоним келарми деб,
Бошгинам силарми деб.
Бўзлаб юрса — чидайми?!
Бўзлаган ёрга етолмай,
Живирлаган оч чўлда
Бўзариб турсам — чидайми?!
Бу йил Бурулча бўй етиб,
Дурайё куйлак кийгандир,
Қўнгли бузилиб, мендан
Умидини қийгандир?
Бир-биримизга муштоқ,
Кўришармиз дедик-ку.
Келаман деган ваъдам,
Тайиним бор эди-ку.
Қафасда қолган ул қандай?
Қайрилиб қайта етолмай,
Қочиб келган қул қандай?
Уша кундан ўша кун
Қумалоқ билан кун санаб,
Куйиб юрган бул қандай?
Қурсин қуруқ ошиқлик,
Ошиқликда ёлғон-яшиқлик!
Тўғримизда яшаган
Қалмоқ, хитой сон мингта.
Бурулча эсга тушганда
Чивин жон нимта-нимта.
Қанғайдан чиқар эканман,
Туман қалмоқ сўқишиб,
Чиғиллаб қолган эмасми?!
Эсенхон Бурулчаси
Тизгинимга ёпишиб,
Ой бориб, омон кел деб,
Биғиллаб қолган эмасми?!

«Келганлардан гап уқдим,
Икки хон элини йиғиб,
Бурулчани бергин деб,
Аловка ўғли Қўнғурбой
Эсенхон эшигига
Совчи қўйди деб уқдим.
Этаги қийиқ кўйлагин
Қиймай қўйибди Бурулча.
«Тантиққа айт, ташлаган
Тирноққа олмайман» — деб,
Тегмай қуйибди Бурулча».

Оқ қалпоқли Сирғақ десак, ёғ босмаган — қора кесак,
ўзидан ақли чиқиб, қанғайга жаҳли чиқиб: «Оғажон, шу
гапинг чин бўлса, ичимдан кияй, тўнинг бер, Телқизилни
бир миниб, Хоқончин шаҳрини таппа босиб қолайин,
ваҳм тушган Қанғайга чув қиёмат солайин, Эсенхон Бу-
рулчасин қалмоқдан юлиб олайин, орқамга рост минди-
риб, от сағрига солайин», дебди.

Ботир туққан Алмамбетнинг бу гап жонидан ўтди,
безгак тутган кишидай ўрнидан ирғиб кетди.

«Сирғақ, бўлдими?— дебди,
Улгинг келдими?— дебди.
Тўмсайиб турган чўнг қирра
Тунда ошар довонмас.
Чумолидай қанғайга
Таваккал кириш осонмас!
Бел бойлаган бели бор,
Биқиниб ётган ери бор.
Тулкиси ётар белида,
Урдаги ётар кўлида,
Қулжаси ётар қанқайиб
Тузоқ қўйган йўлида.
Қора хитой, манжунинг
Қалашиб ётган мулки бор.
Олти кунлик хабарни
Олтойчалик ерларга
Шамолдай етказиб берувчи
Оловдай қўнғир тулки бор.
Ўн кунлик ердан ҳид олар,
Олти кунлик йўлдаги
Қорага ҳам кўз солар.
Тулкисин таппа боссакми,
Қалмоқнинг йўлин очамиз.
Қўлдан чиқиб кетса гар,
Тумтарақай қочамиз.
Айланайин қароғим,
Аччиғланмай дим юргин,
Билакдаги яроғим!»

«Уркачи қорайиб кўринган
Сабил тоғнинг урчуғи,
Чалов ўсган кенг дала
Чойзор тоғнинг тумшуғи!
Билган жонга ул тумшуқ
Хон Яйлоқнинг бели ўша.

Соқчи қўйган тулкининг
Қочиб кетар ери ўша.
Бир ерки, омоч тиши
Теккан оч биқини йўқ,
Суғурнинг қазган ини йўқ.
Йўлиқиб қолсак тулкига,
Гир айланганига қарама,
Езиқ жонини аяма!
Бўлмагани бўйлама,
Уламан деб ўйлама!
Остингдаги Телқизил
Қорабайир беҳазил.
Қолдирмайди бетилак,
Ғалвир ўпка, жез билак,—
Айғоққа минсанг, толдирмас,
Ичига кирсанг, олдирмас,
Қаттиқ-қуттиқ йўл юрсанг,
Пешоби тўхтаб қолдирмас,
Югурганда жонивор
Қушни узоққа солдирмас.
Бўлак ёққа қайрилма,
Айтган ердан айрилма!
Тулкани кўрсам зувалаб,
Остимга солиб қувалаб,
Наъра тортиб бақирсам,
«Сирғақ, кел!»— деб чақирсам,
Уша дамни дам дегин,
Бир чимдим уйқу кам дегин.
Тутиб олсак тулкини,
Мол-дунёга ботармиз.
Қалин ётган қанғайга
Бедов суриб ётармиз!»

Сиқиб Сирғақнинг қўлин,
Алмамбет лунжин шишитиб,
Қайта-қайта тайинлаб,
Икки қулоғин пишитиб,
Турган ердан жилма, деб,
Бир шайтонлик қилма деб,
Соролани «чув!» қўйди,
Қуф-суф билан сув қўйди.
Қияга дўл ёғдириб,
Қунни тунга оғдириб,
Сассиқ туман тушириб,
Езни қишга ботирди,

Пойлоқдаги қалмоқни
Тарашадай қотирди.
Ботириб дўл, тўзонга,
Тулки ётган ўзанга
Қамади қоровулин,
Қўринмас ясовули.
Нажот йўқ, тура олмай,
Тулки ётди ининда.
Ёғиндан юра олмай,
Тулки қотди ининда,
Олтин кокил, чўқ белбоғ
Сорондуқнинг ёлғизи,
Аланг-жаланглаб ортга,
Епирилиб босган изи,
Қўлида чақмоқ милтиқ,
Бостириб чиқди ботиққа.
Белини ушлаб қаради,
Қўз тушмади ётиққа.
Қоровулга чиқар ерида
Тулкени излаб, тўхталиб,
Орқасин тираб тошга,
Милтиқни турди ўқталиб.

Қув тулки бошин хам қилиб, қовоғини нам қилиб,
«Мавридсиз қандай ёғди,—дер,—пайҳон қилди боғни»,—
дер, «Алмамбетнинг сеҳримасми—кунни ёпиқ, тунни
очиқ, жилпанглаб кетга қайтайин, қоровулдаги қирқ кеч-
чилга бориб буни айтайин?»

Буни ўйлаб қув тулки, жони қолмай бўлиниб, қоро-
вулга келибди озиб-тўзиб, юлиниб. Тумшуғини кўтариб,
тўрт ёқдан ис олибди, қайроқ тошли даланинг титиғи
чиқиб қолибди. Сороласин жудатиб елган экан Алмам-
бет, қурт қайнаган қўл бошлаб келган экан Алмамбет.
Ёйма қиру тик тумшуқ, уч тулпорнинг изи бор, ким бўл-
са-да ҳар қалай сир олгани келган, белгиси бор.

Чақир тошдан бир сакраб, тулки қочгандан қочди,
Алмамбет ботир сочмадан пақиллатиб ўт очди. Уқи
мўлжалга тегмай, бир панжасин учириб кетибди. Жон-
понидан айрилиб, қанотидан қайрилиб, уч оёқлаб югу-
риб кетибди. Ола қия қоптолидан Алмамбет келар бақи-
риб, наъраси тоғни ёриб, «ҳой, Сирғақ!» лаб чақириб.
Етакдаги Қартқуран ирғишлар булут кўчгандай, «чу!»
деб қолди учгандай.

Сирғақ эмасди йироқ, тошиб турган айрондай, учиб
кетган жайрондай Телқизилни бир қўйиб, «хап сени-

ми!»— қош уйиб, тулки изига тушди, сир найзанинг бир учи силкитса тизига тушди. Тулки деганинг шум эмасми, тўзони қум эмасми, одам чидамас чангига, қараб бўлмас рангига. Чангида Сирғақнинг оти, Телқизилнинг қаноти. Кун кўринмас бир тўқай, шохлари чилвир тўқай, қув тулкининг ини, Сирғақнинг қўзиб жини, оёғидан қариган, мадоридан айрилган тулкига найза отар, белидан чўрт узилиб, тулки биқинсиз ётар.

«Айланайин Сирғақ!»— деб,—
Алмамбет чирқираб келар,
Қўзининг ёши кўлча бор,
Ичдан тирқираб келар.
«Айланайин Сирғағим»,
Тулкини сўйдик ҳадаҳа,
Сендай жўмард болага
Шўрлик бошим садақа!»
Отдан тушар куйиниб,
Босган ери ўйилиб,
Чалажон ётган тулкига
Алмамбет келди югуриб.
Нор кесган қора пўлатни
Қиндан шартга суғириб,
Олти бўлиб ташлади,
Қонга бўяб ташлади.
Мевасиз шох, қалин тол,
Уша тош ичинда алҳол
Ётган туядай тери қоп.
Арслон туққан Алмамбет
Эр Сирғақнинг олдига
Олиб келди ҳаллослаб.

Ичин очиб қараса,
Қўнғурбойдай ғалчанинг
Ғамлаб қўйган зар тўни.
Қоровулга келганда
Қийиб оларкан уни.
Ётган туядай тери қоп,
Бир йўлини топдими,
Қўнғурнинг хос тўнини
Алмамбет устга ёпдими,
Шавкатланиб тургандай,
Тўра бўлиб олибди.
Қараб турган эр Сирғақ
Тонг ҳайратда қолибди.

Олтиндан тикилганми,
Қўзларинг қамашади.
Қадалган маржон тоши
Шуълани талашади.
Сирт ёғидан қараса,
Алманг эмас, нақ тетик
Кечилнинг хони Қўнғурбой,
Энлик пўта, кенг этик.
Қўлидаги чилими
Зар қоплама сир найча.
Олдидан чиқиб қараса,
Кападайин зўр ғалча.
Кенг Таласдан чиқарда
Сийлаб берган эмасми,
Хоникей янганг сўзни хўб
Ийлаб берган эмасми:
«Эй, аяш, ошга борсанг ола бор!»
Полвон янгам берди деб,
Эгарингга сола бор!»
Қўли гул Хоникейинг
Бор ҳунарин битталаб
Ишга солган эмасми.
Қўнғурбой Олқорасин
Қулоғига қулоғин,
Туёғига туёғин
Ухшатиб олган эмасми.
Жулининг ич, орт ёғин
Тола билан бойлатган,
Тук чиққандай сирт ёғин
Қора қилга жойлатган.
Омонатни тиккан ҳам,
Хуржунига тикқан ҳам
Чевар хотин Хоникей:
«Ошга борсанг, ола бор!»
Хўрсинмасдан, аяшим,
Қанжиганга сола бор!
Ана шу зар ёпқични
От белига ёпа бор!»

Алмамбет йўлга қасд қилиб,
Узлигини билгизди.
Эгарин олиб, салт қилиб,
Хоникей берган жулини
Соролага кийгизди.
Ёпқич ярашган Сорола

Сариқлиги уриниб,
Қўнғурбой Олқорасин
Тусидай қорамтир кўриниб,
Елини отиб турар,
Туёғи ботиб турар.
Алмамбет минган Сорола
Олқорадай париллар.
Қай бир ерда юлқиниб,
Қора селдай шариллар.
Хўроздай бўйни қўнқайиб,
Енда қиличи қингайиб,
Алмамбет қиялаб жўнаса,
Беткайида хунаса,
Қизил чўқ у қаломоқнинг
Жўраси бўп зинқиллаб,
Тоштумор осган ялпоқнинг
Тўраси бўп инқиллаб,
Эгар белидай тизмани
Чанглаб чиқиб келяпти.
Оқ қулжага рўбарў,
Қўнғурбойдай сур бўлиб,
Ўзгариб, бир тур бўлиб,
Алманг алдаб келяпти.

«Аждар ётар белинда,
Қоровул қўйган еримда
Қув тулки ётар сулайиб.
Полвоним ётар олайиб
Чет-четида, йўлинда,
Ўрдагим ётар кўлинда.
Отангни гўри, оқ қулжа,
Қора сувда кема йўқ,
Ҳайрон бошим борида
Ев қайтарар нима йўқ!
Тўғри сувга бўлим йўқ,
Туйғун бошим борида
Туравергин, оқ қулжа,
Тўғрига ҳеч ўлим йўқ.
Қараб кўр-чи, қув қулжа,
Йўл тинчми, қоровулчим,
Эсда борми фармоним.
Олқорга сени қўшмасам,
Ичда қолар армоним.
Тўдадан олти олқорни
Синчков танлаб оламан,

Уз пуштингдан кўпайгур,
Сени қўчқорга соламан.
Мингга етсин уруғинг,
Жуфтингга қўшиб қоламан!»

Бу гап ёқиб, қув қулжа,
Тошдан сакрар лип этиб,
Кўнғурбойим экан деб,
Алмамбетинг олдига
Етиб келди шип этип.
Алманг амали билан,
Амалин шамоли билан
Қулжани бойлаб турди.
Қора қалпоқ қирғоғи,
Хон Манаснинг Сирғағи,
Қўлида чўрт калтаси
Укчадан пойлаб урди.
Қулжани таппа қулатди,
Балойи азим экан,
Отган ерга сулайтди,
Қув қулжани сўйдилар,
Этига икков тўйдилар.

АЛМАМБЕТНИНГ ТУҒИЛГАН ЕРИ

Сирғаққа Алманг гап айтар,
Гап айтса ҳам зап айтар:
«Хумордан чиқдим, армон йўқ.
Тўполон тушган Қанғайни
Энди тўсар дармон йўқ.
Туғилиб ўсган эл ўша,
Олти яшар, болакай
Қўйлакни ечиб чувалаб,
Капалакни қувалаб,
Бўй чўзилган ер ўша».

(Туғилган ерни кўрганда
Кўнгли бўлиниб кетди.
Ун ирмоқ кўлдай ёши,
Ичи юлиниб кетди.
Қиндигини шарт кесиб,
Бўйига еткизган ер,
Қирини кеткизган ер,
Иссиқ кўриниб кетди).

«Бериги кўк дала
Бўртик буюк тоғ —
Отажоним ерлари,
Машхур «Хон-Яйлоқ».
Анови ётган Қанғайдан
Минг полвонни топтириб,
Тулпор бойлар ерига
Кумуш арқон торттириб,
Ҳўкизга қозон орттириб,
Қирқ қулоқли қозонга
Ёғоч чўмич ботириб,
«Ман-ман» деган қалмоқни
Чиққан жойида қотириб,
Тўсиб турган мен эдим,
Усиб турган мен эдим.
Кўкда куним йилт эмас,
Юртимдан эсса шамол,
Ховончадай бошимни
Торс ёргудек минг хаёл.
Анови ётган қора қир —
Чой экилган жой ўша,
Қарқира бўлган чой ўша.
Мен юз ўгирган манжу,
Қайнаган хитой ўша.
Анув олача довон —
Қизил олтинга бой ўша.
Анув оқ қум, малла жар,
Алманим кўнгил очсин деб,
Ун икки кунда бир чиқиб,
Кўк қумини сочсин деб,
Отам толган кўкракдор,
Баҳаво сўлимтой ўша.
Уйласам ичим чўғ бўлар,
Айтмасам кўнгил йўқ бўлар,
Сенга ёрмасам, Сирғақ,
Дардимни кимга ёраман!
Меҳнатим сингган азиз ер,
Эсласам, пора-пораман.
«Олдимизда ойнакдай
Милтираб ётган Оқ дала,
Тевараги қоқ дала,
Қанғайга донғи кетган —
Алмабетнинг даласи.
Айта берсам бир-бирин,
Бўлинар хаёл галаси.

Оқ даламни айтайми,
Таърифига қайтайми:
Кўк ғунонни мастона
Миниб юрган ерим у.
Иўсин билиб, эс-хушли,
Тиниб турган ерим у.
Қўнғурбой қайсар билан
Беллашиб кўрган ерим у.
Ҳов теграси кўринган
Отажонимнинг эшиги,
Шўрлик Алма чиноқнинг
Ризқи узилган тешиги.
Уша эшик ортида
Айланаси чинор бор,
Кўз учи етмас минор бор.
Тагида қат-қат гилам,
Тилла нақшли пат гилам.
Қирқ йил сувга пишса ҳам
Зинҳор қили ўнгмаган,
Чанг, тўзону тупроқда
Рангги жиндак тўнмаган.
Зар гилам, офир гилам,
Тилла нақшли пат гилам.
Асл ипакдан тўқилган.
Чатма ёзуви ҳар кун
Эринмасдан ўқилган.
Тўтиқушнинг қуйруғин
Ҳар бурчига ўйдирган.
Тўқсон турли товланиб,
Кўрганларни куйдирган.»

«Қийналиб кетди жоним,
Мол-дунё, хону моним
Қилча кўринмай сочдим,
Қийшаймасдан зир қочдим.
Ҳов сафбаста сариқ тол —
Алмамбет суққан чўп ўша.
Қорайиб турган анов том
Отажоним қозик қоққан жой,
Охурда еми кўп ўша.
Кувраб қолган қаққайиб
Ўртадаги чўнг чинор,
Азиз энам Олтиной
Мени туққан туп ўша.
Мен туғилган чинорнинг

Илдизи чириб буткул,
Қовжирабди танаси.
Учида хазон япроқ,
Тап-тақир айланаси.
Шўрлик энам деганди:
«Пуштим бўлса омода,
Сени берса мабодо,
Чиноримнинг тагидан
Новда ўсиб-чиқар» — деб,
Насл ғамини еганди.
Энакам айтгани, Сирғақ,
Охири рост келибди.
Тагдан чиққан новдаси
Чинорга чалиш бўлибди.
Бузилиб кетар қалъа бор,
Кетимда қолар бола бор!
Бўз ўрдам қулаб қолибди.
Йиғган беҳад дунёмни
Мен Қанғайдан кетганда
Қалмоқ талаб олибди!
Ёнғоғим ярим бўлибди,
Чинорим сувдан қолибди.
Бўзаринқираб кўринган
Ошлиқ ерим — кенг ўша.
Бошқатдан босган суви йўқ,
Қурпулдоқнинг сувидан
Тармоқ олган мен ўша!
Ушал тармоқ тубини
Қирқ газ қилиб ўйдирдим,
Далага сув қўйдирдим,
Мен турган ушбу Қанғайда
Алмамбет эрка мудом.
Чўлпондай кўзим ярқираб,
Алла боламлаб, қарқираб,
Энам боққан серка мудом.

Дўмбиллаб юрган фаслим,
Эрмак қилган ҳолим бор,
Чиқса ҳам, чиқмаса ҳам
Экиб қўйган толим бор.
Қалин бўлиб ўсувди,
Сояси булутни тўсувди.
Манжу, хитой толимни
Ўзи ўсиб чиққан, деб,

Хосиятли, қадамжой,
Тагига сир йиғган, деб,
Мозор қилиб юкуниб,
Тавоф айлаб ўкиниб,
Ихлос қўйганди толга.
Зиёратгоҳда Сирғақ,
Қирди-чиқди ёшликдан,
Одам аримас ошликдан,
Ботиб кетгандим молга.
Қишиликка қонган ер,
Қиндик қоним томган ер,
Ҳар ишга бўйин сунган ер,
Унмагани унган ер.
Якка-ёлғиз мен эмас,
Етти пуштим тўнган ер!
Кечаги ўтган замонда,
(Ёлғизлик қурсин, ёмон-да!)
Қолдойлар билан олишиб,
Жиққа-жиққа солишиб,
Бошга бало сочганда,
Сизларни кўзлаб қочганда,
Қалмоқ сонсиз, мен ёлғиз,
Яккалаб тўш очганда,
Олдиндаги бўз дўнгдан
Кечиллардан чўнг ғалча
Қўнғурбой қувиб етди-ку, Сирғақ.
Найза билан бир муштлаб,
Оғзимдаги сир қанжа
Оғзимдан ирғиб кетди-ку, Сирғақ!
Унгу терсига қарамай,
От солиб кета бердим.
Аломатим қолди деб,
Омонатим қолди деб,
Дод солиб кета бердим.
Насиб қилса, Қанғайга
Бир кун от чопарман деб,
Қанжамни топарман деб.
Замоним кетиб мунг бўлган,
Тупроғин сочиб кўр, Сирғақ!
Ёлғон десанг гапимни,
Муштлаган ерин очиб кўр, Сирғақ!►

Найзасин узун суниб,
Кун ботарда кўз тўниб,
Муштлаб қолди Алмамбет.

Гүе йўқотган нарсасин
Ушлаб қолди Алмамбет.
Чанг тўзитиб зўр дўнгдан,
Алмамбет ошиб турганда,
«Оч!» деб шошиб турганда,
Бўз Сирғақ ўйлар бундай:
«Кундуз эмас, тун бўлса,
Алмамбет кетган йили
Орада узун бўлса,
«Қўнғурбой етиб олди,— деб,
Олтин қанжигам қолди» — деб,
Елгон айтгани нимаси!
Мени алдар чамаси!»

Отдан тушдию Сирғақ
Тепани бузиб кетди.
Найза учида тупроқ,
Ойболта қизиб кетди.
Тупроғини чочқилаб,
Уч-учидан очқилаб,
Разм солиб қараса,
Бояги айтган қанжаси
Ётган экан топ шунда.
Суғуриб олиб қараса,
Ёқути нақ учқунда.
Қанжиганинг найчасин
Ёқути ҳайрон қолдирган,
Пора-пора гавҳарни
Кўз-кўз қилиб солдирган
Эскиргандай тури бор,
Сўрадиган ерида
Занг босгандай кири бор.

Қанғайнинг бир чети деб,
Элин айтди Сирғаққа.
Туққан жойим бети деб,
Ерин айтди Сирғаққа.
Алмамбет дер: «Қолган ерда
Қай муродга етамиз.
Туман қоплаб бурчланган,
Қирралари учланган
Хув анови шаҳарда
Эсенхон қизи Бурулча
Соғниб ётган ер ўша.
Кўз ёшлари булутдай

Еғилиб ётган ер ўша.
Ўрни келганда, Сирғақ,
Бир кун васлига етамиз!
Йўлида қалин ёв ётар,
Қасди ажал, нетамиз?!

Куюк босиб, мунгланиб,
Алмамбет зор ўнгланиб,
Соролани бир қўйса,
Хафақон, қовоқ уйса,
Қилпилламас қоқ дала,
Ховончадай тоғи йўқ,
Тасмадай сойлоғи йўқ.
Омоч тирнаган ери,
Тиши ботган қини йўқ.
Қўшоёқ, суғур, сичқоннинг
Ковлаб қўйган ини йўқ.
Далага кириб келганда,
Қозиқ бўйин Сорола
Қанотлидай безиллаб,
Қийқиллатди Алмамбет,
Учган қушдай изиллаб,
Чийқиллатди Алмамбет.
Қарткуруани етакда,
Елганига ел етмай,
Ўзганига ўқ етмай,
Ортидан келар ариллаб,
Арслон Сирғақ париллаб.
Тўхтаётмай Сирғағи
Қайнаб ўтиб боради,
Алмангнинг айтганини
Чайнаб ютиб боради:
«Хов кўрдингми — Курпулдоқ,
Қаршимизда занг дарё.
Қарчиғай учиб ўтмаса,
Кечув учун танг дарё,
Оти билан Курпулдоқ,
Шиддатли, тажанг дарё.
Тепа-тепа тўлқинни
Қифтидан ошириб отар.
Тагида тош думалаб,
Тоғдай жангиллаб ётар.
Белида темир кўприк,
Ёлғиз отнинг йўли бор.
Танобини тортмаса,

Алмамбетнинг шўри бор.
Энди сирим айтайин:
Қалмоқ билан қармашиб,
Бу дарёдан ўтган ер,
Шўрлик Алма йўлдошинг
Халқидан безиб кетган ер.
Сорола кечкан ердан
Бошқа ёққа қайрилмай,
Сувнинг бундай йўли бор.
Хуржунимда, Сирғағим,
Менинг отам Азизхон
Сайлга княдиган
Ярим хоннинг тўни бор.
Тўнни кийиб оламан.
Қорайиб турган қалмоққа
Қараб тургин, аҳмоққа
Бир ҳангама соламан!»

Қанжиғада оқ хуржун —
Қоплонга чоқ хуржун.
Оғзин очиб қараса,
Ярқиллаган тилла тўн,
Йўл-йўриғин Қанғайдан
Қия кетган эмасми!
Қайтиб қичаб келаман деб,
Босиб ҳайрон қиламан деб,
Аввалдан ўйлаб шуни,
Қия кетган эмасми!

Шуйтиб денг, Алмамбет, отасининг хон тўнин кийиб олди керилиб, кўзи қамашган Сирғақ омон бўлсин кўк-ёл деб, томоша қилар берилиб. «Хитойнинг чўнги экан, элининг ўнги экан. Бекиниб ётган бели экан, ўйлаб кўрсам, Алмамбет, қилт этмас дили экан. Қелгандан «қалмоқ»лайвериш худой урган гап экан, қовоғини очмаган Алманг меҳрталаб экан. Кўкёлингда кўз бўлса, бир оғиз ширин сўз бўлса, шон-шавкатли Манасга ўқ тутмас совут экан, бизнинг элда Алмамбет бекорга нобуд экан!»

Шуни ўйлаб тураркан,
Ичда сўйлаб тураркан,
Паст кетмасдан Алмакент
Улуғлигин билгизди.
Ёндаги шумбул тўнни

Эр Сирғаққа кийгизди.
Белин эзиб Сирғақни,
Йигирма ёш чиноқни
Бир ясатиб суйди-ку.
Ярим хонга эргашган
Йигит қилиб қўйди-ку.

Кўпикланиб Қурпулдоқ,
Дарёга кирар қарқираб.
Тушган жойдан чўнг дарё
Терликка чиқди шарқираб.
Тулпормасми Сорола,
Қашқа тиши ярқираб,
Урдакдай сузиб дарёни,
Кетиб борар буркираб.
Ортидан тушди эр Сирғақ,
Қарткуранни қўшоқлаб,
Силай-силаи, қучоқлаб.
Остидаги уч тулпор,
Юк кўтарган бели йўқ.
Ҳайвондан эсли жонивор,
Туксиз, суйри Сорола
Билқ этганда билқ этар,
Қилқ этганда қилқ этар.
Эрлатгани эр Сирғақ,
Ақли етук Алмамбет
Омон кечиб ўтди-ку.
Қурпулдоқдан ўтган сўнг,
Нарёғида чанглаган
Бўз қияга етди-ку.
Қарши ёқда акс-садо,
Елғиз от йўли экан.
Қайнаб ётган қалин юрт,
Жўлойи зўри экан,
Ҳалқа-ҳалқа бўлинган
Несқоранинг қўли экан.
Уша ерга борганда
Қалмоқ қочди тирқираб,
Ўнбоши билан мингбоши
Қалмоқнинг ярим хони деб,
Алмамбетни кўрганда
Таъзим қилди чурқираб.
Тўзган қалмоқ чуғиллар,
«Қанғайдан бир хон келди» — деб,
Оғзида нафас бўғилар.

Алмамбет шу чоқ тўмсайиб,
Тарсиллатиб, шумшайиб,
Довулбошни қарс урди.
Қора хитой, манжунинг
Полвоиларин чақириб,
Хукмин ўтказиб турди:
«Пойлоқдаги соқ тулки
Менга айтгани шулки,
Совуқ-Яйлов белидан,
Ёлғиз кўзнинг элидан,
Қазилиб ётган ўридан,
Зикрчининг йўлидан
Сон-саноқсиз олтин мулк
Сочиб келаётганмиш.
Кўринган бирни бузиб,
Босиб келаётганмиш.
Соқ тулкидан эшитсам,
Бурут деган заб чиққан.
Нақ бурутнинг ичидан
Манас деган алп чиққан.
Уша Манас деганда
Жонингни талаб чиққан.
Келбати зўр, таниқлик,
Дангзамизда ёзиқлик.
Манаснинг тагин сўрасанг,
Қоврилган буғдой юзли дер,
Туман босган кўзли дер,
Чивинча кўрмас эмиш.
Уша Манас келганда
Шу ётган қалмоқ ичида
Тириги турмас эмиш!
Хой йўлтўсар полвоилар,
Ётасанми, ҳушинг йўқ,
Дунё беҳабар бўлиб,
Манас билан ишинг йўқ.
Совуқ-Яйлов ошиб келса,
Қиёмат бўлади-ку,
Чиққан хон ўлади-ку,
Паймонанг тўлади-ку!
Улар дейишим важи
Ўзакдан чиққан ўт ёмон.
Ичингдан чиққан бало,
Алмамбет қанқи ит ёмон.
У бурутнинг тарафи,
Ўртаб кетган дард ёмон,

Барин оқизмай-томизмай,
Хоқончинга тўкиб соламан.
Қанғайнинг элин қидириб,
Полвонингни йигиб оламан!»

Ярим хондан гап уқиб,
Ялли хитой жон суқиб,
Қилпилламай турдимиз?!
Тупроқ учиб, чанг тўзиб,
Қалин подани бузиб,
Несқора, Жўлой бошлиқ
Тўсиб ётган кўп хитой
Роса жуфтақ урдими!
Хачирдан саман минишиб,
Кўк темирни кийишиб,
Бўз олали туғ бўлиб,
«Бай-бай»лаб, қий-чув бўлиб
Қанғайнинг барин қайнатиб.
Қалин хитой ортидан
Несқорага ҳайдатиб,
Алмамбет турар айқириб,
Найзасини қайириб.
Борса келмас Совуқ Яйлов
Йўлин тайин этди ҳов.
Билқиллаган қалин қўл
Совуқ Яйловга кетди ҳов.
Хийла билан Алмамбет
Муродига етди ҳов.

СИР ОЛИШ

Ботирлар келаётир, жониқиб елаётир иланг-биланг сув ёқалаб, ит йўламас йўл билан, Қир-Қайин деган яйлов, адир усти, тўр билан. Қир-Қайинга етишса, бир ниманинг қораси, қумурсқага ўхшамас, ичида сариқ-оласи. Бундоқ назар солишса, йилқиси туркум-туркум, бири-биридан дуркун. Адир ёққа қарашса, бир туркуми бошқача, сариқ-чипор олачиқ. Тўғри ёққа қарашса, йилқининг бир бўлаги чуғурчуқдай қорачиқ. Бурилишиб қарашса, қучоқ қўйруқ, ботмон ёл, бари тўриқ, сур йилқи, тутиб миниб кўр йилқи, туёғида йўқ тақаси, оёғида жангиллар ҳалқаси. Паст тарафни қарашса, ой теккандай ярқирар кўку оласин сағри. Яна бир тўпи қизиқ, бари бирдай текис саман, манглайида туморча, қалқиллаган кўп

Йилқи, бари бирдай қулонча. Сон мингта йилқи эди, турланиб билқи эди.

Бу Қир-Қайин деган ер Қўнғурбой ётган жой экан, ер-кўкка сиғмас йилқиси, оғзи ғарчча мой экан.

Қоспан деган дарёсин тимқорадай суви бор, кечиб бўлмас — чақир тош, олисда шов-шуви бор. Арғумоқ солсанг — ўйнамас, найза солсанг — бўйламас, тўпичоқ солсанг — диринг этмас, тўққиз найза солсанг ҳам — тагига учи етмас. Ёлғиз қўш кечуви бор, сувини ичуви бор, номлари ҳам ғалати: Шита-Кечув, Тош-Кечув, Алмамбет билган ўша, саёзгина, мос кечув.

Ботирлар кечиб олибди, узоққа кўз солибди, йилқичи Қорагул олдайдан чиқиб қолибди.

Савлати зўр, миқти куч
Алмамбетни кўрибди.
Жойин сўраб томоқ қирибди:
«Юраги тошдан қаттиқ,
Билаги толдан йўғон,
Фил мучали баҳодир,
Арслон тарзли ўғлон,
Ҳозир келган сен кимсан?
Олмос қилич бойлаган,
Отишган ёвни жойлаган,
Осмондаги булутдай,
Орқа-ўнги айланган,
Тулпор минган сен кимсан?
Юлқишганин олгандай,
Юрт бийлаган қоплондай,
Беллашгани ўнгламас,
Илиги тўқ полвондай,
Қараб турган сен кимсан?
Ёлни оч арслондай
Тараб турган сен кимсан?
Қорагулни тутишга
Яраб турган сен кимсан?»

Қорагул шуни айтиб
От бошини қунқайтиб,
Узин чолга солгани.
Кетар ёққа бетланиб,
Кетмоқчилаб қолгани.
Қирон Алманг шигиллаб,
Хитойча сўйлаб, жиғиллаб,
Қорасига боргани:

«Шаҳрим менинг Чинмочин,
Қанғурларнинг илдизи,
Бакбурчунга подишо
Бир отанинг ёлғизи.
Бурут қайда, эл қайда,
Мундай оғир бир жойда!
Овлаққа келар эр қайда?!
Билсанг, айт-чи, эл қайда?
Туншага кирар шер қайда?
Ётсирашдан не фойда?
Оға, гапим тизиб тур,
Суюнчини чўзиб тур!
Танангга ўйла сўзимни,
Шукр, кўрдим кўзингни!
Бурут уруғи — улуғ юрт,
Қайнаган бир қора қурт.
Манас деган чиқибди.
Бакбурчун билан Хоқонни
Олқаб бизни сиқибди.
Тўралиги кетган Алмамбет
Тентиб-ментиб қозоқда,
Типирлаб қил тузоқда,
Манасга бориб турибди.
Тайинин айтиб бу элнинг,
Танобин тортиб бу элнинг,
Биламан деб йўлларин,
Бурутнинг йиғиб қўлларин,
Бу ёққа қўшин сурибди.
Алманнинг пастлиги аниқ,
Бизга қасдлиги аниқ.
Жимиллаган қибладан
Қизил бўрон, ел келар.
Қийқирса, тилин билмаймиз,
Ғижиллаган эл келар».

Алмамбет айёرنинг ўзимасми, узиб-узиб олган сўзимасми, зардаси қайнаб Қорагул, Тўрайғирин кишнатди, бир терак нари ирғиб, қизиқ хунар ишлатди. Сирғақни еб қўйгудай, бир нарса деб қўйгудай. Алмангга айтиб турибди, йўлидан қайтиб турибди:

«Сал бўлмаса қалмоқ деб, лаққа тушар эканман, калламни муштар эканман. Ёнингдаги йўлдошинг қийшиқ кўринди кўзимга, отин бўйни бир қулоч ипак ёли тўзиган, узун соқол, тақма соч, келиштириб минган от, кенг сағридан билинар; қорабайир, асил зот. Эгардаги эгаси

йўртадиган қобонми, қозиқ қилиб қоққанда мушти қаттиқ, ёмонми, тошни чопса кескидай, пўлат сири бор экан, дами ўткир, тиғи паррон бир шамшири бор экан. Олишганни қақшатган, сочилган қумга ўхшатган полвон сиёқлигинг ким, қўлли-оёқлигинг ким? Тарсиллаб турганинг ким, индамай урганинг ким?»

Алмамбет ҳозиржавоб, гапни уқиб ол, дейди, тагини суриштирсанг, мандан била қол, дейди. «Зўр одамнинг боласи, Хоқондан келган айланиб, бел олишга шайланиб. Ботирлиги бир турли, полвонлиги арзирли. Иши ўнгмас бу қолдой, икки қулоғи том битган, қичқирсанг ҳам сесканмас, қачон гапни эшитган. Тили гапга қовушмас, оғзидан чиққан товушмас».

Шуни айтиб, ичида қиёмат соламан деб, бетлашсайди, бўйнини суғуриб оламан деб, Алмамбет яқинлашар. Алмангнинг нақ ўзи деб, ҳидини олган каби, Қорагул узоқлашар. Зинғиллаб кета туриб, минғиллаб кета туриб, ич-этини еб сўрар, Алмамбетдан ҳадеб сўрар:

«Етакдаги қўнғиринг
Қандай йилқи, қочмаган,
Айҳай солса, шошмаган,
Туман-туман йилқининг
Остига тушса, бошлаган,
Ой қоронғи тун бўлса,
Тўғри йўлдан озмаган,
Бир босган изин адашиб,
Яна қайтиб босмаган,
Энса-менсанг қотирмас,
Тулпор зотли қувдан деб,
Қулоғи дик, ёптирмас,
Ер ёрилган чувдан деб,
Қоптолин сувга ботирмас,
Айқин-чайқин сувдан деб,
Тошга босса, кийикдай,
Тепага чиқса, буюкдай,
Ҳар ҳунари бор экан,
Шавкатли жонвор экан.
Боши Хоқон, Бакбурчун,
Қўрганман бурчин-бурчин.
Қоспан қалъа Чинмочин
Қоралаган юртим бу.
Киреш, Кентун, Туншани
Оралаган юртим бу.
Отоғи Қанғай — қалин юрт,

Англамаган ҳолим йўқ.
Ҳайвон бўлган ерида
Пайқамаган молим йўқ.
Бекор қуйруқ, ёл эмас,
Бежиндан чиққан мол эмас.
Ёл, қуйруғи тўкилган,
Туёқ теккан ерлари
Тўш-тўшидан сўкилган
Чув чиққанда куч олиб,
Тулпорнинг бели букилган
Бизнинг элнинг молимас,
Бир турли, уволимас,
Етакдаги қўша от
Қайси насл, қайси зот,
Қайдан чиққан яхши мол,
Зориқтирмай айта қол!»

Алмамбет дер: «Бурутдан чопишда тушган от асли,
бизга Хоқондан теккан аъло мукофот асли. Рост от экан-
ми дединг, гапинг тўғри, синчисан. Белига даст минди-
му шошилдим суюнчига, қўлимиз баланд келди деб, шав-
кат кучди элни деб, қўшинга айтай дедим, изимга қай-
тай дедим».

Шуни гапириб Алмамбет, гижинглаган сўқимни
етаклаб кетаман, деди, йилқингга қўшиб қўяй, қайтаё-
тиб, йўл усти, олиб кетаман, деди.

Айтиб туриб Алмамбет отдан юганни олди, йилқига
ҳайдаб солди. Илож қанча, Қорагул латтадай бўшашиб
қолди. Қарқираган Қарткура, йилқига киргандай бў-
рон, аралашди молига, чуввос солди ҳолига.

«Пайт деган пайтмасмиди,
Боярсқ айтмасмидинг,
Бурутни чопиб олдик деб,
Хийли қирон солдик деб!
Суюнчилаб гап айтсанг,
Ола қол, бирдай сара от.
Сен учун тайёр уярда
Саксон қилдай қора от».
Бир бало бу Қорагул
Чап бермаса эди,— деб,
Чилвирига қўл етса,
Қутирмаса эди,— деб,
Алмамбет борар яқинлаб,
Айтиб сўзин қанқиллаб.

«Чух!» десами, Тўрайғир
 Учиб кетадигандай.
 Олти қарич хуржуни
 Ерга етадигандай.
 Ирғишласа, жонивор
 Отиб юбормасин деб,
 Ажалимдан беш кун бурун
 Бошимни ёрмасин деб,
 Қув Қорагул хуржунга
 Қум тўлдириб олибди
 Алмамбет қутургурнинг
 Ишига ҳайрон қолибди.

Қалмоқнинг ўнгу орти, Алмамбет наъра тортиб, оқ довулбошни қарс қўйиб, олмабошни тарс қўйиб, йилқига «ай-ҳай!» солар. Милтиқни варанглатиб, Сирғақ ҳам етиб қолар.

Ғижиллаган қалмоқни қувиб урар Алмамбет, бетлашганин жонини суғуриб турар Алмамбет. Қорама-қора Сирғаги қилич билан чопади, яйловни тўзон ёпади.

Қарткуранны кўрсангиз, йилқини олдига солиб, Шита-Кечув, Тош-Кечувдан омон ўтказиб олиб, кишнаб-кишнаб кетяпти. Пойлоқ яқин, Қорагул дупур-дупур етяпти.

Қўнғур билан ораси қирқ қулочча қолганда Тўрайғир мункиб кетди бўта кўзи ярқ этиб, эгар-жабдуғи шарқ этиб. Узангидан оёғи чиқиб кетган Қорагул эгарда бути тойиб топ этиб тушай деди, лоп этиб тушай деди.

Не синоат, Қорагул ён-верига қараса, пойлоқдаги жайсанлар сулайиб ётар эди, олайиб ётар эди. «Қайнаб ётган бурутдан ҳозир ким келарди»,— деб, «ёв босди деган бекор, миш-мишни ким эларди»,— деб, отин савар Қорагул, саркарда Қўнғ тўрага, ҳаммасидан чўнғ тўрага берай, дер хабар, Қорагул. «Бошлаб олиб келайин, бурутларнинг таъзирин солишган ерда берайин!»

Шита-Кечувни кўзлаб, Қорагул жўнаб қолар, отини уннаб қолар. Не кўрди қаршисида чанг сузилар бурқираб, той-қулуни чурқираб, йилқиси зир чопарди, бундай уюрни энди Қорагул қайдан топарди. «Ай-ай-ай-ай!»— деб олдидан тўсиб чиқар, Қарткурани қурмасин, қаёқдан ўсиб чиқар: уюрни тўзитмасди, Тўрайғирни йиртгудай, ўзидан ўзитмасди.

Илож қанча, Қорагул бир четин тўсса, бир ёғин селдай ўпириб кетарди, йилқиси кўпириб кетарди.

«Кўп йилқи топтаб кетар-ов, умримни соплаб кетар-ов!»— Қорагул тумтарақай, ўйларди йўл-йўлакай: «Қув-

гинди бурут етди, деб, йилқисин айириб кетди, деб,
Қўнғурбойга етказай, бурутнинг кунин битказай!»

Этаги ёйиқ кўк қуба,
Ўқ ўтмаган бек қуба,
Қуйма пўлатни майдалаб,
Қаватига солдирган,
Санчган найзанг тукча ўтмас,
Қармаган қўлни толдирган,
Жазойил отса, ўқ тешмай,
Ўртасида қолдирган,
Гавҳар тугмаси муштумдай,
Кийиб олсанг — устундай.
Кўк қубани ёпиниб,
Кўрар бўлсанг Қўнғурбой.
Кўк йўлбарсдай чопиниб,
Пилта милтиқ осиниб,
Ўқдай бўлган Олқора
У ёқ-бу ёққа шоприлди.
Уюб ётган қалин қўл
От-отига ёприлди.
Тўқсон минги балқиди,
Қанча қалмоқ қалқиди.
Кўсаси ўнқай кучлиси,
Найзаси олмос учлиси,
Қиличи энг қурчлиси,
Қалқони пўлат девлари,
От кўтармас яёвлари
Оломон бўлиб жўнади,
Бир ёмон бўлиб жўнади.

Жўнаса жўнайберсин,
Қалмоқни қўя туринглар.
Хабар олиб қирғиздан,
Қўшини билан юринглар.
Чиғиллаб қолган қирғизда
Қарияси Қўшой бор,
Қоплони қўша-қўша бор.
Қалқиллаб кела ётгани
Уша Манас сиртлони,
Эломоннинг Тўштуғи,
Эштекнинг Ёмғирчиси,
Қозоқдан Кўкчаси бор,
Урбудай тихчаси бор.
Андижондан Санжибек,

Буғдойиқдан Музбурчак,
Қирқ ботирнинг бари бор,
Қирон жұранинг бошчиси
Қирғил келбатли чоли бор.
Кулдир ўғли Чолибой,
Қизиқчиси Ҳожибой,
Бир полвон Қутиной,
Қора Тўқа, Мажиғи,
Қамбар ўғли — Чолиғи,
Олчинларнинг Отайи,
Уйшунларнинг уммати,
Уммат ўғли Жайсани,
Бобек, Шобек, Шуқури,
Арбанларнинг Олтойи,
Дўрбанларнинг Тўртойи,
Тўлгачи қора Тўлағи,
Ҳунари юртдан бўлағи,
Қўй курагин кўргучи,
Ошқора айтиб бергучи,
Тўда боши Тўқатой,
Эл билгичи Эломон,
Иззат қилгичи Қалқамон,
Сакраб юрган Сереги,
Олишганда кераги,
Наърадор Қўшабиши,
Қўш бошида Ибиши,
Олим ўғли Алокем,
Арслон Мажиқ бор экан.
Қоронғида қўл юрса,
Қалин қирғиз йўл юрса,
Қорсоқ изин адаштирмас
Қодир, Жайноқ, Шовути бор,
Қувликнинг ивити бор.
Қозоқдан бор Жорунчи,
Қора тейит юртидан
Қайқил, Бўғал, Тўғрўлчи,
Шинғин ўғли — Карбани,
Чаққон жұра Дўрбани,
Евни олисдан кўргали —
Бўри ёллик Бўғали.
Ирчиўғил, Бўзўғил — иқтиси,
Эр Тозбоймат миқтиси,
Қора Тўлу, Қобиғи,
Жанғир ўғли Жобиғи,
Қутинойдан қув йигит,

Шайтоннинг ўзи, дув йигит,
Қирқ ботирнинг бари бор,
Қирқ боши Қирғил қари бор.

Қиличнинг дами қилқиллаб, найзанинг учи йилтил-
лаб, тумонот, сон мингта эл, товондан ер билқиллаб,
олтин туғлар ҳилпиллаб, арғумоқлар қийқиллаб, оқ мил-
тиқлар тарсиллаб, довулбошлар қарсиллаб, одам бола-
си қалтиллаб, моролли сувнинг бўйида Манас, Чубақ
ҳарсиллаб, кумуш гурзи қўлида, қўйчағир милтиқ, жез
найза, не-не найза шарқиллаб, ойболта қистириб бели-
га, қирғиз қирони етмиш олис қалмоқ элига.

Яроғи белга урилиб,
Маҳтал бўлиб бировга,
Турди икков кийгани
Қандағай, совут, кировка.
Ботир Манас гап айтар:
«Алмамбет, Сирғақ нетди?— деб,—
Нега йўқолиб кетди?»— деб.—
Бўла қол Чубақ, ҳув ўша
Шафақ тоққа жўна-чи!
Айғир ёлидай сариқ
Сароб ёққа жўна-чи!
Борми, йўқми, топиб кел,
Анов уюрга чопиб кел!
Ёв қораси кўринса,
Имилламай қайтарсан,
Пойлоқчиси кўпми-оз,
Кўрган сиринг айтарсан.
Ёв қийрига борганда
Шақ-шақ қилиб сўйлагин,
Ғижирлаган қизталоқ,
Ғалча тилин ўйлагин.
Топдинг-топдинг, топмасанг,
Икковини қўя тур.
Дабдала қилиб қалмоқни,
Ўлигини уя тур.
Бориб кела қол, жонимга
Пичоқ ботиб қолибди.
Неча кундир уйқу йўқ,
Кипригим қотиб қолибди.
Майса ерда қолайин,
Жиндак мизғиб олайин.

Бир гап бўлса туртсанг бас,
Қалмоққа қирғин солайин!»

Айманбўзга дол миниб, Чубағи учиб кетди, тагидан бир ботмонча қум-тупроқ кўчиб кетди. Олдин кетган уч ботир қилғилигин қилар деб, жони қуриса ахир бири қайтиб келар деб, отдан тушдию Манас кўзи чаппа илинди, тэлиққани билинди. Урушда ухлаш нимаси, кимнинг қандай гинаси!

Буларни қўя туриб, қовоқни уя туриб, Қўнғурбойдай чўнг ёвда нима гапу нима сир, сўзга қулоқ осинглар, топ устидан босинглар!



БОТИРЛАРНИНГ САВАШИ

УРУШНИНГ БОШЛАНИШИ

Этаги ёйиқ кўк қуба —
Кийган Қўнғурбой дев тепа,
Тоғдай чўзиб бўйини,
Тугмалаб чўнг тўнини,
Нор бўлган Олқорани
Чикка бел, найдай қилиб,
Ирғишлатиб ер-кўкка,
Эгилса ёйдай қилиб,
Йўлни ўбдон чангитиб,
Кўрганларни гангитиб,
Туси совуқ қайсарнинг

Юзи пишган ўпкадай,
Соқолига қараса,
Сарровни тешиб ўтгудай,
Кўзи занглаган темирдай,
Мурти ўт ўсган ўнгирдай.
Файратига фарқ тўлиб,
Йўлбарс қочирган бўлиб,
Номус учун Кўнғурбой
Олд-ортга қарамасдан,
Елини тарамасдан,
Улишга ҳам рози, шай.
«Улсам ўлиб жўнайин,
Қизил чўқ эл-юртимнинг
Хизматига кўнайин.
Қизиталоқ бурутнинг
Адабини берайин!
Соқол билан муртини
Битталаб санаб терайин,
Бутини тошга керайин!
Йилқини қайириб кетди,
Зўрини бир кўрайин!
Туман-туман қўл келса,
Шоп-шоп қилиб ўрайин!»

Буни айтиб Кўнг тўра,
Қалмоқдан чиққан чўнг тўра,
Айюҳаннос солибди.
Қалмоқ, манжу қилқиллаб,
Далаю тош билқиллаб,
Гуррос жўнаб қолибди.

Қарасаки уч ботир,
Дув қўшин келаётир.
Булутдайин қораси,
Тез қисқарар ораси.
Қийғил-қичқил унлари,
Қалмоқнинг қалин олдайи.
Ерга сизмас қўшинда
Сардори етмиш қолдойи.

Орт ёқдан Алмамбет эр
Чубағига шундай дер:
«Остидан тўсиб олайин,
Елғиз ўзим қолайин.
Товушингни чиқармай,

Чакагингни босиб тур,
Хув нарида писиб тур.
Яқин қолди деганда,
Қочиб бераман лопиллаб,
Икки этагим шопиллаб.
Чўқимасдан қочди деб,
Ақли қурсин, шошди деб,
Арвоҳим ундан ошди деб,
Мақтаниб қув ўзимни,
Пайқаб айтган сўзимни,
Қоқ тўғрингга келганда,
Ўзингдан ўзай деганда,
Қоптолидан ета кўр,
Жиққамушт у Қўнғурни
Иргитиб санчиб ўта кўр!
Мукка кетса Қўнғурбой,
Сипоҳсолори оз қолар,
Қўп бўлса-да ботинмас,
Найзадори оз қолар».
Алмамбет ақл ўргатиб,
Чубақни йўлга солибди.
Келаётган Қўнғурга
Бир ўзи хезлаб қолибди.
Қирғизнинг чапдасти Сирғақ
Қийқириб, қалин йилқини
Ҳайдаб, қилиб тумтарақ.
Йўл танобин олибди.
Қалмоқнинг келар йўлига,
Қотилмоққа қўлига,
Алмамбет айтган йўсин,
Найзаси ерда тўсин,
Ел-Қамиш ёқасига
Ботир Чубақ борибди.
Найзасин қармаб бўйича,
Тарадудланган кўйича,
Уни қўйиб тура тур.
Ҳайбати зўр Қўнг тўра
Ҳангомасин кўра тур!

* * *

Олқоранинг бўйинда,
Қўк туморча қўйинда,
Учоғурин осганча,

Қўшин ортидан босганча,
Олқораси алқиллаб,
Тиз поччаси балқиллаб,
Бўркида оқ ўтоғўт,
Кўк дангаси ярқиллаб,
Тўтиқушнинг қуйруғи
Орқасин ёпиб қалқиллаб,
Уларнинг орқасида
Қилжийрон билан қарқираб,
Қирмиз шоҳ Муродил келар.
Қизил ялов, сир найза,
Бир санчса тоғда ларза,
Белида гурзи қозондай,
Бетлашган ёв хазондай,
Орқасида Несқора.
Човкар отни чуратиб,
Чангин ортдан буратиб,
Несқора деган ботири
Эл олди бўлган охири,
Хеч кимдан кам жойи йўқ,
Ўнгмагур мушти оғири.
Қалмоқнинг Ушан ботири,
Ўжар ўёнларнинг нақ
Етгандай куни, охири,
Қора зағчадай чурқираб,
Чанг сузилиб бурқираб,
Бор қўшини дурқираб,
Чўқморли полвон келар
Серёгин кундай гурқираб.

Уларни кўриб Алмамбет,
Моролдай тўши солинган,
Қуюшқони узарган,
Такадай кўзи қизарган,
Тўрт оёғин тик солиб,
Тепадай бўлган ола от,
Оч биқинга жиқ солиб,
Тиккайган Сорола от,
Қўш қулоғи қуёндай,
Белин тортиб чўққайиб,
Тепасида Алмамбет,
Икки кўзи чаққайиб,
Эр Қўнғурбой ғалчанинг
Иўлин пойлар қаққайиб.

Гуркираган Қўнг тўра, кучи ортиқ чўнг тўра, остида найдай қора от, қамчи босар бетоқат. Орқасида қалин қўл бурқураган чанги мўл.

Қўнғурбойга тенглашиб, қулоғига энгашиб, Ушан ботир гапирар: «Кўрдингми — йўқ, ёпирай, мингни кўрса қочмаган, жинни кўрса қочмаган, йўлбарс билак, тош юрак, сариқ эмас, оламас, йўли қотган бурутдан туғилган бир боламас».

Чилабанинг тухуми,
Чўқишга туққан ўзин,— дер.
Сўлабанинг тухуми,
Сўқишга туққан ўзин,— дер.
Мўғулнинг қора суви бор,
Юзида кўк кўпиги,
Еқасида попуғи,
Қиёқ қамиш ўсган,— дер.
Ҳазир бўлгин, қамиши
Алмамбетни тўсган,— дер.
Таппа чиқиб қолмасин,
Алмамбет туриб олмасин.
Қўрқа-писа кирганда
Бўйинга шақ солмасин.
Ушан олиб хавотир,
Секинроқ юр, дер, ботир.

Аччиғи келиб Қўнғур,
Жеркиб берди ўнглагур:
«Менга деса, қамишда
Қўмилиб ётмайдими!
Ўлганим яхши ўлжасиз,
Қарс этиб отмайдими!
Ўлмай қолсам, қўнадиган
Жойимга мен қўнарман!
Алмамбет тугул, Манасин ҳам
Бошин кесиб жўнарман!»
Бу сўзни айтиб, эр Қўнғур
Қора отга тарс солгани,
Қайнаб-тошиб олгани,
Қамишли сувни бетлаб,
Шитоб жўнаб қолгани.

Сир найзани зинғайтиб,
Ола отни қинғайтиб,
Савашари Қўнғурбой,

Талашари Қўнғурбой,
Қўнғурбойни кўрганда
«Ботирсинган чўчқа!»— дер,
Алмамбетдай ботир эр,
Куюкка кўнар боши.
Тўғри келиб кўз-қоши,
Жини кўзган чўнг тўра,
Енлаб ўта берганда,
Қирон Алманг қочирди,
Бош ёргандай шоширди.
Қамиш ичидан чиққан
Ботирни эплай олмабди,
Қўнғурбойда ақл деган
Қумолоқча қолмабди.

Унгламасни эр билар,
Қочиришни шер билар.
Жунбишга келган Қўнғурбой
Қора от бошин буролмай,
Қаҳри қаттиқ Алманга
Қочириб найза уролмай,
Алмамбетга бетма-бет,
Бақамти тўхтаб туролмай,
Отига қамчи солибди.
Орқасига ўгрилиб,
Онт ургур қочиб қолибди.
Алаф деган оз қолар
Қўнғурнинг орқасидан
Бир дала қўшин от солар
Сари ола отга тушириб,
Арвоҳини учириб,
Сиймиқни бошдан қочириб,
Яловин ерга оттириб,
Ботирсинган Қўнғурнинг
Қурагига найза ботириб,
Қора оти бедов бўлмаса,
Қонин чаплаб қўймаса,
Қовурғасин бетига,
Қоқ камарнинг четига
Чоройнаси шақ этиб,
Ёрилиб кетди пақ этиб.
Қовурғадан қора қон
Отиларди бурқираб.
Найзанинг кескир дамин
Бўяганча тирқираб.

Эгарда думғаза қилтайиб,
Узангидан бут тойиб,
От буйнига қапишиб,
Биқиндан оққан қора қон
Ерга сачраб, ёпишиб,
Алмамбет найза солибди.
Жунбишга келган қора от
Қўшинга яқин қолибди.
Қийқирғи бош ёрган,
Қизил жайрони ўнгарган
Қирмуз шоҳнинг Муродили
Олдидан чиқиб қолибди.

Сир довулни қарс қўйиб,
Сир фарангни тарс қўйиб,
Алмамбетга бўзариб,
Арслондай кўзи қизариб,
Қўлда найзаси узариб,
Муродил чоғлаб келади.
Алмангнинг эски ёви,
Жиқиллашиб доғлаб келади.
Қўнғур не бўлса бўлсин,
Найзасин тортиб олгани.
Муродилга бетланиб,
Алмамбет яқин қолгани.
Парисини туттириб,
Жин теккандай қутириб,
Наша чеккандай ванг бўлиб,
Маст бўлгандай чанг бўлиб,
Келмай ёвга бетма-бет,
Букилиб қолган Алмамбет,
Олтин камар усти деб,
Қурагиннинг ости деб,
Қоқ юрагин ўрни деб,
Қўриб қўйдим зўрни деб,
Қадалиб тиклаб қолибди.
Тўсатдан чиқиб Алмамбет,
Чуватиб чанг солибди.
Алмамбетнинг бўрони,
Арслоннинг сурони
Бўғзидан чиқа қолганда,
Муродил танг қолибди,
Эс-хушин йиғиб олибди.
Аввалдан қайғирмаган,
Қочадиган жойи йўқ,

Кечадиган сойи йўқ,
Муродил ўйга толибди.

«Эркак бўлсанг, ғайрат қил!»—
Қоплон Алманг бақирар,
Муродилни чақирар.
Қочар жойи йўқ бўлган.
Муродил ҳам чўқ бўлган,
Алмамбетни қочирар.
Муродилнинг найзасин
Қоқиб ўтган Алмамбет
Тўшга найза солгани.
Қанғайнинг қурч полвонин
Жони чиқиб қолгани.
Ерда ётар йиқилиб,
Боши чангга тиқилиб.
Эгасиз эгар қоши,
Ким тутар отнинг бошин.
(Ҳангомани қўйинглар,
Бошқа гапни туйинглар).

Қанғайнинг орқасида
Сонсиз черик қўли бор.
Сирти қора, бағри кўк
Бўрончи деган зўри бор.
Уни кундай гуркираб,
Қўрганнинг бўйи дуркираб,
Нам ҳаводай зирқираб
Оғзидан тутун бурқираб,
Кўздан ўти тирқираб,
Бўрончи келиб қолгани.

* * *

Муродилдан қочган от
Алмамбетга тутқазмай,
Чилвирин судраб сўйилгур
Қолган эди ўтқазмай.
Қўл ости келган Қўнг тўра
Қовурғадан найза еб,
«Қайда халқим, қайда?»— деб,
«Чангалдай қалин қўшиндан
Кўрсам-чи бир фойда!»— деб,
Ачиниб тўзиб қолибди,

Ақл-хушини олибди.
«Отангни гўри хоқонлик,
Бурутни ушла, ушла!» деб,
Атрофга жар солибди.
Қалмоқларнинг Ушани
«Ўлармидинг сен! — деди,
Қўй девдиму мен, — деди,
Ўзга одам боролмас,
Алмамбетни қочирмай,
Ўзинг тутиб бер!» — деди.

Қўнғурбой қўлга бош бўлди, «Қўрқмайсан» деган аччиқ сўз унга қаттиқ тош бўлди. Табибларнинг ичида Қўнғурбой борар қонсираб, ақлдан озиб ҳансираб. Одамларни чоптирди, ҳақимларни топтирди. Етти афсунгар уюшиб, ярага малҳам қўйишиб, муолижа қор қилди, оғриқ дарров босилди. Биқини соппа-соғдек, Қўнғу тўра жайфи чоғдек. Отига қамчи босгани, қўшин ортидан шошгани.

Буни қўя туринглар,
Гапни туя туринглар.
Чувалашган кўп ботир
Сўққабош Алмамбетни
Қочтириб келаётир,
Қалин қўшин гижиллаб,
Қора қуртдай бижиллаб,
«Қани, бурут, қани?» — деб,
Чақчайган кўзлари еб,
Ушан билан Бўрончи,
Бурутни қилиб масхара,
Бир улуғи Несқора,
Бақирғи бош ёриб,
Чақирғи тош ёриб,
Чийиллаган унлари
Қизиб қулоққа етгани.
Алмамбетга бет олиб,
От қўйишиб юрганда,
Ундай девни кўрганда
Алмамбет ботир сурланиб,
Силласи қуриб кетгани,
Мўғулнинг қора сувига
Сиртлонинг қочиб кетгани.
Оқболтанинг Чубағин
Ҳоли нима кечар деб,

Турувди ич-этин еб,
Чубақ Ушанни қочириб,
Найзаси биқинга етгани.
Қийқирган Ушаннинг бўйни
Қамғоқдай учиб кетгани.

* * *

«Бурутнинг юрти бор экан,
Яшириниб туриб ёв олар,
Унг-терсингга тарс солар
Қирғизи хунхор экан.
Хирилламай нетгани,
Қоптолдан чиқиб, Ушанни
Қантариб қўйиб кетгани».
Буни ўйланиб олибди.
Қуймучини чиқар деб,
Шиддатланиб қолибди.
Иш чатоқдай Алмамбет
От сағрига солибди.
Ушанни санчган Чубаққа
Бўрон дев найза чалибди.
Оқболтанинг Чубағи,
Судралиб найза яроғи,
Уюлибди қовоғи.
Тилла камарин усти,
Икки курагин ости,
Қон қўйилиб этига,
Чубақни ваҳм босди.

Кўколани бостириб,
Қуйруғин ерга остириб,
Чубақ қочиб қолибди.
Қанғайнинг Несқораси
«Қулни сўя кўргин!» — деб,
Қаттиқ айҳай солибди.
Тўш-тўшидан айқириб,
Қаҳрланиб бақириб,
Ҳайбат билан Алмамбет
Наъра тортиб, чақириб,
Чубақни санчган Бўронга
Найзанинг учин ботириб,
Биқинга найза солибди.
Эгардан сағри қалтайиб,
Узангидан бут тойиб,

Иқиладирган бўлганда,
Чубаққа суққан найзасин
Бўрон дев тортиб қолибди.
Найзадан қутулиб Чубақ,
Йилқи уюри ортидан,
Елғизликнинг дардидан
Алмамбет икков жўнади.
Орқасида ғижиллаган
Қанғай қандай кўнади.

Арслон Манас ботирдан
Йилқини ҳайдаб ўтказди,
Кўнгил чигилин ёзди.
Ботир ухлаб ётгандай,
Кўришиб донг қотгандай,
Эр Сирғақ кўз солибди.
Садоқнинг ўқин қараса,
Осмондан тушган михчадай.
«Жабу, жабу, жабу!»— деб,
Чуғуллаган ундан кўп.
Милтиқ отиб, ёй тортиб,
Чиғиллаган бундан кўп.
Алмамбет, Чубақ — икков
Қочгандан қочиб олибди.
Орқасидан дув қанғай
Айҳайлаб қувиб қолибди.
Кўрдим деган эр Сирғақ
Олддаги Қўққозиққа
Шиғалаб қамчи солгани.
Пўлат учли найзани
Бетига тутиб олгани.
Қанғайнинг беткай келганин
Бўғиб тўса қолгани.

Алмамбет билан Чубаққа
Олишиб ҳам солишиб,
Беригилар қолган толишиб.
Тўкшигернинг мертиги,
Ярамас Бўзкертиги,
Керқулуқ деган оти бор,
Ҳайвондан бошқа зоти бор,
Ёпишиб от бўйнига,
Бототари қўйнида,
Бўзкертик келиб қолгани.
Эр Алмамбет ботирга

Етиб найза солгани.
Мингтов деган бел экан,
Қора қуюн уюлган
Хитой деган эл экан.
Шунда Алманг ұй ұйлар:
«Мингтов ошиб белда йўқ,
Уюлган қирғиз элда йўқ.
Ев чопишга мендайин
Тентаги овулда йўқ!
Ҳайвон бўлмай не бўлдим,
Эс-хушини еб бўлдим!
Қўшилиб олиб Сирғаққа,
Қўй деса бўлмай Чубаққа,
Эрталаб элга етмай,— деб,
Ҳисоби йўқ қалмоқдан
Силлиқ чиқиб кетмай,— деб,
Қуракдан нақ айрилиб,
Саринжи тўн баридан
Чак-чак оққан қизил қон
Умровига ёйилиб,
Қора учибди кўзидан.
Энди манфаат кўрсин
Эр Сирғақнинг ўзидан.
Найзасин қармаб бетига,
Алмамбет билан Чубақнинг
Қалмоқлар тушмиш кетига.
Мадори кетди деганда,
Ажали етди деганда,
Тангридан мадад ўтиниб,
Қирра тоққа тутиниб,
Темир кийиб, ютиниб,
Сунса найза тортмаган,
Улигин ёвга ортмаган
Сирғақ етиб келибди,
Сиртлон тутиб келибди.
Бўз-Учуқдан тўсибдир,
Алмамбетнинг остига
Чубақ қочиб ўзибдир.
Қўколаси эл ичра
Ҳангилик қилиб юрган
Бичилмаган мол экан.
Ўн икки чопса бир босмас,
Қашанг, қадди дол экан.
Боятдан бери уришиб,
Жиққа-жиққа юлишиб,

Қирғиз роса солибдир.
Ейдай учиб Кўкола
Янгитдан қизиб олибдир.
Уқ етмаса Чубаққа,
Қайси йилқи етарди.
Қуюн миниб юрса-да,
Қандай қутулиб кетарди!
Қора тер босиб, қамиқиб¹,
Қора бўйни намиқиб,
Суякдан суви қуюлгур,
Этига келган сўйилгур,
Бир ирғишлаб қолибдир.
Кўколаси олтин экан,
Тулпорлиги чин экан.
Ажали етиб ўлмаса,
Паймонаси тўлмаса,
«Чубақни ололмас ёв»,— деб,—
Орқасида Бўзкертик.
Эр Алмамбет ботирга
Найза солган бу гов!— деб,
Сиртлон Сирғақ шопириб,
Қирра найзасин ёпириб,
Қирдан чиқди айқириб,
Ўтака ёриб, ҳайқириб.

Сирғақни кўриб Бўзкертик,
Икки кўзин чақчайтиб,
Қолдонкерни қаққайтиб,
Қочган билан қутулмай,
Бўзкертик қолди йиқилиб,
Тоғдай бўлган хумпарнинг
Тевага боши тиқилиб,
Қўйчағир ванғиллади,
Сиртлон Сирғақ ботирнинг
Наъраси жангиллади.
Сирбаронни ўқлади.
Бўз тоғнинг қиррасида
Олдинги қувғин тўхтади.

Алмамбет милтиқ отибди,
Қора чангга ботибди.
Не кўз билан қарасин,
Бўйнида экан яраси,

¹ Қ а м и қ и ш — хафа бўлиш маъносида.

Бўзкерткнинг зарби бу.
Чамбил ола чанг бўлиб,
Совутли қалқон ёқаси
Қизил қора қон бўлиб,
Ширин жонида ғулу,
Ёвқур Сирғақ танг бўлиб,
Ҳаяллаб тек қотибди.
Оқболтанинг Чубағи,
Остида нор Кўкола,
Сағри қизиб ётибди.

«Қаттиғим шўрим, тургин,— деб,— қалмоқни худо урди!» деб, Чубақ қанча туртмасин, хурракни отар Манас, узала ётар Манас: кўзини очай демас, уйқуси қочай демас. Бир бало бўлдимикин, қулоғининг тагига довулин қўйиб қоқар. Бўлмагач, полвон Чубақ азод кўтариб боқар. Ерга шиқ этиб тушса ҳам, миқ этмасди — қоқ ўлик. Чубақ дер: «Не кўргулик, тупроқ босиб ўлганми? Кўзига қум тўлганми? Қизигар у қалмоқнинг қўлига тушиб ўлгунча, итига ем бўлгунча, яхшиси, Манасга ўзим найза солиб жўнайин, дардига қандай кўнайин!»

Отини шарт минару найзани қўлга олар, этагини кўтариб, оч биқинига солар. «Нима бўлди, нима?» деб, эр Манас сапчиб қолар.

«Ботир Чубақ, нетдинг?» деб
Ҳар нима бўп кетгин,— деб,
Найзанг тегди манга,— деб,
Жин урдими санга,— деб,
Шатталаган Чубақ,— деб,
Қутурдингми, чиноқ?»— деб,
Манас бўзариб кетар.
Чубақ қизариб кетар:
«Қора кун, тўрам!— деди у,
Қанғай қадим ер бўлса,
Қоплаган қалмоқ эл бўлса,
Қармашаринг, ботирим,
Хон Қўнғурбой эр бўлса,
Урпоқ деддингми у эрни,
Ухлайдиган шу ерми?!
Келган йўлинг олис йўл,
Олдингда юрган қирғиз —
Ҳазор туман қалин қўл.
Кенг Таласнинг бўйинда,
Хоникейнинг қўйнида,

Қўлни ташлаб бўйнига,
Ҳеч нима олмай ўйинга,
Хуррак отганинг нимаси,
Тебранмай ётганинг нимаси?!
Ухлайдирган ер эмас,
Бу уйқуни эп демас!»

Шунда Манас гап айтар:
«Ҳовлиқма, Чубақ,— деб айтар,—
Уринмайдиган тоғ борми?
Уришмайдиган зоғ борми?
Ҳозирча эр Чубағим
Омонат жонинг соғ борми?
Ёв бўлса, биз нетармиз,
Йўлинг бўлғур, ҳўнграма,
Урушга чиқиб кетармиз!»
Бу сўзни айтиб ботир,
Ёвни қилмай юз-хотир,
Парвосиз, энгашмасди.
Ҳамсафар бўлган одам
Манасга тенглашмасди.

Шунда танага ўйлар,
Чубақ ўзича сўйлар:
«Оти ҳам Манас турмасми.
Зоти ҳам Манас турмасми,
Сўзи ҳам Манас турмасми,
Ўзи ҳам Манас турмасми.
Манас қўлдошим бўлса,
Алмамбет йўлдошим бўлса,
Қўл келди деб қалмоқдан
Қўрқсам худой урмасми!»

Манас минган Айманбўз
Париллаб учиб кетар,
Чубағи чўчиб кетар.
Биқинидан мой чиқиб,
Курагидан ёл чиқиб,
Орқасидан хол чиқиб,
Ҳайбатидан жон чиқиб,
Товуши оч қалдироқ,
Устида олмос яроғ,
Булутли кунга айланиб,
Ёвга беткай шайланиб,
Уюрни кўрса маъраган,

Қоплондай суқ қараган,
Ей қуйруқли чипор мол,
Чопгани афтодахол,
Сур йўлбарсдай соғ қўймас,
Туёғи ерни ўймас.
Оққубани ёпиниб,
Арслондай чопиниб,
Отишар ёвга талпиниб,
Узангида чўнқайиб,
Айманбўз миниб булқайиб,
Сир найза қўлда қўнқайиб,
Пўлат учли найзани
Қўлга чирмаб олгани.
Остидаги Кўкола —
Бедовга қамчи солгани,
Арслони билан эр Чубақ
Алмамбет, Сирғақ ботирни
Олдидан чиқиб қолгани.

Айманбўз миниб айқириб,
Бир шиддатли ҳайқириб,
Остига келган қўшинни
Орқасига қайириб,
Олис-яқин тик мўлжал
Қоровулга ўқи ажал,
Дастидан йўқ бутуни,
Тумандай ёйиқ тутуни,
Уртаси кесма пўлат
Оғзи ҳам тешма пўлат,
Хосиятли оққалтани
Остидан тўсиб бир қўйди,
Қарсиллатиб зир қўйди.
Оломон қўшин қоча-қоч,
Ваҳма босиб дир қўйди.
Оққалтаси қарсиллаб,
Роса қилди савашни.
Манаснинг оч наъраси
Еру кўкни талашди.
Олдинлаб қолган кўп қўшин
Эс-ҳушидан адашди.
Алмамбет, Чубақ, Сирғақнинг
Бошидан тутун аримай,
Милтиқнинг товши даримай,
Дўлдай ёғди отган ўқ.
Пилтанинг бари лаққа чўқ.

Йўлин бўғиб олгани,
Бедовлар уруш солгани.

«Нима бўлсанг бўлгин!» деб,
Арслон Сирғақ, ғамин еб,
Алмамбетдай ботири
«Жўнаб қол!» деди охири.
«Бурун келган йўлга чоп,
Ўзимизнинг қўлга чоп!»—
Алмамбет йўлга солибди.
Гап қайтармай, эр Сирғақ
Шартта жўнаб қолибди.
Алмамбет, Чубақ, Манаси,
Қуйма қирғиз боласи,
Олдидан тўсган қалмоғи
Айлана ўраб олибди.
Сони йўқ, ҳисоби йўқ,
Санай деса банданинг
Дармони йўқ, тоби йўқ.

Оқ санжоғу қора туғ,
Кўк санжоғу ола туғ,
Чиғиллаган ўн юз минг,
Биғиллаган ўн юз минг,
Очагур отган ундан кўп,
Замбарак тортган бундан кўп,
Ёйлари ҳўкиз белидай,
Отлари тоғ селидай,
Мучаси пари сиёқли,
Гурзидай қўл-оёқли,
Алпин кўрсанг ундан кўп,
Ботирлари сендан кўп.
Девдан зиёд мундан кўп,
От минмаган ортида,
Яёвлари ундан кўп.
Бўйлари нақ минордай,
Қўллари қари чинордай.
От кўтармай йўл босган
Турқи кўрқинчли мастон.
Айтаверса нақлини,
Ҳар бири узун достон.
Ҳайдаган қўйдаёй ёйилган
Халқнинг қўри унда бор.
Гурзиси уйдаёй полвон бор,
Беллашса алвон-алвон бор.

Оғзида тиши тиржайиб,
Отганда оломон бор,
Барисин қурч ботирн
Қўнғурбойдай йўлбон бор.
Қирмузшоҳ Муродили,
Қизил чўқли Несқора,
Қалмоқларнинг Ушани,
Қора ёлли Бўрончи,
Қанғайлардан Уронгу,
Тўнғиз мижоз эр Жўлой,
Тўкшигердан Бўзкертик,
Қўлин ҳайдаб кўтарган
Сўлабадан Сорондуқ,
Қилли найза қилқиллаб,
Ёғлиқ юзи билқиллаб,
Қўшинга тўлиб олибди.
Мингни бир деб санаса,
Тўқсон минг бўлиб қолибди.
Кўплигидан йўл тегмай,
Йўл тегса ҳам мўл тегмай,
Шигалаб қўшин суришиб,
Отиш, чопиш — ғовурда
Ўз-ўзидан уришиб,
Қўшин сиқилиб қолибди.
Бериги ёқдан уч ботир
Йўлин бўғиб солибди.
Чангитиб йилқи ҳайдаган,
Бояги келган тўрт ботир
Олти мингин жойлаган.

Бели йўғон, бўйи паст,
Ёғлиқ бетга ўзи маст,
Тарвақайлаган чўнг Жўлой
Келган экан янгитдан,
Душманни гўё гангитган.
Жақипнинг Манаси қани деб,
Кўриб қўйсин мани деб,
Жонида қолмасин жони деб,
Чангда қурисин қони деб,
Очбудонни чуратиб,
Ортида тўзон буратиб,
Булутдай кўчиб кетар,
Довул, милтиқ қарсидан
Сур йилқи чўчиб кетар.
Ғойибдан пайдо бўлган

Қарткуран кишнаб қолар,
Уюрни қайириб олар,
Чизиқдай йўлга солар.
Орқасида кўп йилқи,
Қулунлари қоришиб,
Ғунони бош ёришиб,
Қуйруғи билан солишиб,
Ҳангининг бари олишиб,
Оқсаганин қанчаси,
Қирчанғиси, манқаси
Орт ёғида қолибдир.
Манас, Чубақ ботири
Сон-сонига солибдир.
Бошчи бўлган Алмамбет
Охирлаб йўл олибдир.
«Йилқини бўлиб кетди» — деб,
Жўлойнинг эси ўшанда.
Ёв бўриси Алмамбет
Эр Чубаққа тайинлаб
Турган кези ўшанда:
«Отга энкайиб ола кўр,
Йилқининг чангига кириб,
Кўринмасдан қола кўр!
Тўнғиз қўлган Жўлойнинг
Қаншарига сола кўр!
Жонин суғуриб ола кўр!
Жўлойни найзалаб қўя тур,
Қариллаган қалмоқни
Йўл бўйида сўя тур!»
Чубақ уқиб олибди,
Отнинг бўйнига сурилиб,
Ёпишганча қолибди.

Очбудонни ирғитиб,
Ортидан чанг бурқитиб,
Олдидан чиқиб тўсғали,
Бедовида ўзғали
Жўлой йўлни солибди.
Ёв бўриси эр Манас
Юқори четда қолибди.
Жўлойнинг орқасидан
Талай қўшин қурқураб,
От қўйибди дурқураб
«Найза бўйи келсин,— деб
Қийиб ўта берсин,— деб

Энасини кўрсин!— деб,
Хумпар ҳаром ўлсин!»— деб,
Алмамбет ботир шу ўйда
Отга қапишиб олибди.
Йилқининг орқасидан
Чангга кириб қолибди.
Тўш-тўшига келганда
Нўйғут ўени Чубақ
Паққос келиб қолибди,
Қарсиллатиб солибди.
Олтин эгарнинг қоши деб,
Қоқ юракнинг боши деб,
Жўлойга Чубақ етгани.
Очбудоннинг устидан
Ҳалиги Жўлой ботиринг
Тескари бўлиб кетгани.
Ёв бўриси эр Чубақ
Жўлойга найза солганча,
Найзасин ўнглаб олганча,
Қалмоқнинг Ушани етгани,
Қўсам Чубақ ботирни
Қон қақшатиб кетгани.
От белидан йиқилиб,
Боши чангга тиқилиб,
Чубақ ётар ўлдим деб,
Ўнглабмайдиган бўлдим деб.
Эрликнинг иши экан,
Чубақ дов киши экан,
Чилвирин белга солибди,
Оти чирмалиб қолибди.
Чилвири белга бойланиб,
Бедовнинг кўрки Кўкола
Эр Чубақнинг устида
Теварагин айланиб,
Туёғин ерга ботириб,
Туморин отиб қотириб,
Кўкола ял-ял ўйнабди,
Қайсар Чубақ сўйлабди.

Ботирнинг бирин йиқдим деб, бошини чангга тикдим деб, Ушан ишшайиб тураркан, найзаси қийшайиб тураркан, Алмамбет унга етибди, қочириб келиб Ушанни бир санчиб, туйнук очиб кетибди. Қамғоқдай учиб кетиб, кўзи чақчайиб қолибди, бир тепада жиғасиз боши қаққайиб қолибди.

Алмамбет мундоқ қараса, Чубақ ұйлаб турганмиш, узангига оёқ сололмай, Кўкола ұйнаб турганмиш.

«Чубагим, сенга нетди,— деб,— кучинг қайга кетди,— деб,— қалмоқ ұраб қолди-ку,— деб,— санчавериб қўл толди-ку»,— деб, оқ бўтадай Чубақнинг белин нақ синдирибди, белбоғидан бир тортиб, Кўколага миндирибди.

Арслон Манас уларни бетлаганча от қўйибди, ордан сон минг қўшин ұраб келаркан дуркураб, оқкалтани бот қўйибди. Жўлой отидан айрилиб, қалин қалмоқ қайрилиб, қўшинга сўйлаб турганда, Очбудон ұйнаб турганда, Несқора кўра қолибди, Очбудонни тутиб олибди, Жўлойнинг остига солибди.

Чопган қалмоқнинг бари, Қўнғурбой бош ёш-қари йиғилиб қолган пайти, йиқилиб қолган пайти, гап айтар зўр ғалчаси: «Отимизнинг анчаси чарчаб қолди, юргусиз, тақасин ерга ургусиз. Пири улуг Жўлой дов, ҳаммадан мард, беаёв, қўшиндан чиқиб ўзсанг-чи, йилқини тўсиб бузсанг-чи, олдинга солиб келсанг-чи, қайтариб олиб келсанг-чи!»

Қўнғурбойнинг бу гапи бағрини кабоб қилибди, «хўп!» демасдан Жўлойхон жўяли жавоб қилибди: «Қандоқ бўлди, Қўнғурбой, йилқини тўс деганинг? Бурутни ҳазил ұйлама, билмайсан қитмир эканин. Ёлғиз тутай деб бориб, арвоҳ урай деди-ку, танглайм қурий деди-ку».

Жўлой дер: «Қувдай миқ бурут,
Йилқининг ичи жиқ бурут.
Молим дема, ичи ёв,
Борган бирни қилар ов.
Бировин кўриб етасан,
Яқин борсанг жалб этиб,
Аллақайда шалп этиб,
Отдан қулаб кетасан.
Кўрмадим мундай юртни мен,
Довюрак бурутни мен!
Кеча ошига бориб,
Ўлжага йилқи олганмиз.
Бўйга ўлчаб иш қилмай,
Бир балога қолганмиз.
Юқмади танга ошимиз,
Сув бўлиб оқди ёшимиз.
Қийновли кун қип-қизил
Қонга бўяди бошимиз.

Оти чопқир ўзингиз,
Зоти топқир ўзингиз,
Қийқириб бориб кўринг-а,
Йилқисин ёриб кўринг-а.
Гапим ростми, ёлғонми,
Йиқилганда биласан.
Пишмаган ош, қўй энди,
Чираниб нима қиласан!»

Улуғнинг дегани деган,
Кўргулиги бор экан.
Қалин қўл қулоқ солар,
Черик чувиллаб қолар.

* * *

Бу ҳангомани қўйиб туринглар, қирғизлар қўшинига бурун кетган эр Сирғақ хабарин туйиб туринглар.

Чамбил ола чанг бўлиб, қизил қора қон бўлиб, тўшини қўйиб тўшига, қайнаб ётган қўшинга Сирғақ хабар бергани, халқига кириб боргани.

Улар Тошнинг бетида, элнинг берги четида оғаси Бақай билан ойболта, қилич эгишиб, Алмамбет, Манас кенгашиб, Алмамбетнинг нетди деб, чалғинга ўзи кетди деб, Сирғақни йўлдosh қилиб, қайси гўрга етди деб, Манас йўқолиб кетди деб, кетган ёғин кўрмакка эр Бақай от минганди, қачон тинчиб-тинганди.

Турибойни олиб, ўнг кўзига солиб қараса, Сирғақ учиб келяпти. Йўлини тўсиб чиқиб, Бақай қичқирса — қилжаймас, бошин буриб илжаймас. Кўзига чанг тўлганми, қулоғи танг бўлганми, Бақай хуноб бўлади. Туриб-туриб ўйлади:

«Қизталоқ, билганидан
Бир оғиз очмасая,
Олдирганми Манасни,
Мунчаям қочмасая!»
Минган Бўзтўрғасини
Қамчилаб йўл олади,
Сирғақнинг чап ёғидан
Чўзилиб чиқиб қолади,
«Ҳой унмагур Сирғақ!» деб,
Буйракка найза сслади
Қаттиқ ботдими найза,
Сирғақнинг саломи йўқ,

Таниса ҳам «оға-оға»дан
Бошқа бир каломи йўқ.

«Очилиб келган кўзинг йўқ,
Сочилиб келган сўзинг йўқ!
Йиғиб олган эсинг йўқ,
«Оға»дан бўлак сасинг йўқ!»
Сўрар қирғизнинг улуғи,
Шон-шавкатга тўлиғи:
«Кўрғони пўлат қопқали,
Қоплон соғ-омон борми?
Алмамбет, Чубақ — эгиз шер,
Икки қаҳрамон борми?»

Эр Бақай сўраб турибди. Сирғақ ўраб турибди. «Қалин қирғиз ичига бориб хабар бергин, деб ботир буйруқ қилгани, қолгани менга қоронғи, бор-йўғи шу, билганим!»

Бақай Сирғақни койир: «Шошқалоққина боласан, қалмоқ доғуллаб қолди деб, лак-лак ўраб олди деб, даб-дурустдан қайга борасан? Бир балони бошлайсан-ку, бурутни майдалаб ташлайсан-ку! Ваҳимангни қўя тур, яхши гапни туя тур!»

Бўзтўрғани қилпиллатиб,
Оқ соқолин ҳилпиллатиб,
Қўшинга йўл олар Бақай,
Айюҳаннос солар Бақай:
«Оқ жокор милтиқ отмай қол,
Овулда юрган кўппакдай
Офтобсираб ётмай қол,
Қўйчағирни отмай қол,
Пойлоқда ётган қоровулдай
Ёнбошлаб гап сотмай қол!
Бердим деса ҳеч гапмас,
Худой бериб қолибди.
Шўри қурган қалмоқдан
Йилқини қайириб олибди.
Чоптириб ҳайдаб юролмай,
Уч арслони толибди.
Келишиб, бўлиб олсин деб,
Сирғақдан хабар солибди!»
Сон мингтаси «чу!»лашиб,
Яхшисини ушлашиб,
Яктан бўлиб, ғужлашиб,

Найзаларни учлашиб,
Занглай деган ойболтани
Қайроқларга қайрашиб,
Бедовларда яйрашиб,
«Палоннинг оти тулпор» деб,
«Пистонники ҳулкар» — деб,
Қиличларни тақишиб,
Милтиқларни осишиб,
Қалқонларни тортишиб,
Бир дунё кўч ортишиб,
Тоғ булутдай айланиб,
Тўпбошилар шайланиб,
Тўполон жўнашибди.
Йўлда на қўнишибди,
Йўлда на тунашибди.

* * *

Улар чопаверишсин,
Янги гапни пишитинг.
Манас билан Чубақнинг
Ҳангомасин эшитинг.

ҚўНҒУРБОЙ БИЛАН МАНАСНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУҚНАШУВИ

«Довлашарим келди,— деб
Евлашарни берди,— деб,
Сен экану шум ғалча,
Бурдаларман шерни»,— деб,
Ғайрати тўлиб бўйига,
Қўнғурбой келмас экан деб,
Манасинг ич-этин еб,
Хафалик қўниб ўйига,
Орқа-ўнгидагисин
Болача ҳам кўрмасдан,
Кўзқалқони олинган
Бургутдай тек турмасдан,
Қарасамиш: Қўнғурбой,
Ботир жилмайиб олибди.
Айманбўзни савалаб,
Отга қамчи солибди.
Арслон Манас Қўнғурга
Тўш-тўшлашиб қолибди.

Олтин камар усти деб,
Курагини ости деб,
Қоқ юрагин бошига,
Қуш эгарин қошига
Айқириб найза солганди,
Эр Манас нишон олганди,
Найза тошга тоқ этиб,
Совутини қоқ этиб,
Манман деган Қўнг тўра
Қийшайиб, эт увушди.
Нордай қора от сағрига
Боши шилқ этиб тушди.
Шундай найза санчганда
Ўнглатувчи эр эмас.
Уён Манас ботиринг
Йиртмайдиган шер эмас.
Қўнғурбой қулаб қолибди.
Ағдарилиб отидан
Қўлига қилич олибди.
Қўнғурбойни чолишга
Ботир хезланиб қолибди.
Чопганича бўлмасдан,
Паймонаси тўлмасдан,
Қора полукли Бўрончи,
Довул қоқар, сурончи,
Манасга найза солибди,
Беткайлашиб қолибди.
Қим кимни кўмгунчалик,
Қўз очиб юмгунчалик,
Етди Алмамбет қовуриб,
Қайнаб ётган кўп қўлни
Чангин кўкка совуриб.
Тўс-тўполон солади.
«Мўнди, мўнди, мўнди!»— деб,
Қимирлатмай кўп қўлни,
Қиличлади ўнг-сўлни,
Найза тегиб бағрига,
Отининг чўкиб сағрига,
Эр Манас найза солибди.
Зарб устига зарб урди,
Кўк йўрға бошин бурди,
Айманбўз унинг атоғи,
Қийин бўлди ботирга
Қалмоқнинг қилган чатоғи,
Емғирдай қилиб ёй тортиб,

Дўлдай қилиб ўқ отиб,
Қирилиб турган қуртдан кўп.
«Жабу, жабу, жабу!»— деб,
Жабулашиб юрган юртдан кўп.

«Ғайратли миқти эрдан йўқ,
Қалин қирғиз элдан йўқ!
Менда йўғон белдан йўқ!
Вақиллади қалмоқ,— деб,
Қўнғни лозим чалмоқ.— деб,
Арслон кирди булқиллаб,
Оқ найза қўлда сўлқиллаб.
Қора-Сувдан қайрилган
Чуқур экан Иткечмас.
Одам боласи тугул,
Улик сувни ит ичмас.
Арғумоқ тушса ўйнамас,
Найза солса бўйламас.
Тўбичоқ солса ўйнамас,
Теранлиги белгисиз,
Тўққиз найза бўйламас.
Уйдай бўлган қора тол
Илдизи билан юлинган.
Ҳар балиғи қозондай,
Бу сувда хамир қилинган.
Ўзини отди Айманбўз
Иткечмасни қалқитиб,
Туғларини балқитиб,
Айҳайлаган қалмоқлар
Орқасидан ёв етиб,
Ёмғирдай ёгган ёй етиб,
Ёлғиз эрни юдатиб,
Дўлдай ўқни кўп отиб,
Жазойил билан тўп отиб,
Қоплаган қалмоқ калин қўл,
Қайнаган душман ўнгу сўл.
Арслонга етиб чуруллаб,
Найза уриб йиғолмай,
Қоплон Манас ботиринг
Қўл-Кечувдан чиқолмай,
Кўкел эр бўкиб қолибди.
Ортидан кўз узмасдан
Алмамбет, Чубақ борибди.
Олмабош милтиқ варанглаб,
Алмамбетнинг ўшанда

Қийқириғи жаранглаб,
Тошни босса ушатиб,
Сороланинг түёғи,
Қуйған шамдай қулоғи,
Енида Чубақ ўртоғи
Қанғайлаган қалмоққа
Шўриш-ғавғо солибди.
Олсини найзалаб,
Олмос қилич қўлида
Унг-терсини майдалаб,
Кўл-Кечувнинг оғзида
Жониққанин қулатиб,
Қора қонга булатиб,
Талайин сўйиб сулатиб,
Бошидан тутун тарқамай.
Унгидан келиб ҳар қалай,
Кўк пилтадан чўқ етиб,
Олмабошдан ўқ кетиб,
Аччиқланиб отганда
Бир отим ерда шилқ этиб,
Беш-ўни ўққа учиб,
Қолибди қора ер қучиб.

Узун-қисқа теран сув.
Одам бўйин солмаган.
Бу сувга тушган бандасин
Жонидан асар қолмаган.
Милтиғини ўқлатди,
Бижиллаб келган қалмоқни
Алмамбет, Чубақ тўхтатди,
Кўл-Кечувда кўкёлинг,
Чўққа ургандай жонин,
Айманбўзин қалқитиб,
Оққубасин балқитиб,
Совутининг зирҳи бут,
Қалмоқнинг отган ўқларин
Дўлча кўрмай чалғитиб,
Гуноҳи йўқ бўйнида,
«Ўламанми, наҳот» — деб,
Ҳеч ваҳм йўқ ўйида,
Жон-жонидан ўқ ўтиб.
Жазойил ўқи зирқираб,
Остидаги Айманбўз
Кўлдан сузиб дирдираб,
Бурун кертиги хурпайиб,

Қамиш қулоғи тиртайиб,
 Отган билан қалмоқлар,
 Уқ ўтмас совут, садоқлар,
 Кечиб сувдай чиқди-ку,
 Парвойи палак миқти-ку.
 Сиртлон сувдан чиқиб турди,
 Дунёни қоплаган шов-шувдан
 Қалмоқнинг чагини кўрди.
 Тўзони тоғдай бурилиб,
 Бир-бирига урилиб,
 Қора қуртдай бижиллаб,
 Найзасин учи йилтиллаб,
 Одамнинг боши қилтиллаб,
 Ер ўйилиб, ғижиллаб,
 Тупроқдан тўзон сурилиб,
 Туғи туғига урилиб,
 (Бошчиси қанғай Қўнг тўра,
 Иқлимда йўқ чўнг тўра),
 Довулбоши сўкилиб,
 Тирғовут, мўғул тўкилиб,
 «Қирғиз ёв юрар қайда?»— деб,
 Қалин черик қўл олиб,
 Жўнаб қолди йўл солиб.

Алмамбет, Чубақ — эгиз эр, қалин қирғиз камонгар
 дер, отга қамчи солибди, ботирнинг орқасидан сувга
 кириб олибди. Ёмғирдан баттар ёй отиб, жазойил мил-
 тиқ вой отиб, дўлдай ўқи жой отиб, Алмамбет, Чубақ
 ортидан тутиб олиш дардида қалмоқнинг бари уюлиб,
 қийғил-қичқил, кўплашса ўраб қолади, ҳолини кўриб
 икковин, кўнглига буни олади:

«Кўкёллардан айрилиб,
 Қутулганим курсин,— деб,
 Ажратиб олиб келайин,
 Қалмоқни худо урсин,— деб,
 Азалда ёзилгани
 Пешанамдан кўрдим!»— деб,
 Айманбўзни савалаб,
 Қайтиб сувга кирибди.
 «Во дариғ, тўрам, келма!»— деб,
 Қоплон Алман ўшанда
 Айҳай солиб турибди.
 Қўл-Кечувда қалмоққа
 Манас беткай борибди.

Кўз учи етганини
Қийиб-қийиб қирбди.
Кўл-Кечув юзи қизил қол,
Ужарланиб қалмоқлар,
Ортидан келди қанча жон.
Қайта сувга кирганда,
Найзага илиб қирганда,
Остидаги Айманбўз
(Ҳаром ўлгур бу тўнғиз)
Терга пишиб олибди.
Тагин сувга тушганда
Тўнган тўнкадай ўшанда
Эти увишиб қолибди.
Бурун кертиси дирдайиб,
Қорни шишиб қолибди.
Кўл-Кечувдан Айманбўз
Оғиб кетиб боради.
Нарёғдан келга. Қўнг тўра
Манас ботир устига
Ҳамла қилиб боради.

Қисик ерга қирон эр
Оққан бўйдан етгани.
Найза бўйи қолганда
Бет олдидан Қўнғурбой
Найза серпаб кетгани.
Қулоқ битар қалмоқнинг
Айҳайлаган чувига,
Тўра оғиб кирганда
Кўл-Кечувнинг сувига,
Қўнг тўра найза солгани.
Ўткир эрни зарба еб,
Нима қилар экан деб,
Қарши қараб қолгани.
Икки кўзин ўртасин
Ўлчагандай Қўнғурбой
Энкайиб найза солгани.
Тош юракли ботиринг
На кўзин четга олади.
Ўқталган найзани
Учидан ушлаб қолади,
Қўнглини хушлаб қолади.
Темири Манас қўлида,
Сопи эса Қўнғурда,
Олқора билан Қўнғурбой,

Қирғоққа чиқиб олибди.
Айманбўз билан эр Манас
Сувда сузиб қолибди.
Пўлатни суғириб қопидан,
Найзани тутиб сопидан,
Бақадай тикилган Қўнғур,
Аччиқланиб ўнглагур,
Заққум бўлиб қолибди.
Қоплон Манас от билан
Сув бетида қўққисдан
Бир чайқалиб олибди.
Қалқиб кетган Манасни
Олдим-ку, деб Қўнғурбой,
Азза-базза найза солибди.
Олдириб қўйган найзасин
Тортолмасдан толибди.
Олқорани олдиндан
Шартта тортиб олибди,
Қўнғурбойнинг найзасин
Манас юлиб қолибди.
Найзасини юлдириб,
Кўзига қум тўлдириб,
Тинди охир эр Манас
Қўнғурни тўпдан қолдириб.

* * *

Евнинг оғзин очириб,
Қўнғурбойин қочириб,
Қанғайини шошириб,
Алмамбет, Чубақ — эгиз эр
Осмонга чанг совурди.
Ўраб келган қалмоқни
Қайириб ҳайдаб қовурди.
Эрлик билан кўкариб,
Икки найзани кўтариб,
Ўлжасига етгани.
Айманбўз билан қалқиллаб,
Оққуба тўннинг бўксаси
Сув бўлиб билқ-билқиллаб,
Сувдан суғуриб кетгани.
«Қирилганми қирғиз» — деб,
Тура турса ичин еб,
Қўшиннинг ости етгани.

Азаматда чопқиси,
Арғимоқда ёпқиси,
Оққулани бўш қўйиб,
Бўзйўрғага тўш қўйиб,
Эргаштириб тўқолин,
Селкиллашиб соқолин,
Қуён сиёқли оти соз,
Эгарида пойандоз,
Улуғ оға эр Бақай,
Ҳайбат билан ёрлақай,
Айқириб етиб қолгани.
Оққуладай тулпорни
Молдан битган шунқорни
Арслон ботир Манаснинг
Остига торта солгани.
Орқасида қирқ ботир
Дувуллаб келаётир.
Қирғил бошлиқ қариси,
Қирқ ботирнинг бариси
Қалин қўшин қалин қўл
Қийқириб кириб қолгани.
Эломон ўғли эр Тўштуқ,
Эштеклардан Ёмғирчи,
Қозоқларнинг Кўкчаси,
Қалин қипчоқ Урбуси,
(Ҳайрон қирғиз ирчиси —
Қадимдан қолган сирчиси)
Буғдойиқдан Музбурчак,
Темир яроғли довюрак,
Андижон беги Санжибек,
Аломонлаб от қўйиб,
От қўйса ҳам бот қўйиб,
Отқичлари ёв сўйиб,
Милтиқлари тарсиллаб,
Довуллари қарсиллаб,
Садоқлари шарқиллаб,
Қиличлари ярқиллаб,
Санжоқлари буралиб,
Бўрон бўлиб, ўралиб,
Таппа кириб қолгани.
Ёши билан қартанги,
Елғиз йўқдай чортанги,
Ялли кириб боргани.

Уларни қўя туринглар.

Арслон Манаснинг ўзи бор,
Олдайда не сўзи бор,
Ҳангомасин туя туринглар.
Манглайида боғи бор,
Ой қоронғи тун бўлса,
Туман босган, туйнукдан
Ер кўринмас кун бўлса,
Қулоқда шамчироғи бор,
Қоқ тумшуғи устида
Нуқтасининг доғи бор,
Бурун минмаган айғоққа
Уйноқлаб турган чоғи бор,
Ойсиз тунда бўлинган,
Қоронғуда йўл босса,
Қулоғининг шамидан
Ёв йўқолмай кўринган,
Хосиятли Қула от,
Қоплон Манас даст мингак
Кўзлари ола-кула от,
Сариқ қамиш кийдириб,
Ёрқанотга ийдириб,
Устаси фаранг қийдириб,
Дастасига чилвирмас,
Пайига ўралган сир найза
Елим билан қотириб,
Силлиқланган бир найза,
Отган ерга чўзилган.
Етиб бориб мўлжалга,
Беш панжаси узилган,
Хоникейнинг ишими,
Ўртасида ўнта нақш,
Яримойлар чизилган
Пўлат учли сир найза,
Дуч келганни қир найза,
Кўлга чирмаб олгани.
Остидаги чўнг Қулага
Манас қамчи солгани.

Кўмирига чидамай
Кўп тўқайлар қийилган,
Қилич кўрманасига
Кўп буқалар сўйилган,
Қўриқчиси Қоратоз,
Пўлатига зарб урган,
Ҳар ботириб олганда

Бир булоқ суви қурган,
Қирқ олти уста қишин-ёз
Ясаб-ясаб чарчаган,
Оқсоқ уста Бўлакбой
Бир пуд темир парчадан
Қуйма учин қайириб,
Заҳар сувда суғорган,
Ўт тортиб олган янглиқ
Кечаси бир суғирган,
Ҳаводаги саробнинг
Живиридан қуйилган,
Аждарҳо заҳарига
Уч ой ташлаб қўйилган,
Тоғни чопса, тош кесган,
Шамоли ҳам бош кесган,
Қиличмисан — зўр қилич,
Арслонида бор қилич,
Қиндан суғуриб олибди,
Оққулани чуратиб,
Қалмоқни бетлаб қолибди.

Иткечмас деган эгри сув,
Қирғиз билан қанғай дув,
Ёқаси ғулу, қий-чув.
Олтин довулни қарс қўйиб,
Қўшин сари тарс қўйиб,
Манас борар айқириб,
Айҳай солиб, ҳайқириб.
Қиличининг дамида
Қирқ қаттолнинг қони бор.
Найзасининг учида
Юз баттолнинг сони бор.
Бир ўзи етмиш мингдай,
Етмиш минг қўл шони бор.
Турқин кўрсанг, ҳар мўйи
Аждарҳонинг тукидай.
Устида лаш-луши кўп,
Қора лўкнинг юкидай.
Олтмиш қулоч найзасин
Бир отиб илиб олибди.
Қорни билан судралиб,
Аждар ғудраниб қолибди.

Калта қуйруқ кўк бўри —
Кўккел эрнинг энг зўри

Ортидан эргашиб олибди.
Осмондан чўнг қора қуш
Шиддаткор човут солибди.
Қўк-ола қулжа бўлибди,
Қора чипор йўлбарси
Йўлни бошлаб қолибди.
Олди ёғин қарасанг,
Қирқ қашқир қапишади.
Орқа ёғин қарасанг,
Қирқ мингги чопишади.

Ҳайбати бошқа кўриниб,
Осмонда тўзон бўлиниб,
Айқириб ботир кирганда,
Қалмоқнинг чети уриниб,
Оққуласин чуратиб.
Остига нақ келганда,
Оқ найза билан сулатиб,
Олисдагин бўлганда,
Ўнг кўзидан ўт чиқиб,
Оғзидан ҳут-ют чиқиб,
Сўл кўзидан чўқ чиқиб,
Оққалтадан ўқ чиқиб,
Яқинини майдалаб,
Олисини найзалаб,
Ўртаси кесма пўлат,
Оғзи қурч тешма пўлат,
Тутуни туман, тик мўлжал,
Ўқи қоровулга ажал,
Оққалта милтиқ гуркураб,
Айқириб ботир кирганда,
Қўшиннинг остин сирганда,
Қалмоқ қочибди дуркураб.

От сағрига минг солган,
Ўттиз туман қалин қўл,
Жони «вой-вой»лаб қолган
Мўлтон экан-ку қалмоқ,
Ултон экан-ку қалмоқ,
Қайтариб от тўшини,
Камоннинг ўқи зирқираб,
Суяккача сирқираб,
Теккан ери бирқираб,
Қора қони ширқираб,
Кальасин беткаш олибди.

Еприлиб кирган ботирлар
Сир найзани чўзганда,
Ғижиллаган қанғайнинг
Тўдасини бузганда,
Боши узра ирғитиб,
Телпагин учириб ўзганда,
Урушига ярамай,
Қалмоқ қочиб қолибди.
Манас ойкўлинг жонин
Қизғанмай қувиб солибди.
Қамалдаги қалин юрт
Қоплонни кўриб олибди.
Отасин кўрган боладай
Кучга тўлиб қолибди.
Қай бирларин қарасанг,
Баҳоваддинлаб бақириб,
Қай бирларин қарасанг,
Эр Манаснинг ортидан
Олти туман қалмоқни
Беллашувга чақириб,
Қолдой ёғдан хон Бақай
Қамаб кела берди-ку.
Солон ёғдан эр Тўштуқ
Саваб кела берди-ку.
Қора хитой, кўп қанғай
Бардошсиз, тумтарақай,
Қочганича юрди-ку,
Қалмоқ ура қочганда,
Кун экани билинмай,
Тун экани билинмай,
Ернинг бети кўринмай.
Йўлнинг чети кўринмай,
Осмон қора чанг бўлиб,
Қанғай ҳоли танг бўлиб,
Курпулдоқдай чўнг дарё
Салқинига етганда,
Дарё қайнаб кетганда.
Лапанглаган Қўнғурбой
Қўшинидан бўлиниб,
Ойкўл Манас олдиға
Чиқа келди-ку юлиниб,
Қўнғурбойни кўрганда,
Ойкўлинг қарс урганда,
Шамол чиқиб оғзидан,

Олов чиқиб кўзидан:
 «Бошқа қалмоқ, сон қолдой
 Уларни тийиб кетдим,— деб,—
 Этиги кенг, пўтали,
 Керилган эрга етдим», деб,
 Олачиқдай ғалчага
 Найза сунади Манас.
 Бир бурдадан қилмаса,
 Қандоқ кўнади Манас!
 Тулпордан ортиқ Оққула
 Тишлаб ота берди-ку.
 Ғайратин ғалча кўрди-ку
 Иссиғига бота олмай,
 Совуғига ёта олмай,
 Сув жияги — ёлғиз йўл,
 Отга қамчини зап бериб,
 Тулкидай бўлиб тап бериб,
 Қочганича ғилқ этиб,
 Жўнаб қолди шилқ этиб.
 Ҳайвондан зиёд Оққула
 Унча-мунчага олдирмас,
 Ошиб-шошиб солдирмас.
 Этига келган сўюлгур,
 Сувлигин чайнаб қуюлгур,
 Манасни олиб учди-ку,
 Булутдай бўлиб кўчди-ку.
 Йилқининг асли Оққула
 Чўнг дарё Курпулдоққа
 Қайнамадан тушди-ку.
 Найзаси қўлда чўққайиб,
 Чопаман деб чўнқайиб,
 Устомон ботир Қўнғурбой
 (Ёв макрин билган қинғирдай)
 Бир ҳайқириб қолибди,
 Қалмоқни ҳайдаб солибди:
 «Сувдан чиқармай ур,— деб,—
 Манасни янчиб тур!» деб,
 Шу ҳукми кўрди эп,
 Қатъий айтди, қаттиқ гап.
 Шайланиб қалин қалмоқ,
 Ёйини париллатиб,
 Уқини шариллатиб,
 Энди қоплаб етарда,
 Олди қуршаб ўтарда,
 Айлантириб кетарда,

Оғиб ётган шўрхокда
Жонин суққан эр Бақай,
Ҳийласин билган Алмамбет,
Ақлли туққан эр Бақай
Қирқ қулоч қил арқонни
Қилт эттирмай отди-ку.
Арслон туққан Алмамбет
Найзасин сунуб Манасга,
Ҳозир-нозир қотди-ку.
Бояги Бақай арқонни
Белига ўраб олди-ку.
Остидаги тулпорнинг
Сонига қамчи солди-ку.
Оқ чодирдай шишириб,
Кўкёл Манасни шошириб,
Судраб чиқиб қолди-ку.
Саёз ерга келганда
Алмамбет узангидан
Азот кўтариб олди-ку.
Уён Манасни қирғизлар
Қуршаб ётиб қолди-ку.
Сувдан чиқиб эр Манас
Узини қуритиб ётмади.
Кунлаб, тунлаб олишиб,
Жиққа-жиққа солишиб,
Қанғайлаган қалмоқни
Ҳайдади дарё устига.
Туман босиб кўринмай,
Дарёнинг баланд-пастига
Борган қалмоқми, манжу,
Қурпулдоқдан кечолмай,
Этигин ўнглаб ечолмай,
Кўп қанғай сувга кетди,
Кўшинига ким етди.
Қирғизга қирғин солгум деб,
Жинин қоқиб олгум деб,
Уйлаб юрган Қўнгурбой,
Йилқили бўп олгум деб,
Уч экан муддаоси.
Айтаверса чўпчак узун,
Бир пул бўпти дуоси...

ЕЛҒИЗ КҮЗЛИ МАДИХОН

Аловканинг Қўнғури
Сувдан чиқиб олибди.
Битта қўймай қалмоққа
Дарҳол хабар солибди.

Қўк буқали Мадихон,
Манглайда тоқ кўзи бор,
Омади келган кези бор.
Мадихони келгунча
Олтин ҳайдар, чўқ белбор,
Арслон туққан Алмамбет
Ёруғ кунни тун қилди,
Ёз кунини қиш қилди,
Кунни жойлаб ёғдириб,
Қурпулдоқнинг юзини
Музлатиб ғалат иш қилди.
Қалин қирғизи ёппа
Қўриб тонг қотиб қолди.
Рози бўлгандай аксар,
Манас ботир гап солди:

«Найза учида туғим,
Қироним, қизил чўғим,
Қанғайдан келган билагим!
Қийин қийиқли кунда
Зарра жонга керагим!»

Алмамбетдан кўнгли тўқ,
Оғзин йиғиб олгунча,
Тумснот қирғиз қўли
Тўниб қолган дарёдан
Омон чиқиб олгунча,
Ер айланиб тўзгандай,
Мадихон жини қўзгандай,
Жунбушга келиб турибди.
Заҳритобига чидамай,
Ер қўзғолиб турибди.
Мадихоннинг бир ўзи
Қалин қанғайдан ортиқ эр.
(Чивин жонга зўр келиб,
Қирилар худди шу ер).
Ўқ ўтмас темир қалқонни
Қийиб олган кез экан.

Бошида тоқ мўғизи,
Кўк тоғдай Кўкбуқани
Миниб олган кез экан.
Остидаги буқанинг
Ошганига ел етмас,
Босганига мол етмас.
Устидаги Мадихонга
Олишган билан ҳол етмас.
Буқа миниб йиртгудай,
Жон-понингни титгудай,
Аланглаган Мадихон
Найзадан бурун етди-ку,
Музбурчак билан Қўшойнинг
Қаватин эзиб ўтди-ку.
Отдан қолишгач йиқилиб,
Ортдан минг кечил тиқилиб,
Музбурчак билан Қўшойин
Қўшиб бойлаб кетди-ку.
Мўлжаллаганча ўкчани,
Бўкмурун билан Кўкчанинг
Қаватига боз етди-ку.
Маникер билан Кўкола,
Икковин ола-кула,
Ирғитиб қўйиб ўтди-ку.
Кўкатоё Бўкмуруни
Ерга мункиб кетди-ку.
Қарчиғайдай эр Чубақ
Маникерга мингизиб,
Омон олиб ўтди-ку.

Кўк тулпорни тутқазмай,
Дув қалмоқни етказмай,
Ҳайдархоннинг Кўкчасин
Кўколага ўнгариб,
Шарт қутқазиб кетди-ку.
Қирғизга қисталанг кўп,
Қийин уруш бўлди хўб.
Қўшой билан Музбурчак
Қўлга тушганда бешак,
Оёқ-қўлин чандиб рос,
Хачирга ортиб олибди.
Юрт қариси Қўшойни
Боглаганин кўриб қолибди.
Бугдойиқ хони Музбурчак
Икковин ҳайдаб солибди.

Буни кўрган эр Сирғақ,
Одамдан ертиқ чамаси,
(Манас икков отамкай,
Оғайнининг боласи),
Кўкқозиққа қамчи босиб,
Қочириб кириб борибди.
Манасдан ўрон чақириб,
Музбурчак билан Қўшойнини
Учган ўтин тутатиб,
Улган жонин юмшатиб,
Телқизил билан Қоплоннини
Нақ устига тўшатиб
Эр Сирғақ олиб ўтди-ку,
Қўшинга солиб етди-ку.

Қазилган чуқур ўрни кўр,
Ўнгу терси йиқилиб,
Қалмоқ билан қирғизнини
Уликлари йиғилиб,
Сасиб ётган гўрни кўр!
Қўйиб берсанг, Мадихон
Қирғизни қириб кетар деб,
Тагига қалмоқ етар деб,
Ур-йиқитдан четлашиб,
Мадихон билан бетлашиб,
Улмаган ерда қолишиб,
Икков юрар солишиб.
Бу урушни кўрган тўраси —
Алмамбет, Бақай, Чубақ,
Сирғақ билан Ҳожибой,
Берани, қирқ жўраси
Мадихонни ўраб олгани
Дувиллашиб қолгани.

Кўкбуқа билан Оққула
Тўш-тўшидан олишар,
Ўкинмасдан эр Манас
Мадихон билан солишар,
Алмамбет, Сирғақ ботир
Ендан ўраб турса ҳам,
Зинг-зинг найза урса ҳам,
Совутлари жангиллаб,
Парво қилмас Мадихон,
Манасдан бошқасини
Кўзга илмас Мадихон.

Еприлган қирқ жўрани
Чўпдай билмас Мадихон.

Олти минг қалмоғининг
Чағ-чуғ олдайи билан,
Сонсиз қолдойи билан
Довлаб қолар Қўнғурбой.
Ҳоли танг Мадини қандай
Ажратиб олар Қўнғурбой.
Бир қийин уруш бўлиб,
Одамлар суриш бўлиб,
Шақиллаб қайнашди-ку,
Вақиллаб чайнашди-ку.
Қора қонга беланиб,
Қанғай, қирғиз эланиб,
Бир ёмон айнашди-ку.
Қундузи тўхташмади,
Кечаси ухлашмади.
Кун чиқса ҳам олишиб,
Ой чиқса ҳам солишиб,
Боши челак қон бўлди,
Келишган бўйнинг бари
Эгилиб камон бўлди.
Қанча қонлар қуюлди,
Улик тоғдай уюлди.
Қалмоқ билан қирғизлар
Қирилиб ёмон бўлди.

Манаснинг қора нори,
Олтин нўхтаси бори,
Япоқ ўркач желмаян,
Жонзотинг тенг келмаган.
Ошганига ел етмас,
Босганига мол етмас.
Қора жонин аямай,
Қора топтиб келган нор,
Хоникейнинг қовурган
Талқонин ортиб келган нор,
Манаснинг қирқ жўраси
Очқашиб, кўз тинишиб,
Қаппа-каппа талқон еб,
Яна отга минишиб,
Қирғиз қайнаб борибди,
Томоғин тақиллатиб,
Қанғайнинг бошин ёрибди.

Қоплон Манас бош бўлиб,
Қаттиқ саваш солибди.
Қўшин ўтса алвон бўлиб,
Қизил дарё қон бўлиб,
Темир алпу, Чўян алп
Таппа келиб қолибди,
Бир қиёмат солибди.
Ўшаларнинг баридан
Зўрроғи Мади экан.
Қирғизни ўр деганда,
Ўроғи Мади экан.

Мадихон довлаб турар,
Манасхон овлаб турар,
Мадихон товлаб турар,
Манас оловлаб турар.
Буқасига бир уриб,
Бир урса ҳам зир уриб,
Оғзидан ўт бурқираб,
Мадихон қўш қўллаб урар,
Манас қимир этмай турар.
Бўз ола чанг бўлишиб,
Қочган номард, юлишиб,
Ширин жонин топишиб,
Ойболта билан чопишиб,
Титраб турар қора ер,
Тиклаб турар икки шер
Олишолмай қанчаси,
Қараб турар ғалчаси.
«Ажалинг етган бўлса
Дувилламай ўлгин.— деб,
Кунинг битмаган бўлса,
Хамманг устун бўлгин»,— деб,
Ҳар полвони — харисин,
Еши билан қарисин
Ҳайдаб кирди Қўнғурбой.
Найзавони уриниб,
Йиртадиган кўриниб,
Бир шопирди Қўнғурбой.
Қайнаган қанғай кўп экан,
Ер билан битта чўп экан.

Қанғай деган ўлган сайин урчиган, ўлармон туққан
эл экан. Ўрган билан ўрилмас, тумандай чети кўрин-

мас, қумурсқадай мўл экан, Қанғайнинг айланаси қум-
дай қалин қўл экан.

Хон Қўнғурбой «айҳай»лаб, Бўрикўз билан Музкин-
дик белини маҳкам бойлаб, Иламадай ялпоғи, Жўлой-
дай чўнг қалмоғи бир ёприлиб кирди-ку, найзаси син-
гур, қирди-ку.

Сороладай от минган,
Бўз теридан шим кийган,
Найзасида ёли йўқ,
Тиғида чумоли йўқ,
Азизхоннинг Алмаси
Кўрсатиб кўп ҳунарни,
Бетлаб борар уларни.
Кўккина йўл-йўл тўн кийган,
Кўколадай от минган,
Узун бўй, ўмови кенг
Оқболтанинг Чубағи,
Олишса, солишса денг,
Чўзган билан қўл тутмас,
Сиртлоннинг тиши ўтмас,
Айқириб кирди сиртидан.
Алп Чубақнинг ортидан,
Остига солса, омадли,
Юрганда шер қоматли.
Кўк тулпордай от минган,
Кўк силовсин бўрк кийган,
Ёвга ўлигин ортмас,
Ажалдан ҳам тап тортмас,
Бойдин ўғли эр Бақай
Савашга кириб қолар.
Ойкўлнинг Сирғағи ҳам,
Қирғизнинг тирноғи ҳам
Қалмоқни ёнбошга олар.

Берадничг бари топилиб, қалмоққа кирди чопиниб.
Манаснинг қирқ жўраси, ҳар бири катта ўраси, теграси-
га қарамай, чивин жонин аямай, тарсиллатиб солди-ку,
жонни суғириб олди-ку, осмон чангланиб қолди-ку. Қал-
моқми с қирғизнинг, қайсилиги билинмай, бири найза учи-
да, бошқа бири илинмай. тизгинлардан олишиб, жиққа-
жиққа солишиб, жағдан ажраб қолишиб, қиёмат бўлиб
кетди, майдонга қараб бўлмас, ўликка тўлиб кетди.

Арслон Алмамбет шошиб,
Бедовга қамчи босиб,

Бўрикўзга етди-ку.
Кўзига қум тўлгурни
Бир найзалаб ўтди-ку.
Қирон Бақай қоплонинг
Қалмоқнинг бир полвонин
Кўтариб отга солганча,
Бошин чопиб ўтди-ку.
Ақл соҳибни Ҳожибой
Қарткуранни сурибди.
Қалқиллаган қанғайга
Қийшаймасдан кирибди,
Бетин ёвга бурибди,
Найза сунуб турибди.
Қуюқ туманда урушиб,
Ҳожибой юаркан суришиб,
Қалмоқнинг хони Жўлой
Қарткураннинг устидан
Найза солиб ўтибди.
Қарткурандай бедови
Қалмоқнинг чўнг Иламаси
Қўлига тушиб кетибди.
«Бурутни миниб қурит!»— деб,
Топтаб турар Илама.
«Бурутдан тушган тулпор!»— деб,
Мақтаб турар Илама.
Қимхоб кийиб, Бежинга
Миниб борар мол экан.
Қалқончисин думига
Бойлаб олар мол экан.
Олтин, кумуш ортиқлик,
Эсенхонга тортиқлик
Остига солар мол экан.
Қилқиллаб қалмоқ югуриб,
Қистаб келиб қолганда,
Жонидан юз ўгириб,
Ҳожибой сўлиб қолганда,
Несқора билан Қоражўй
Хонлари келиб турди-ку.
Ҳожини тутиб олишга
Қалмоқ ёприлиб кирди-ку.
Буни кўриб эр Сирғақ
Азза-базза борди-ку.
Ёнбошга ёстиқ солмаган,
Чимдим уйқу олмаган,
Улоқ хоннинг Сирғағи —

Олишганга бўй бермас
Арслоннинг ўртоғи.
Ойболта билан чайқалиб,
Остида қалмоқ тарқалиб,
Кўргиликни бошига
Солиб чиқди эр Сирғақ.
Қаватига бўктариб,
Хожибойдан ботирни
Олиб чиқди эр Сирғақ.

Хосиятли Манаснинг Қалқамондан ҳар эҳтиётга ол-
дирган Қора оти бор эди, ана шу тулпорни қайси жўра-
си отсиз қолса миниб юрадиган одати бор эди. Сирғақ
унга етибди. Хожибойни мингизиб, қалмоқнинг ораси-
дан ажратиб чиқиб кетибди. Ушанда денг, эр Бақай Кўк
тулпорни қамчилар хон Жўлойга етибди, қалмоқ хонига
Очбудоннинг устидан найза қўйиб ўтибди, камондай
бўлган Жўлой бошини эр Чубақ кесиб кетибди. Олти
минг хитой, минг қолдой орасида Темирқул деган даван-
гиси бор экан, Алмамбет отдан бир ирғитибди.

Ортиқ туққан Алмамбет дуч келганин чувратиб,
Ит-Утмасга етибди. Темирқул билан Ханжарқул Ал-
манни ўраб-чирмаб кетибди. Серек билан Сирғағи, Қир-
ғилчол билан Чубағи роса ғайрат этибди. Энди Алмам-
бет ботиринг Уроққирга етибди, Уроққирдай полвонни
от устидан далдайтиб юзтубан қилиб кетибди. Чубақ бе-
ран энкайиб бошин кесаман деганда Кечилнинг хони
Кўнғурбой қаватига етибди. Оқболтанинг Чубағига Кў-
коланинг устидан найза сунуб ўтибди. Арслон Чубақ
қошига оқжўлтой Бақай, Алмамбет ҳаялламай етибди.
Нор туядай Оқайёр билан Турбай келиб қолибди, Чубақ-
ни ола қоча Кўколанинг устига кўтариб қайта солибди.

Хачир минган Уёньўз Қанғайнинг хони экан, қора
кун келса бошига қолдойнинг жони экан. Жиққа-жиққа
олишса, найза билан солишса, учи синиб қолибди, сопин
қўлга олибди. Қилич билан чешишиб, ойболта билан
ёпишиб, милтиқ билан отишб, садоқдан ёй тортишиб,
ўқ тугагач булқишиб, от устида юлқишиб, қочиршиб
туришган экан, қирилишб урушган экан.

Евқур миқти Кўнғурбой
Қиядан келиб қолгани,
Белигача яланғоч,
Қовоғин уйиб олгани:
«Бурутларнинг Сирғағи

Улди десам ўлмаган,
Нимта-нимта бўлмаган,
Жони қаттиқ экан-ку.
Бурутлиги бўлмаса,
Ошга қатиқ экан-ку».
Олдидан чиқди Қўнғурбой,
Бу гал Сирғақ ботирдан
Ура қочган бўлсам деб,
Қазиб қўйилган чўнг ўрга
Алдаб-сулдаб обориб,
Чикка қилиб солсам деб,
Қочгансимон ғиқ этмай
Бир иложин топтирди.
Алдамоққа Қўнғурбой
Олқорани чоптирди.

Карж тоғлари бурчланган, оқ найзадай учланган Бе-
жиннинг чети ўша, хитой, қанғай қайнаган ернинг бир
бети ўша. Қўнғурбойнинг ортидан ичи куйган эр чопар,
ён-верига қарамай Сирғағингдай шер чопар. Чивин жо-
нин аямай чиндан қочди чўнг ғалча, гўрғайди бир бало-
ни бошламаса зинғарча. Икки кўзи тўрт бўлиб, эгарда
бути чўрт бўлиб, этагидан олсам деб, нақ ўнгариб сол-
сам деб, Аловканинг Қўнғурбойи ўрга яқин қолганда,
Сирғақ қувиб борганда, олисдан пайқаб турган Алмам-
бет етиб борибди, етган еридан Сирғақни чилвирга ўраб
олибди, буни айтиб қолибди:

«Думин қисган Қўнғуринг,
Ичи тўла қинғиринг,
Атайлаб қочмадим!
Қилтиллаган жонингга
Урасин очмадим!
Бадкирдор Қўнғурбойнинг
Ўйидаги бўлмасми.
Қўлига тушсанг ғаддорнинг,
Чирқиратиб сўймасми!»
Отни қўйиб келганда
Ўйнаган тўзояни кўр,
Билжиллашиб солишган,
Улиб ётган жонни кўр.
Босган еридан қон чиқиб,
Товушидан жон чиқиб,
Қалин қалмоқ йўлдоши,

Қўйгандан роса қўйибди,
 Қанғайнинг Мадихони
 Унг келганни сўйибди.
 Қилтаймасдан ўнқайиб,
 Кўк буқада тўнқайиб,
 Эломоннинг кенжаси
 Эр Тўштуққа етди-ку.
 Чалқуйруқнинг устидан
 Чирпирак қилиб ўтди-ку.
 Хачир минган Қоёнбўз
 Тўштуқнинг бошин кесгани
 Зир қочириб кетди-ку.
 Қоёнбўз етиб келгунча
 Қоплон Манас найзалаб,
 Қоёнбўзни тутди-ку.
 Бояги Бақай дарров
 Бошин кесиб отди-ку.
 Яёв қолган Тўштуққа
 Арслон Чубақ етди-ку.
 Отга ўнгариб олиб,
 Омон чиқиб кетди-ку.
 Ялпи қанғай қўшини,
 Тўшига уриб тўшини,
 Қирғинига чидамай,
 Айхайдан жудагандай,
 Манасдан қочиб кетди-к
 Шундаям ёлғизсираб,
 Қимир этмас Мадихон,
 Наридан кетмас Мадихон.
 Ботир Манас бош бўлиб,
 Уртага уни олишди.
 Қирқ жўраси тўп-тўкис,
 Дўппа-дўппа солишди.

Тишини ғижирлатиб Алмамбет етиб бир солди, Ҳожибой билан Сирғағи, Оқболтанинг Чубағи — усов қатор солди, қадимги ботир Бақай ҳам кела туриб тарс солди. Мадихон билан урушиб, нари-бери суришиб, ботир Манас етакчи, қирқ жўраси келган кез тўхтаб қолган қалин жон қочган қалмоқ ортидан ёприлди нақ оломон. Ушанчалик мўл қўлдан эр Сирғағи ўзиб юрар, қирғизларга етказмай олдини тўсиб юрар. Кўзларидан ўт чиқиб, бетларидан тук тушиб, Алмамбет билан эр Чубақ, қаторлашган уч увоқ, Мадихонга етди-ку, ойболта олиб чопишиб, роса ҳолдан кетди-ку.

Ушанда Манас қирон,
Қаҳри худди оч бўрон,
Зорланиб турган экан,
Енгмадим деб қанғайни,
Орланиб турган экан:
«Аввал бошдан ўкирик,
Таппа босган шер бўлдим.
Бир қанғайга бас келмай,
Манасмас, қора ер бўлдим,
Қандай атоқли эр бўлдим.
Чоғим етмай бир жонга,
Қазиб қўйган гўр бўлдим!»
Шуйтиб десанг, эр Манас
Тишини гирчиллатиб,
Жонини қирчиллатиб,
Оғзидан шамол чиқиб,
Кўзидан олов чиқиб,
От белига бир солиб,
Қўлга сир найза олиб,
Қони қочиб бетидан,
Жони чиқиб этидан,
Қулаган тошдай шанғиллаб,
Отилган ўқдай ванғиллаб,
Қочириб қолди Мадини.
Манас қувиб қолганда,
Ўт деса, сув очмаган,
Ев деса, зир қочмаган
Қанғайнинг Мадихони
Пар-пар ёниб, гуркираб,
Ҳайбатин кўрган одамнинг
Азот бўйи гуркираб,
Қочириб қолди Манасни.
Бу аҳволни кўрганда
Қирон Бақай ботиринг
Қоптолидан ёнашиб,
Мушт тушириб кетди-ку.
Арслон Алмамбет ҳам
Найза қўйиб ўтди-ку.
Алмамбет, Бақай — икки шер
Жиқ солишиб ўтганда,
Тасмадан қўл етди-ку,
Узанидан бут кетди-ку.
Қоплон Манас бир қўйиб,
Оққулани зир қўйиб,
Мадихонга етди-ку.

Кўкбуқанинг устидан
Қарсиллатиб ўтди-ку.
Чоғланиб турган эр Сирғақ
Олдиндаги буқанинг
Бошин кесиб кетди-ку.
Кўкбуқадан Мадихон
Ағдарилиб тушганда,
Чивин жонин аямай,
Қўнғирбойи ўшанда:
«Қанғайнинг деви ўлса,
Мен не деган бўлдим,— деб,
Қора хитой юртимини
Қай бет билан кўрдим,— деб,
Аяб-суяб ўтирмай,
Мадихонга етай,— деб,
Тўс-тўполон бурутдан
Ажратиб олиб кетай»,— деб,
«Мўнди, мўнди, мўнди» лаб,
Қийқириқ солиб, «бўлди»лаб,
Етиб қолай деганда,
Унгариб олай деганда,
Тағин тўсди эр Сирғақ
(Қачон қарама йўлга чоқ).
Оч пўлатин суғуриб,
Эр Бақай зумда отди-ку.
Айқириб олдин етганча,
Ерда ётган Мадининг
Бошин кесиб ўтди-ку.

ҚУНҒУРБОЙНИНГ ҲИЯЛАСИ

Эр Мадихон ўлган сўнг,
Қилгудек афтар-дафтар,
Бошдагидан минг баттар
Зўри келиб қолибди.
Қалин қанғай ёприлиб,
Бўри келиб қолибди.
От ўйинчи чопқири,
Салтанатнинг топқири —
Чўнг мерган ҳам бор экан,
Жудаям маккор экан.
Ойсиз тунда айириб,
Сунган найзани қайириб,
Мўлжалга отган эр экан,
«Айёр мерган» дёр экан.

Қора хитой, қанғайға
Қистоқ тушиб қолганда,
Эсенхондай фармондор
Бола йиғиб олганда,
Алмамбетн бош бўлиб,
Олти минг бола борганда,
Олти миңги қирилиб,
Олтовлони қолганда,
Олтовлоннинг ичида
Улмаган бири экан.
Устомонлик машқини
Алмамбетча олмаган,
Қамчилик ери экан.
Уч ой ўқиб тўлдирса,
Билимда Алмамбетга
Тенглашган бири экан.

Чўнг мерганнинг келганин
Эр Алмамбет кўрди-ку.
Хийласини билган сўнг,
Қунни ботқизиб турди-ку.
Хавони айнатолмай,
Емғирни қайнатолмай,
Мерганни худой урди-ку.
Базғалдоқ учмас далада
Қалмоқ, қирғиз юрди-ку.
Садоғидан ёй тортиб,
Салтанатли Чубақни
Кетдим деганда отиб,
Чўнг мерганнинг олдиға
Қора қаяпоқ қирғоғи,
Қоплон Манас Сирғағи
Уқдай учиб борди-ку.
Қалмоқи эгар қоши деб,
Қоқ юрагин боши деб,
Қўнғур тулпор устидан
Унғариб қўйиб ўтди-ку.
Орқасидан-минг мерган
Ажратиб олай деркан,
Илғаб турган Алмамбет
Ёй пўлатни силтаб ширт,
Бошин кесиб кетди-ку.
Ернинг бети сел бўлиб,
Қора қон оққан кўл бўлиб,

Қайсиллиги билинмай
Савалашиб ётди-ку.

Одамнинг кўзин ёпгудек,
Чанг қоплаб, тупроқ учади.
Бири ўлса, минги чопгудек
Қайтатдан қалмоқ кўчади.
Қалмоқнинг чўнг Иламаси
Қанғайнинг қора туғин
Қийшатмай тутиб қолибди.
Ҳожибой гурс этганда,
Қарткуран ўйнаб кетганда,
Қалмоқ ўраб етганда,
Улжа қилиб Илама,
Белига миниб олибди.

Иламани кўрганда,
Алмамбет ҳам нормасми,
Зўр амали бормасми,
Қизил полук хитойнинг
Қиронидай қийилиб,
Тош қадаган қалмоқнинг
Қолдойидай кийиниб,
Иламага етди-ку.
Етган заҳот Алмамбет
Қарткураннинг устидан
Думалатиб кетди-ку.
Ойболтани ўйнатиб,
Арслон Сирғақ етди-ку.
Иламанинг танасин
Беш бўлак қилиб ўтди-ку.

Санжогин ерга тегизмай,
Соролага ўт егизмай.
Роса миқти Алмамбет
Ола қочиб ўтди-ку.
Бўлинган ёлғиз йўл билан
Чет Бежинга бет олиб,
Қора туғи қўзғолиб,
Қалмоқ бўлиб қалдираб,
Хитой бўлиб валдираб,
Алманг қочиб қолганда,
Бу савдони солганда,
Темир тўрин йиғолмай,
Таги хитой, кўп манжу

Тенги бўлиб чиқолмай,
Чанг бурқираб қолибди.
Қора хитой, кўп манжу
Зир тирқираб қолибди.

Уқ Манаснинг деганин,
Нима қайғуда эканин:
«Қалин қалмоқни Бежинга
Бир чуватиб сурмасам,
Найза сунуб, тўп бузиб,
Ажал етса жон тўзиб,
Бошга келган балони
Бу урушда кўрмасам!»

Қаҳрланиб хон Манас,
Шайланиб қолган кез экан.
Атрофида эр Чубақ
Айланиб қолган кез экан.
Бир ёқ четин зўр Бақай
Ўпириб бораётир.
Бирин орда қолдирмай,
Қора хитой, манжуга
Жиндак сулиш олдирмай,
У ёғидан бир чиқиб,
Бу ёғидан бир тиқиб,
Довқалб Сирғақ қиронинг
Кўпириб бораётир.
Қалин қўли чурқураб,
Ялпи йиқит қочган шер,
Далада ўлик тўш қолиб,
Талай тулпор бўш қолиб,
Чилвирин топтаб босган ер.
Пўтаси зар, қўнжи кенг
Кечилнинг хони Қўнғурбой,
Манаснинг қаршисидан
Чиқиб қолган қинғирбой,
Олқора оғзин буролмай,
Кўкёлнинг ҳайбатига
Чидаш бериб туролмай,
Қийқириб найза уролмай,
Чивинча озор беролмай,
Эгар тоғдай тизмани
Ошиб қолган кез экан.
Манаснинг қаҳрин кўрганда
Шошиб қолган кез экан.

Қангайни кўзлаб дир қўйиб,
Қочиб қолган кез экан.
Бу ғалчани кўрганда,
Олов чиқиб оғзидан,
Ўт сочилиб кўзидан,
Олдига солиб қувалаб,
Паст-баландни увалаб,
Кетиб борар ёришиб,
Бўлиниб, қонга қоришиб.
Қочган ерин қарасанг,
Адир-адир белмасми.
Уша тоғнинг нарёғи.
Қирқ кунчалик йўлмасми.
Қуш учганда қаноти
Жизғин бўлиб ўлмасми.
Қулон ўтса, туёғи
Эриб тушган чўлмасми.
Қатра-томчи суви йўқ,
Чимчийдиган чўпи йўқ.

Қарж тоғлари бурчланган оқ найзадай учланган ерга ура қочибди, Оққулани кўрганда Қўнғурбой ақли шошибди. Қўнғурнинг Олқораси буқадай бўйнини шиширар, Манас хон Оққуласи кўзини нақ чақмоқдай ялтиллашиб пишқирар. Ясси ерда Олқора туёғин қулондай милқитар, тепага чиқса Оққула ёл-қуйруғин силки-тар. Кечилнинг хони Қўнғурбой париллаб учиб борар, қадимгидай эр Манас ариллаб қучиб борар.

Изига тушиб кўкариб,
Сир найзасин кўтариб,
Биқинини тешсам деб,
Солмоқ бўлди эр Манас.
Текис ерга келганда,
Бошма-бошлашиб қолганда,
Ғалчани туп этакдан
Олмоқ бўлди эр Манас.
Унг курагин чети деб,
Ўпкасин бир бети деб,
Эшилма қумли чалқа бел,
Чалқа белга етарда,
Биқинлашиб Оққула
Олқорадан ўтарда,
Айқириб Манас қиронинг
Сир найзани кўтарди.

Эшилма чалқасидан
Энкайиб ғалча дир қўйди.
Берги ёқдан эр Манас
Найза билан бир қўйди.
Бу қайсар ҳам зўр эди,
Чап беришин кўр эди,
Нор кескани суғириб,
Ойкўлга юз ўгириб,
Манаснинг сир найзаси
Икки бўлиб ташлади,
Танага ўйлай бошлади:
«Хон Манас Оққуласи
Ғойибдан битган мол экан.
Қаҳри тутган мол экан.
Етиб қолармикан деб,
Найзасин кесдим қилиб эб.
Мени қандоқ сийласин,
Қора жоннинг ҳийласин
Топмасам, Манас соғ қўймас,
Қийин жонни еб тўймас.
Қўлига тушсам қўққисдан,
Ичимни суғуриб олади.
Ичимдаги қизил қон
Сувдай оқиб қолади!»
Шуйтиб десанг Қўнғурбой
Қочиб қолди шариллаб.
Қувиб кетди Манасхон,
Оққуласи ариллаб.
Бежиннинг бир бурчи-ку,
Қопқаси турар париллаб.

Ҳаводан юлдуз қўзғолиб,
Алмамбет юртдан қочганда,
Қиёматли дўст бўлиб,
Манас қучоқ очганди.
Бир ердан кўрса Алманг,
Эр Манас чувиб турибди,
Ғалчани қувиб юрибди.
«Ҳийласи зўр шум ғалча
Қопқадан кириб кетар,— деб,
Соддадил Манас ботиринг
Қопқага кирса нетар,— деб,
Қалмоқни худой уриб,
Муродига етар,— деб,
Арслонни ўлдириб,

**Учган ўтдай тирар»,— деб,
Зориллаб турган эр Алманг,
Дарбозанинг пойида,
Қора хитой, манжу Манасни
Ушлайман деган жойида,
Қора хитой, кўп қолдой
Дарбозани ёпгин деганда,
Манасни чопгин деганда,
Найзадай учиб етди-ку.
Етиб келган Алмамбет
Энтиктириб, юлқитиб,
Эр Манасни булқитиб,
Илиб олиб чилвирдан,
Шиғаб тортиб кетди-ку.**

«Арслоним, тақашма айёрга!
Олишадиган ер эмас.
Тўмсайиб ётган қора бел
Одам ошар бел эмас.
Аловка Қўнғурбойи
Ўйнашадиган эр эмас!
Ғалча минган қора оти,
Парқинида қаноти,
Қирғий етмаса агар,
Олқоранинг одати —
Елганига ел етмас,
Чопишига мол этмас!»
Суяк-суякдан ўтиб,
Бир терчилаб боқди-ку,
Алмангни алп Манаси
Қозик қилиб қоқди-ку:
«Қўй-чи, Алмам, чўпчакни,
Маъқуллатмай қўя қол.
Яхши бўлса Олқора,
Сўйиб еб, сен тўя қол!
Изидан тушса ҳоритмас,
Ортада қолса, оғритмас,
Остингдаги Сорола.
Қўнғурбой Олқораси
Соролангдан ортиқми?
Олқора ҳам тортиқми?
Олтой минсам, аримас,
Олтмиш осий бўлгунча
Тиши тушиб қаримас.
Мучаси қорабайир,

Суру-сурудан айир,
Ғалвир ұпка, жез билак,
Мол деганнинг пошшоси,
Салтанатим ошноси,
Оққуладан ортиқми?
Паймонаси тўлмаса,
Епишган ёвга олдирмас,
Минганини кетказмай,
Оро йўлда қолдирмас,
Эр Сирғақнинг мингани
Кўкқозикдан ортиқми?»
«Эссиз Манас, ўнгмай қол,
Бир гап айтсам, тўнгмай қол!
Қазмоқ бўлдинг ўримни,
Қайнатдинг-ку шўримни!
Очиқ турган дарбоза
Эсенхоннинг эшиги,
Ғалчанинг макри тўла
Лўкидони — тешиги.
Елғондакам шум така
Қочган бўлиб қолмасми?
Қалъасига киргизиб,
Бошга офат солмасми?
Қанғайнинг писиб ётган,
Офтобда исиб ётган
Полвонлари эшикни
Тақа-тақдан ёпмасми,
Ширин жонингни топмасми?
Ойболта билан майдалаб,
Бошгинангни чопмасми?
Бўлинганни бўлиб ер
Чиқ, чиқ хитой эли у.
Улганни ҳам ўлиб ер
Жиқ-жиқ хитой эли у!»

Шуйтиб Алманг деганинг
Ирғишлаб чопишганин,
Улган эрига худди
Бевадай ёпишганин
Тўдадан олиб чиқди,
Манасхон толиб чиқди.
Музбурчагу Кўкчаси,
Чубақ, Сирғақ лўкчаси,
Қалин хитой тўпини
Айириб турган экан.

Илинганин осгандай,
Қорақуш, ғажир босгандай,
Қайириб турган экан.
Манаслаб урон солиб,
Қалмоққа бұрон солиб.
Не-не алплар анчани,
Қолдой билан ғалчани
Қувалаб юрган экан,
Буни эл кўрган экан.

ИЛК ҒАЛАБА

Арслон Манас ботиринг
Олишганин тўхтатиб,
Туғ тагига борибди.
Ўлганидан қолган қўл
Чуғуллашиб олибди.
Довулбошни қоқишиб,
Туғ остига оқишиб,
Элликбоши, ўнбоши,
Юзбоши-ю, мингбоши
Ҳисоб-китоб қилибди.
Халқ отаси хон Қўшой
Эл улуғи бўлибди.
Эштектардан Ёмғирчи
Сон-саногин олибди.
Қанча миқти йўқ бўлган.
Ҳисобин олиб кўришса,
Музбурчак, Кўкча — икки хон
Айрилгани талай жон.
Шифой билан Бўкмурун,
Ўқ тегиб оти ўлган,
Хос бедовлар маҳв бўлган.
Бугун кўрган эртан йўқ,
Тўймас дунё кўзи лўқ.
Оти отилган, бош омон,
Ярадор бўлган кўпи.
Қўшой билан Урбунинг
Йўқ бақрайган зич тўпи,
Қўли ярмича қолибди.
Урушиб наъра урганда,
Қалмоқ қоплаб турганда,
Эрлар кўргулик кўрибди.
Қирғизнинг қалин қўлидан
Талайи тиррай ўлибди.

Ялпи ҳисоб қилишса,
Бир тўхтамга келишса,
Эломондан Тўштуқ йўқ.
Қирқ жўрани йўқласа,
Белгиси аниқ — чиноғи,
Таниқли беран Чубағи,
Зап келишган Чубақ йўқ,
Тўштуқ ботир — иноқ йўқ,
«Қалин уруш, қоқишда,
Қон оқизиб чақишда
Булар увол қолдимми?
Олишиб юриб ёв билан
Оро йўлда ўлдимми?
Қўмилган бир гўри йўқ,
Икков кўкел бўри йўқ,
Эр Чубақ Кўколасин
Қалмоқ ўлжа олдимми?
Оқболтанинг Чубағин
Икки кўзини қалмоқ
Уйиб еган бўлмасин?
Тағин далада ўлмасин?
Қарға, қузғун, зағизғон
Чубақнинг оқ этини
Тўйиб еган бўлмасин?
Ўт чақнаган икки кўз
Қузғун чўқиб сўнган-ов!
Уйма нақшдай қашқа тиш
Қарғага тезак бўлган-ов!»

Шу йўсин Манас гупиллаб,
Тоғдан учган харсангдай
Ер айланиб дупуллаб,
Ўлганининг қолгани
Уюлгин деб эр Манас
Уюштириб олгани,
Уюлишиб қолгани.
Елкасига юк чиқиб,
Бетидан тешиб тук чиқиб,
Қоплон Манас ботиринг
Энди захрини солгани.

«Оқ салласи қозондай
Хўжа бўлиб турибсан!
Қатағон хони Қўшой

Қўша бўлиб турибсан!
Чубақ билан Тўштуқ йўқ,

Қалин турган эл-юртга
Қандай нафас урасан?
Қандай чора кўрасан?
Оқболтанинг Чубағи,
Эгиз қўзидай тугалим,
Эр Чубақдан айрилиб,
Қандай кариллаб юраман?
Чубағим демасмидим,
Эгиздай эмасмидим,
Оқжўлтойдан тинчимсиз,
Олишган ёвда синчимсиз,
Қанотимдан қайрилиб,
Қора хитой, манжудан
Ғайратимдан айрилиб,
От бошин қандай бураман?
Таласга қайси юз билан
Шодон кириб бораман?!»
Қойиб-қуйиб гап айтиб,
«Энди нетдик?» деб айтиб,
Эзилиб турган ундан кўп.
«Отаси ҳайрон эрлар!» деб,
Бузилиб юрган бундан кўп.

Алла-паллагача курашиб, эр Алмамбет ўлтирди, та-ни соғлиқ сўрашиб, ҳисобини тўлдирди. Минг боши бор, беги бор, «Қўлинг омонмикан?» деб, сўраганинг тағи бор. «Уёнлар санаб бил,— деди,— ботирингнинг ўз қўши ўнбошиси ким?»— деди. Унбошимиз ушбу деб, Тозбой-матни кўришди эб. «Ун кишини кўз кўрсин, ҳисобин тез чиқарсин!»— ўткир Алманг буюрди, санагандай уюрни, тайёр тўққизи билан, Бойматнинг ўзи билан ҳисоб тўғри, ўн бўлди. «Бир киши қани? Кам!»— деди. «Унингчиси ман!»— деди. Алмамбет аччиқланди. «Ёрлиғи ёлғон эл бўлмас, ёлғончида орли тил бўлмас! Қани бўз йигит-лар!»— деб, Алмамбет юзга солибди. Олти йигит ёпи-шиб, ҳозир бошин чопишиб оладиган бўлибди. «Қонин кеч!»— деб ўтиниб, филт-филт этиб ютиниб, Серек тура қолибди.

Топиб айтди эр Серек, топиб айтмаса ақлни, серка-лиги на керак. «Ун бошидан бўлаги, бошқаники ўн-ку,— деб бояқиш Боймат ҳисоби бириси кам, жўн-ку!»— деб Серекнинг сўзин маъқуллаб, эл чувуллаб қолибди.

«Унбоши бўлган Уёнга бошда ёзган хати бор, ўн кишининг оти бор. Хатолик ўтган бўлмасин, қоғозни ўқи, мулла, балки чиқар йўлда»,— деб, Серек йўсин қилибди. Қодирсайиднинг мулласи айтганин уқиб олибди, хатга кўзин солибди. Манаснинг оти Бойматнинг ўнгидан чиқиб қолибди, Серекнинг сўзи, айтгандай, ўйиндан чиқиб қолибди. «Пайқамай қора босдим, «ботирим Манас сен учун Қанғайдан келган чўнгингдан қон бўлиб ўла ёздим»,— деб, Боймат қийқириб олибди. Қирғизлар хохолашиб, қисилган жилмайиб қолибди. Қирон Манас ҳам кулибди, Алмангнинг эпли-эпчиллигин бутун юрт ҳозир билибди.

Эр Манаснинг қўшини
Қиблага бошни қўйиб,
Бош тагига оққанқини,
Керик бир қошни қўйиб,
Қуш уйқусин оларди
Ўнқай ёнбошни қўйиб.
Кўкда юлдуз пириллаб,
Қир шамоли дириллаб,
Зухроси ҳам ботганда
Тонг дилдираб отганда,
Мизғиб ётган қалин қўл
Таппа туриб олди-ку,
Ола чопон хўжаси
Азон айтиб қолди-ку.
Дувуллашган қўшинлар
Қўлин сувга солди-ку.
Бутларини чайишиб,
Пайлари ҳам толди-ку.
Намозхонлар гуж-гуж-а,
Олдинда имом хўжа,
Қўшой деган қариси,
Қулоқ қоқиб бариси
Тиловат қилар экан,
Саломга эгиларкан,
Оқболтанинг Чубағи
Ғалати иш қилибди.
Қанғайнинг қирқ тўрасин
Ёлғиз бойлаб олибди
Олдинда масхараси,
Манжунинг Несқораси,
Бел-белидан буктириб,
Иккитадан чўктириб,

Отларига солибди.
Олисдан Чубақ келибди,
Манас кўриб қолибди.
Кўрибди-ю, Манасинг
Қош-кўзини сузибди,
Намозини бузибди:
«Ҳой-ҳой! Хўжа! Ҳой, Хўжа,
Бўлди қил-ей Ойхўжа,
Чаласини қўйиб тур,
«Эшитинг»ни ўзинг ол.
Савоби ҳам ўзингга,
Беҳиштингни ўзинг ол,
Бераним Чубақ келаётир,
Тераним Чубақ келаётир!
Қирқ жўранинг сиртлони
Қодир Чубақ келаётир!
Барин баҳосига тенг
Ботир Чубақ келаётир!»

Этига сизмай, бақриб,
«Чубагим!» деб чақриб,
Қошига пешвоз чиқди,
Чубақдан овоз чиқди.
«Ғижиллаган қалмоққа
Қиргин сола бердим» — деб.
«Қанғайнинг қирқ тўрасин
Боғлаб ола бердим» — деб.
«Несқорасин қат қилиб,
Остингга намат қилиб
Барин сола бердим» — деб.

Қони бузилган Манас,
Қош-қовоғи уйилиб,
Заҳри қотили қуйилиб,
Қўлга тушган тўрани
Қарсиллатиб солмоқчи,
Жонин суғриб олмоқчи:
«Қанғайнинг Несқораси,
Қалайман деб келдингми?
Дўппидайин Таласни
Талайман деб келдингми?
Таласдаги Манасни
Чандиб оламан деддингми!»
Шуни айтиб қолибди.
Қоплон қаҳрига олибди.

Қора тили кесилмай,
Қайраб турди Несқора.
Манасхоннинг ўнгида
Сайраб турди Несқора:
«Ботир, ўлдирсанг ўлдир,
Улим қайси жойда йўқ!
Мени ўлдирган билан
Сенга қилча фойда йўқ!
Бир қошиқ қоним кечсанг,
Садағанг бўлай сени,
Хизматинг қилай сени.
Мен шавкатли Қанғайнинг
Томи баланд кўрғони,
Яроқлигинг Бақайдай
Номи баланд ўғлони.
Қанғай қадаган тошнинг
Тозасининг ўзиман.
Қора попук қалмоқнинг
Елғиз қора кўзиман.
Ўлдирмасдан, қўлимни
Чандиб боғла, хон Манас.
Хоқончинга хабар бер,
Хуним берсин, жон Манас!
Бежинимнинг манжусин,
Элимни тортиқ қилай.
Олтин қазноқ, тўр яйлов
Еримни тортиқ қилай,
Давлатинг ортиқ қилай!»
Жағиллаб турар Несқора,
Чакак урар Несқора.
Қиличини суғуриб,
Енар кўкёлинг кўзи.
Шер кўзини эритиб
Қуйиб қўйганми ўзи.
Ҳали Манас ғажимай,
Бақай билан Ҳожибой
Орага тушиб қолар.
Ҳайдар кокили тилла,
Белбоғи зар шокила
Алманг қовушиб қолар:
«Евқурим Манас, жоним ол,
Гапим қайда, қулоқ сол:
Хосияти йўқ бунинг,
Тегма, манжу хони у.
Қўнғурбойдан кейинги

Қаттиққина жони у.
Қанғайнинг тик устуни,
Ўйротнинг бир ёни у.
Яхшиси, уни қамаб,
Қирқ тўрасин маҳкамлаб,
Бировин Ҳожибойга
Қўшиб берсак бўлмасми.
Эсенхоннинг олдиға
Ғизиллаб бориб келмасми
Не деяркин қалмоғи,
Озмойишин олмасми».
Бу гап пишган ош бўлиб,
Оғаси Бақай бош бўлиб,
Чуғиллашиб олишди,
Кенгаш қуриб қолишди.

* * *

Буни қўя туринглар,
Қовоқ уя туринглар.
Эломоннинг Тўштуғи
Издан ҳам юринглар.
Ҳоқончинга қирғизинг
Тўс-тўполон солибди.
Совуқ-Тўр сойлигида,
Манжу той-тойлигида
Минг полвонин эр Тўштуқ
Шартта бўлиб олибди.
Уён Манас олдиға
Молдай ҳайдаб қолибди.
Йўқолгани топилиб,
Юрт қутлабди ғолибни.



СУНГГИ ОЛИШУВЛАР¹

ОХИРГИ УРУШ

Ҳаво кўп бор турланиб,
Тонг оқариб сурланиб,
Кўкдан юлдуз бўлингач,
Қун ботиш ёқ кўрингач,
Алп ўғлонлар, ботирлар,
Шахдам келаётирлар.
Қурсоқлари тўйишиб,
Отларни зир қўйишиб,

¹ Турсунбой Адашбоев таржимаси.

Айилини хўп тортиб,
Хўп тортса ҳам кўп тортиб,
Найза ушлаб батартиб,
Қуюшқонни қисқартиб,
Тўп-тўп бўлиб бурилиб,
Бораётир сурилиб,
Мўр-малахдай душманлар,
Жанг пайига тушганлар
Рўпарадан келишар,
Ҳайто-ҳайт деб елишар.
Қанғай жангга ботинди,
Қичқириб олға отилди.
Кўкча билан Музбурчак
Қиличин ялтиратди,
Кўпларни қалтиратди.
Полвон Чубақ биргадир,
Тўс-тўполон қир-адир.
Алмамбету Сирғақ ҳам
Қўрқмай дадил ташланди.
Урро-урей, сурро-сур,
Қирғинбарот бошланди.
Манас бошлиқ қўшинлар
Маврид кутар панада.
Олишувлар авж олиб,
Жанг қизиди янада.
Ботир эрлар, ўғлонлар
Найза серпар бақириб,
Манас номин туғ қилиб,
Ол-ҳа, ол деб чақириб.
Уруш борки, туриш йўқ,
Орқа олдга бўйламай,
Қириб борар қирғизлар
Ўлишини ўйламай.
Қалмоқларнинг улуғин
Тўпларидан бўлишиб,
Қирмиз кийим кийганни
Кўпларидан бўлишиб,
Несқораси тортишиб,
Ей-садоғин отишиб,
Қулоқни этар батанг,
Манжуларнинг ҳоли танг.
Манглайда бир кўзи бор,
Ажал билмас ўзи бор,
Айжангжунг пайдо бўлганда,
Отга абжир қўнганда,

Чубақ қайнаб тошиқди,
Кенг майдонга ошиқди.
Узангига тиралиб,
Кетиб борар Қўнғурбой,
Айжангжунгни ортидан
Етиб борар Қўнғурбой.
Икки ботир, икки дов
Ўзгалардан бўлинди.
Буни сезиб Алмамбет,
Кўздан қаҳри кўринди.
Чивин жонни аямай,
Улимини санамай,
Найза санчар икки эр
Унг-терсига қарамай.
Чаптаст эди Қўнғурбой,
Чиққан каби шикорга,
Қаранг, унинг мўлжали
Кетгани йўқ бекорга.
Найза ургач елкадан,
Нолиш чиқди зирқираб.
Айжангжунгни кўксидан
Қон қуйилди тирқираб.
Несқораси бош бўлиб,
Даф қилишар чирқираб.
Ўрдасини тўзитиб,
Қувиб юрар эр Сирғақ.
Алғов-далғов шоштириб,
Суриб юрар эр Сирғақ.
Сўйлар қалмоқ бошлиғи:
— Тингла, ёвқур лашкарим,
Сўзим уққин, ёш-қари,
Дарров ўраб олинглар,
Ит кунини солинглар.
Ойболтасин кўтариб,
Наъра тортиб, йўталиб,
Елғиз кўзли Нор тушди,
Тизилиб қатор тушди.
Буни пайқаб шу маҳал,
Оқболтанинг Чубағи,
Арғинхондан Ҳожибой
Аламзада шу чоғи.
Узук қалпоқ эр Шувут
Ироманнинг Ирчиўғли,
Боймат билан Бойчўра,
Жаҳли қаттол Бўз ўғлон,

Қирқ жўрали Қирғил чол
Бошлиқ бўлган оломон,
Қўкча билан Музбурчак,
Қўкка санчир тўпичоқ,
Чопиб кетиб боришар,
Шошиб кетиб боришар.
Манжу билан қалмоқдан
Ўчу қасос олишар.
Ердан чиққан чангни кўр,
Оқиб ётган қонни кўр.
Қон аралаш тўнқайиб,
Қулаб ётган жонни кўр.
Чигирткадек ўрмалаб,
Келар эди қалмоқлар.
От устида қуюндай
Елар эди қалмоқлар,
Соролада Алмамбет
Ўзни чоғлаб қолди-ку.
Қаттол душман бошига
Шўриш, ғавғо солди-ку.
Чидамасдан Манас ҳам
Қирди жангни оралаб.
Туйқусдан бир дайди ўқ
Ўтди уни яралаб.
Булут эниб мисоли,
Ер устида қиш бўлди.
Қалмоқлар-чи, додин еб,
Ажабтовур иш бўлди.
Бежин сари қувмоқни
Чоғлаб турар Алмамбет.
Роса боплаб қанчасин,
Доғлаб юрар Алмамбет.
Наъра тортиб, «Манас»лаб,
Музбурчак ҳам ташланди.
Қути учиб ёвларнинг,
Юрак-бағри ғашланди.
Сезиб туғдор Шипшайдар
Ўқни узди камондан,
Ер тишлади Музбурчак,
Асра ўзинг ёмондан.
Қаҳри қайнаб Сирғақнинг
Қўкчебични зир қўйди,
Манжуларнинг бўйнига
Қиличини шир қўйди.
Тўғри келган душманни

Аямасдан кулатди.
Буни кўрган Несқора
Туғдорига сўз қотди:
— Кўз-қулоқ бўл Сирғаққа,
Ҳой қароғим, Шипшайдар,
Имкон берсанг унга сен,
Баримизни зир ҳайдар.
Қирғизлардан бундаини
Паҳлавони кам чиқар.
Ҳушёр бўлгин, Шипшайдар,
Кўзимиздан нам чиқар.
Несқора дер:— Туғдорим,
Омад бизга қайтади.
Укинма, деб режасин
Бир чеккадан айтади,
— Биз уларнинг бошига
Қора кунни солгаймиз.
Яраланган Манасни
Тирик қўлга олгаймиз.
Шундай дея Несқора,
Найза, ёйни торттириб,
Жангга кирди олти филга
Уқ-дорини орттириб.
Сурнайларни чалдириб,
Довулбошни қоқтириб,
Минилмаган мол қолмай,
Урушмаган жон қолмай,
Ур, талатўп бошланди,
Эл урушга ташланди.
Даст кўтариб иргатар
Ерга белин таянмай.
Оз қолса ҳам қирғизлар
Найза санчар аянмай.
Озиқ тиши ирсайиб,
От ўлиги тоғ бўлди.
Елда учиб мўйлаби,
Эр олишар чоғ бўлди.
Ит эгасин танитай,
Тупроқ тўзиб эланди.
Улмай тирик қолганлар
Қизил қонга беланди.
Қотил, газзоб Қўнғурбой
Алмамбетни сўйсам, дер.
Босилгуси хуморим,
Қонин ичиб тўйсам, дер.

Ол-ҳа, ол деб чирқираб,
Баданлари зирқираб,
Бирин-кетин от қўйиб,
Қуваётир тирқираб.

Манас-ку дам емас эди, бироқ кучлар тенг эмас эди. Қалмоқларнинг не-не мерганлари ўқ отиб, Чубақ, Сирғақ ва Алмангдан Манас ботир айрилиб, қанотлари қайрилиб, холироқ жойга чекинишга мажбур бўлди.

Энди гапни Хоникейдан эшитинг. Хоникей туш кўриб, тушида ёмон иш кўриб, эр Манасдан гашланиб, «Тултук мўгуз кўк буқа сув остида ўкирар, сиртлоним Алманг ўлганми? Қарғага айланган Оқшунқор қанотсиз бўлиб қолибдир, Оқболтанинг Чубағи бир кўргулик кўрганми? Узун бўйли чинори қибла томон чўзилиб қолибдир, қимматлигим Сирғақнинг паймонаси тўлганми, ойкўлим минган олтин тахт — Оққулага бир нама бўлганми?» деб, тушини қари Бақайга айтиб, Норбурулни миндириб бир талай йигитлар билан йўлга кузатди. Улар отларни қичаб ўтириб Манаснинг қарроғоҳига етиб келишди. Ботир қарт Бақайни кўргач, ярасин захми билинмай, кўзига уйқу илинмай, қолган-қутган йигитларни жамлаб ёв билан яна бир неча топқир жанг қилди. Лекин гарданидаги яраси зўриққанидан зўриқиб Манасни ҳолдан тойдириб борарди. Ниҳоят чекинишга тўғри келди. Бақай эса қирғинда шаҳид бўлган Чубақ, Сирғақ, Алмамбетнинг майитини топтириб, шоҳи-адрас ёптириб, расм-русумни бажо келтиргач, Манас Хоникейга нома ёзиб, ботирларга аза очишни маълум қилиб, чопарни отлантирди. Кейин қолган-қутган жангчиларини олиб, Манас билан Бақай ҳам Таласга қараб юзланди.

АЛП МАНАСНИНГ УЛИМИ

Хабарни уқиб Хоникей,
Мотам куйин чалдирди.
Алмамбет, Чубақ, Сирғақнинг
Урдасин яқин олдирди.
Кўкоролнинг бўйига
Утовларни қўндириб,
Аёл киши бўлса ҳам
Йўнмаганни йўндириб,
Ғазотга кетган шерларни
Тезроқ кутиб олай,— деб,
Эр Манас ҳузурига

Ўзим пешвоз борай,— деб,—
Гамдан бели букилиб,
Кўздан ёши тўкилиб,
Ўн икки қиз кенжаси,
Алп Манаснинг эркаси,
Олтин тасмани боғлаб,
Ўзини йўлга чоғлаб,
Олти ойлик Семетейни
Бирга олиб, сўроғлаб,
Алмамбет, Чубақ дардида
Отни тезлаб, ўкиниб
Эсиз кетган норларга,
Азамат шунқорларга
Аза очиб ўкириб,
Борар экан чор-ночор,
Дили ёниб тўлиқиб,
Таскин берди Хоникейга
Манас ботир йўлиқиб;
— Янгилама, фариштам,
Тузлар сешиб ярамни.
Қани, узат бир кўрай
Семетейни — боламни.
Кўргиликда янгитдан
Тузиб бўлмас оламни.
Қани, кўрай Хоникей,
Зурёдимни — боламни.
Қамчисини тутқазиб,
Тиззасига ўтқазиб,
Эркалатиб ўғлини,
Упар, искар кўр энди.
Ҳаял ўтмай Таласнинг
Қораси ҳам кўринди.
Алмамбетни, Сирғақни
Эслаб кўнгли бўлинди.
Чубақ шаҳид кетди,— деб,
Бизга заҳмат етди,— деб,
Энди элим нетди,— деб,
Алмамбет шаҳид кетди,— деб,
Шуниси жондан ўтди,— деб,
Жигар-бағри хун бўлиб,
Айтиб йиғлар алп Манас,
Кексаю ёш олдида
Қалбин тиглар эр Манас.
Қизил қирчин қизчалар
Мотам либос кийишган.

Қирқ ёшдаги аёли
Қорадан лос кийинган.
Тўқсондаги чол йиғлаб,
Қадди долдек букилган.
Шаҳидларнинг руҳига
Тинмай қуръон ўқилган.
Фарёд чекар Аруке:
— Қанотимдан қайрилдим.
Арслон билак, шер юрак
Алмамбетдан айрилдим.
Айтиб йиғлар Аруке,
Қайтиб йиғлар Аруке.
Есир қолган аёллар
Ғам-андуҳин кетказгач,
Еттисини, қирқини
Мақомида ўтказгач,
Янгиланди Манаснинг
Ўша эски яраси.
Найза заҳм етказган
Орқа бўйин ораси.
Кўкка чиқар Хоникей
Илтижоси, ноласи.
Қути ўчиб, Хоникей
Эр Шувутни чоптирди.
Ҳеч қайда йўқ дорини
Табиблардан топтирди.
Малҳам қўйиб Хоникей
Оғриғини қочирди.
Эсини йиғиб Манас,
Бир оз кўзи очилди.
Адирдан чиққан булоқдай
Эшилишиб турганда,
Олқор билан гулжадай
Қўшилишиб турганда
Бирдан кетиб ҳушидан,
Ботир ҳолдан тойиди.
Йиғлаб-сиқтаб Хоникей
Душманларни койиди.
Шунда қоплон шер Манас:
— Тутгин,— деди,— қўлимдан.
Вақти келса на илож,
Қочолмаймиз ўлимдан.
Агар ўлсам, азизим,
Ўзан бўйлаб қўймагин,
Ўзгага хор бўлмагин.

Оғир эрсиз хотинга,
Миниб учқур отинга,
Отанг томон кўчиб кет.
Хотирамни сақлагин,
Семетейни ёқлагин,
Эркалаб, ардоқлагин.
Ун икки ёшга етганда
Уқ ўтмас тўн кийгизгин,
Ота-онасин билгизгин.
Агар кўзим юмилса,
Талас сенга ер бўлмас,
Абиш, Қўбиш оғаларим,
Ариб, Қўлбой тоғаларим,
Билиб қўйгин — эл бўлмас.
Қўққис агар мен ўлсам,
Холироқ жойга кўмсанг,
Қўлим теккан хонлар бор,
Хўрлик кўрган жонлар бор.
Пайт пойлаган довлар бор,
Қонимга ўч ёвлар бор.

Аламзада душманлар
Қабрим очиб олмасин.
Йўл-йўлакай судратиб,
Майитимни ёрмасин.
Кўпчиликка билдирмай,
Элга гумон қилдирмай,
Маслаҳат сол Бақайга.
Нари-бери жилдирмай,
Хоникейим, азизим,
Ўз қадрингни оширгин.
Ёмон кўздан холироқ
Форга мени яширгин.
Шундай қилиб, мен ўлсам,
Семетейни одам қил,
Ботир бўлсин, мард бўлсин,
Очиқ қўлли — ҳотам қил.
Туғишган, қариндошга
Ҳеч сирингни олдирма.
Акам, укам қўлида
Семетейни қолдирма.
Ун иккига чиққанда
Эслатиб қўй Манасни.
Қўлига милтиқ тутқазиб,
Кўрсатиб қўй Таласни.
Бойловдаги Бурул от

Бир нарсани сезгандай.
Ўта хомуш негадир,
Ўлимлардан безгандай.
Ҳайвон зоти вафодор,
Бу бизларга билинмас.
Манасдайин сергакдир,
Кўзига уйқу илинмас.

* * *

Манас зўрга ёстиқдан
Бошин бир оз кўтарди.
Нафас олиб кўкрақдан,
Ўхтин-ўхтин йўталди.
Оғирлашиб кун сайин
Озиб борар бечора.
Қурғур яра захмидан
Чарчаб ҳорар бечора.
Бунни кўриб Хоникей
Бўтадайин бўзлайди.
Манас суйган ёрига
Дилдагисин сўзлайди;
— Хоникейим, азизим,
Тадоригинг битдими?
Олисдаги дўстларга
Мендан хабар етдими?
Қани, чақир алпларни,
Сўнг бор назар солайин.
Паҳлавон йигитларнинг
Дийдорига қонайин.
Қотоғондан хон Қўшой
Саховатли эр эди.
Эломоннинг Тўштуғи
Дўстни қиймас шер эди.
Қорачолнинг Сайқали,
Қиёматлик дер эди.
Урумхон ўғли Кўкбўри
Менга мадор — бел эди.
Қирон Бақай қариям,
Қариганда авлиём.
Донғи кетган Ҳожибой
Садоқатли ягона.
Қанғай билан қирғизга
Хизмат қилган мардона.
Барчасини қолдирмай,

Ҳузуримга чорлагин.
Елғизим сен, Хоникей,
Сўзим оғир олмагин...
Чўнг ўрданинг эшигин
Очиб қўйди Хоникей.
Дастурхонга топганин
Сочиб қўйди Хоникей.
Тўқсондаги Қўшойнинг
Кўздан ёши тирқирар.
Лаънат ўқиб фалакка,
Фигон чекар, чирқирар.
Эр Бақайнинг кўзидан
Еш томади шашқатор,
Лол Ҳожибой, Кўкбўри,
Барча гаранг, бош қотар.
Манас инсоф тилайди
Қоплон билак шерларга:
— Бу оллоҳнинг буйруғи,
Қазо етгач ўларкан.
Не иложки, яхшилар,
Банда шунга кўнаркан.
Хиёл бошин кўтариб,
Лахта-лахта қон қусди.
Ўхтин-ўхтин йўталиб,
Ўта беомон қусди.
Дард ташвишин оширди,
Турганларни шоширди.
Илож қанча, алп Манас
Омонатин топширди.
Хон Манасдан айрилиб,
Жўралари биғлашар.
Қўшой, Бақай найзага
Таянишиб йиғлашар.
Ой чиқмасдан олти кун,
Мотамсаро тун бўлди.
Ўғлонларнинг, алпларнинг
Жигар-бағри хун бўлди.
Замин титраб бир маҳал,
Етти кунда тўхтади.
Тоғу тошлар ва қушлар
Мотамсарога ўхшади.
Уша номдор қора нор,
Норлар ичра сара нор,
Оти машҳур желмаян,
Зоти машҳур желмаян,

Манас ётган ҳовлига
Аста келиб чўкади.
Мотам тутиб ўзича,
Мўлт-мўлт ёшин тўкади.
Оқшунқору Норбурул
Бойлаганга тўхтамас.
Ҳадеб кишнаб, сапчийди,
Бўш қўйсангиз ўтламас.
Иззат қилиб келганни
Кутиб турди Абике.
Эл олдига топганин
Тутиб турди Абике.
Бобо қуёш ботганда,
Эл уйқуга ётганда
Шўр пешона Хоникей
Эр Қўшойга йўлиқди.
Қўкбўри, Тўштуқ довларга
Гап айтолмай тўлиқди.
Алл Манаснинг мурдасин
Тоза ювиб поклатиб,
Адрас билан ўратиб,
Тепчиттириб, чоклатиб,
Оқ кигизни бостириб,
Отга абзал тўқитди.
Манаснинг жанозасин
Эр Қўшойга ўқитди.
Гилам уртиб тобутга,
Маҳкам қилиб боғланди.
Жўралари елкалаб,
Тоғ томонга чоғланди.
Бошлаб борар Хоникей
Гавҳар гардиш шам билан,
Кўкка ўрлаб фиғони,
Кўзи тўла нам билан.
Эчкиликнинг тоғидан
Қабрга фор ўйдирган.
Кўпчиликдан сир тутиб,
Жой ҳозирлаб қўйдирган.
Қирқ йил сувда қолса ҳам
Тошлари қилт этмайди.
Манас ботир хокига
Зиён-заҳмат етмайди.
Қўшой, Бақай бариси,
Қирқ ёшдан нариси,
Форга кириб кетишди.

Мўлжал ерга етишди.
Бақай бошлиқ жўралар,
Мирзалару тўралар,
Мўмиё қўшиб чаплатиб,
Булғоридан қоплатиб,
Манасни дафн этди,
Форнинг оғзин беркитди.
Ганч сувалди қолдирмай
Телик-тешик, тирқишга.
Бухоронинг ласидан,
Андижон атласидан
Тарқатдилар йиртишга.

* * *

Қўшой, Бақай, Тўштуқлар
Қилишдилар қасамёд:
— Алп Манаснинг руҳини
Шод этармиз умрбод.
Биз унинг васиятин
Бир умрга оқлаймиз.
Ботир суйган диёрни
Ғанимлардан сақлаймиз.
Эр Манас-чун ҳамиша
Найзага туғ илармиз.
Семетейдай ўғлининг
Эҳтиётин қилармиз.
Дўстлар ҳаёт, демакки,
Манас руҳи шод бўлгай.
Тилдан тушмас мардлиги,
Достон бўлгай, ёд бўлгай.

ИЗОҲЛАР

- Алма, Алманг, Алмаке — Алмамбет отининг кичрайтириб айтилиши.
- Аёқчи — косагул.
- Арғин — уруғ номи.
- Анжу-манжу — эпосда қора хитой, қалмоқ, манжу. Шаҳар номи.
- Аяш — эрининг дўсти ёки дўстининг хотини.
- Бадана — совут, зирҳли кийим. Ўқ ўтмас тўн.
- Баранг, баранги — пистон милтиқ.
- Бел — қир, доvon, тоғ. «Бел бойлаган бели йўқ» дегани суянган тоғи йўқ деганидир.
- Берен — (беран) — бургутнинг сара хили. Жўмард, шавкатли маъноларида ҳам ишлатилади.
- Беренжи — темир белдамча.
- Балтиркан — ёввойи ўсимлик нави.
- Беш тулук — от, туя, қорамол, қўй, эчки.
- Бурут — қалмоқларнинг қирғизларни камситиб таққан лақаби.
- Бататар — милтиқ тури.
- Будон — от сифати. Очбудон — Жўлойнинг оти.
- Будойиқ — афсонавий олғир қуш; ғалласимон чилвир ўт; жой номи.
- Бўзқаймоқ (бўз қаймал) — от номи.
- Бунчуқ — узун найза.
- Гўрпойга — ўлик устида, қора ошида чопиладиган пойга.
- Дангза (хитойча) — шажара дафтари. Унга атоқли кишилар номи битилган бўлади.
- Дангса (дингса) — хитой амалдорлари қалпоғидаги хос белги.
- Довулбош — ноғора.
- Жабир баян — зўр йиртқич.
- Жазойид — пилта милтиқ.
- Жайсан (жайсанг) — қалмоқлар бошлиғи.
- Жабу — мўғул ва қалмоқларнинг ўрани.
- Желмаян — чопқир туя.
- Жез тумшуқ — афсонавий шум кампир.
- Жодугар — уруғ номи.
- Жорукар — йўртилчи (Қароқчи)нинг оти.
- Жоқор — залварли чўнг милтиқ.
- Илама — (лама) — буддийлар руҳонийси.
- Калта (оқкалта) — қадимги милтиқ тури.
- Кементай — кигиздан қилинган устки кийим.
- Кечил — қалмоқ роҳиб. Қўнғурбой кечилнинг хони экан. Уруғ номи.
- Кировка — совут — зирҳли совут.
- Кўкқуба (оққуба, қилқуба, бекқуба) — камон ўқи ўтмас тўн.
- Кулук — пойга оти, чопқир от.
- Кен-Тун (Кентун) — Хитойдаги Кантон деган жой.
- Кўккёл — бўрининг зўри. Ўбдон ботир маъносига. Асосан Манаснинг сифати.
- Кўкола — Чубақнинг оти.
- Кунни жойлаш — ҳавони сеҳр билан ўзгартириш.
- Куран — қўнғир тусли от. Қарткуран — отнинг номи.
- Кўкпилта — милтиқ тури.
- Манжа — уруғ номи.

Мўнди — хитой ва қалмоқларнинг ўрони.
 Ойкўл — ойдайд ёруғ, кўлдайд тераи дегани. Манаснинг сифати.
 Оёт — сой номи.
 Олақанот — буз ўрдак.
 Олачиқ уй — қора уй.
 Олқора — Қўнғурбой отининг лақаби.
 Осий — беш яшар от.
 Очагур — милтиқ тури.
 Очбудон — от сифати, яна Жўлой ботирнинг лақаби. Ботирлик сифатини белгилаш учун исмга қўшиб айтилади. Чунончи: будон Бақай.
 Оталаш — амакивачча.
 Оқбаран — милтиқ тури.
 Оқжокор — милтиқ тури.
 Оқжўлта (оқжўлтой) — қутли йўлдош.
 Оққалта — Манаснинг милтиғи.
 Оққанқи — мўғул эгари.
 Оққула — Манаснинг оти, кичрайтириб «Қула» ҳам дейилади.
 Қула — саман дегани.
 Отқора тил бўлганда — ёзда йилқи кўкка тўйганда.
 Саринжи — Алмамбетнинг ўқ ўтмас тўни.
 Сайғоқ — буқа сўнаси.
 Сиймиқ — афсонавий давлат қуши.
 Син (синг) — назар солиш, синчков қараш. Рост маъносда.
 Сирбарон — милтиқ тури.
 Сорола — Алмамбетнинг Манасдан тортиқ оти.
 Сур — салобат, важоҳат. Айёр, сурбет маъносда ҳам ишлатилади.
 Телқизил — отнинг номи.
 Тейит — уруғ номи.
 Тирговит — уруғ номи
 Тош қадаган — қалмоқ қалпоғидаги белги.
 Туиша — Хитойдаги шаҳар номи.
 Тулук — калта ва йўғон мўғуз, мол шохи.
 Турнабой — дурбин.
 Тўмпой — қорамолнинг ошиғи.
 Тўрт тулук — от, қорамол, туя, улоқ.
 Фаранг — милтиқ тури.
 Учогур — милтиқ тури.
 Чалов — ёввойи ўсимлик.
 Чалқуйруқ — Тўштуқнинг лақаби. Отнинг номи.
 Чўқ — попук, гажим. Чўғ маъносда ҳам ишлатилади.
 Чалғин — разведка. Отлиқ разведкачи бизда «эровул» дейилади.
 Чоройна — совут, темир кийим.
 Чўқонлаш — қўшимча ошиқ отиш. Чўқон — ошиқ.
 Чори — қузғун, қорақарға.
 Чалмоқ — «Чалгинни қалмоқ чалгани» дегани сир олиш (разведка) га қалмоқ борди деганидир.
 Чорков — уруғ номи
 Шумбултўн — хитой амалдорининг хос тўни.
 Шинбе — уруғ номи.
 Шинак — қўрғондаги кузатув тўйнуқчаси.
 Эровул — отлиқ разведкачи қўшиннинг олдинги қисмида борувчи.
 Эште — уруғ номи.
 Уйрат — уруғ номи.
 Урт ёлқин — ўт-олов.
 Утоғўт — мўғул, хитой, қалмоқ қалпоғидаги тош жиға.
 Уён — ҳарбий мансаб.

Урда — қирғизларга хос ошиқ ўйини. Қўрғон, қароргоҳ маъно-
 сида.
 Қаалға — ўтовнинг ўйма ёғоч эшиги. Қаалғадай қашқа тиш деб
 ўтов эшигининг ўйма зулфинига ишора қилинади.
 Қанжа — тамакидон.
 Қанжиға — эгар қошидаги тасма, боғич, илгак.
 Қандағай — тоғ эчкиси терисидан тикилган шим, шалвор.
 Қанди, тейит, мунгуш — уруғ номлари.
 Қапғай — қалмоқнинг урони. Уруғ номи.
 Қанқи — дайди.
 Қангур — мўғулнинг бир уруғи.
 Қиёқчи — косагул.
 Қатағон — уруғ номи.
 Қирқим — қирқ оши назарда тутилади.
 Қийир — уруғ-аймоқ эл-юрт.
 Қолдой — қалмоқ мансабдори.
 Қора қуш — чўл бургути.
 Қув ўрдак — жез қанотли ўрдак.
 Қулжа — архар (олқор)
 Қоровул — тепа маъносида.
 Қўл — отлик отряд. Юзтачаси «ясов», мингтачаси «қўл», ундан
 ортиғи «қўшин» дейилади.
 Қўнгтўра — Қўнғурбойга ишора.
 Қўйчағир — қадимги милтиқ тури.
 Ғалча — гапга тушунмас маъносида. Уруғнинг номи ҳам.
 Ғойиб эран — тоғ жондорларининг ғойиб ҳомийси (афсона)

ОДАМ ОТЛАРИ ШАРҲИ

Абики — Манаснинг амакивачча иниси.
 Абиш — қирқ жўранинг бири.
 Аловка — Қўнғурбойнинг отаси.
 Алмамбет — таниқли ботир.
 Аллабек — эпизодлик қаҳрамон.
 Алоке — қирқ жўранинг бири.
 Аруке — Алмамбетнинг аёли.
 Бақай — Манаснинг амакивачча туққани, энг яқин қўлдоши, мас-
 лаҳатчиси.
 Бобек — қирқ жўранинг бири.
 Бобек — қозоқ полвони.
 Боғиш — Кўкчанинг яқин миқтиларидан бири.
 Боғиш — жодугарлар уруғининг **миқтиси**.
 Боймирза — Кўкатойнинг туғишгани, бойнинг ўғли.
 Бой — Жақипнинг отаси, Бақайнинг отаси.
 Бўкмурун — Кўкатойнинг ўғли, ботир.
 Бўзкерттик — қалмоқ ботири.
 Бугдойиқ — Музбурчакнинг отаси.
 Бўзўғил — қирқ жўранинг бири.
 Бўғал — қирқ жўранинг бири.
 Бўрончи — қалмоқ ботири.
 Бугдойиқ — Кўкчанинг кичик аёли.
 Дўрбан — қирқ жўранинг бири.
 Жайсан — мўғул бойи, эпизодлик қаҳрамон.
 Жайноқ — қирқ жўранинг бири.
 Жақип — Манаснинг отаси.

Жа на ли — дев, пари алпи.
 Жо д у г а р — Бағишнинг туб отаси.
 Жа на д и л — Кўкатоёнинг отаси.
 Ж ў л о й — қалмоқ хони, ботир.
 Ж ў р у н ч и — қирқ жўранинг бири.
 Ж ў ҳ о р и — уруғ бошлиғи.
 Ир чи ў г и л — қирқ жўранинг бири.
 И б и ш — қирқ жўранинг бири.
 Ё м ғ и р ч и — эштектларнинг хони.
 Кар бан — қирқ жўра орасида Манас Хоникейга уйлангандагина
 эслатилади.
 К ў к қ у ё н — эпосда султон дейилади.
 К ў к ч а — қозоқ хони.
 Ку т и н о й — қирқ жўранинг бири.
 Ку л д у р — Чолибойнинг отаси.
 К ў к б ў р и — Кўкқуённинг отаси.
 К ў ш а н — эпизодик қаҳрамон.
 Ма жи қ — қирқ жўранинг бири.
 Маллабек эпизодик қаҳрамон.
 Му з б у р ч а к — уруғ хони.
 Нес қ о р а — таниқли ботир.
 Н ў г о й — Манаснинг чўнг отаси.
 О қ э р к а ч — Кўкчанинг аёли.
 Се ме т е й — Манаснинг ўғли
 Се рек — қирқ жўранинг бири.
 Си р ғ а қ — қирқ жўранинг бири, таниқли ботир.
 Са н жи б е к — гоҳ Санжи, Синчибек деб ишлатилади.
 Уруғ бошлиғи.
 Се р о н д у қ — Алмамбетнинг отаси.
 С ў ла ба — Алмамбетнинг чўнг отаси.
 То з — Урбунинг отаси.
 То з б а й ма т — уруғ бошлиғи, чечан.
 Т е й и ш — Текесжоннинг иниси.
 Ту ма н — қирқ жўранинг бири.
 Т ў ш ту қ — уруғ бошлиғи, хон.
 Т ў қа — гоҳ Тўкатоё ишлатилади. Қаҳрамонлардан бири.
 У ша н — қалмоқ ботири.
 У р бу — уруғ бошлиғи.
 У р о н гу — ботир аёл, хон.
 Ча ла ба — Қўнғурбойнинг туб оталаридан.
 Ча ли бой — қирқ жўранинг бири.
 Ча ла ба — Алмамбетнинг туб оталаридан.
 Че би ш — уруғ бошлиғи.
 Ча ли қ — қирқ жўранинг бири.
 Чу бак — қирқ жўранинг бири.
 Ч ў я н ал п — чўнг полвон.
 Шо б е к — қирқ жўранинг бири.
 Шу в у т — қирқ жўранинг бири.
 Э сен х он — душман хони.
 Э ло м он — қирқ жўранинг бири.
 Э ш те к — уруғ хони.
 Қ ал қ а м он — қирқ жўранинг бири.
 Қ о ра ча — сайқал қизнинг отаси, тагин бир оти Қатқалон.
 Қ а м бар — қозоқ хони, Кўкчанинг чўнг отаси.
 Қ о ра х он — Хоникейнинг отаси — Отимир.
 Х а й да р х он — қозоқ хони, Кўкчанинг отаси.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Буюк чўққи. Чингиз Айтматов | 3 |
| I БЎЛИМ | |
| КЎКАТОЙ МАЪРАҚАСИ | |
| Маъракага тайёргарлик | 5 |
| Бўкмуруннинг маъракага уриниши | 6 |
| Хабарлаш | 10 |
| Элнинг ошга келиши | 13 |
| Несқоранинг Маникерни сўраб ғавғо солгани | 15 |
| Таласга кетди чопар | 17 |
| Ошга отланув | 19 |
| Манас ботирнинг Кўкатоининг ошига келиши | 22 |
| ОШНИНГ ДАБДАБАЛАРИ | |
| Пойга | 26 |
| Емби отиш | 29 |
| Кўшой дев билан Жўлой девнинг кураши | 30 |
| Тўкубой билан эр Оғишнинг жанжали | 36 |
| ЖАНЖАЛНИНГ БОШЛАНИШИ | |
| Манас билан Қўнғурбойнинг олишув | 38 |
| Қўнғурбойнинг ҳужуми | 39 |
| II БЎЛИМ | |
| УЛУҒ САҒАР | |
| Чубақ билан Алмамбетнинг ғалваси | 41 |
| Тол Чўққида | 83 |
| Айғоқда | 90 |
| Алмамбетнинг туғилган ери | 99 |
| Сир олиш | 109 |
| БОТИРЛАРНИНГ САВАШИ | |
| Урушнинг бошланиши | 119 |
| Қўнғурбой билан Манаснинг дастлабки тўқнашуви | 142 |
| Илк ғалаба | 175 |
| СўНГИ ОЛИШУВЛАР | |
| Охирги уруш | 182 |
| Алп Манаснинг ўлими | 187 |
| Изоҳлар | 195 |

На узбекском языке

МАНАС

Киргизский народный эпос
2- книга

Перевод с издания Киргизгосиздата, 1959 г.
По варианту

Орозбек уулу Сагымбай
Такризчи *М. Қўшмоқов*
Редактор *М. Жалилов, Ж. Сузюккулов*
Расмлар *А. Бобров, В. Шумилов*
Расмлар редактори *В. Немировский*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 2731

Босмахонага берилди 04.08.86. Босишга рухсат этилди 23.12.86. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10,50+0,11. вкл. Шартли л. кр—оттиск. 10,70. Нашр л. 11,95+0,13 вкл. Тиражи 10000. Заказ 1037. Баҳоси 1 с. 50 т. Шартнома 28—85.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ичлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида терилиб, 1-босмахонасида босилди. Тошкент—100002. Ҳамза кўчаси, 21.